- БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Махсус маърузачиси институтини таъсис этиш ташаббуслари тўғрисида сўз юритди.

Семинар доирасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармасининг Женевадаги алоқа бўлими директори ўринбосари **Альфонсо Баррагес** ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ёшлар дуч келаётган муаммолар ва тўсиқларни бартараф этишда фаол иштирок этишга чақирди. Шунингдек, БМТнинг устав ва шартномавий органлари тавсияларида охириги 10 йилликда ёшлар муаммоларига бағишланган масалалар паст даражада эканлигини айтиб ўтди.

2020–2021 йилларда БМТнинг устав ва шартномавий органлари тавсияларининг 18 % ёшларга оид эканлигини қайд этди.

Европа ёшлар форуми кенгаши аъзоси **Паулина Жалаксова** ўз маърузасида пандемия даврида нафакат Европа мамлакатлари, балки бутун дунё ёшларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари сезиларли даражада чекланди, аммо шу билан бирга, пандемия ёшлар учун бир қанча имкониятлар яратиб берганлигини қайд этди. Шунингдек, **Паулина Жалаксова** семинар иштирокчилари ҳамда БМТ вакиллариغا БМТнинг устав ва шартномавий органлари тавсияларининг барчаси ёшлар масалалари билан боғлиқ бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Тадбир давомида Ёшларни тарғиб қилиш бўйича мутахассис **Аня Гасс** ўз нутқида ёшларнинг давлат сиёсати ва қарорлар қабул қилишда, уларнинг ҳуқуқларини тўлақонли равишда амалга оширишда БМТ ва унинг структуравий органлари бош-

¹ <https://www.ohchr.org/EN/HRBodies/HRC/RegularSessions/Session46/Pages/46RegularSession.aspx>

қа халқаро ташкилотлар ичида лидер орган вазифасини бажариши кераклигини қайд этди. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо-давлатлар ўзларининг йиллик ҳисоботларида ёшлар муаммоларига бағишланган масалаларни кири-тиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

БМТнинг Ирқий камситишларни бартараф қилиш бўйича қўмитаси аъзоси **Рита Изсак-Ндиай** ўз маърузасида ёшлар масалаларини чуқур ўрганиш ва уларга ечим топиш бўйича бир қанча таклифлар бериб ўтди.

Жўмладан:

- ИХКга аъзо-давлатлар орасида ёшлар вакилини танлаш орқали ёшлар муаммоларини ўрганиш ва таҳлил қилиш учун Координаторни белгилаш;
- Ёшлар сиёсати бўйича йиллик эшитувларни йўлга қўйиш;
- Ёшлар муаммоларини Даврий ҳисоботлар тартибида ўрганиш;
- Ёшлар фаолларининг йиллик режаларини ишлаб чиқиш.

Шунингдек, анжуман давомида ёшларни интеграциялашув жараёнини янада кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилиб, халқаро миқёсда ёшлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича мумкин бўлган кейинги қадамлар муҳокама қилинди ҳамда анжуман сўнгида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши учун потенциал тавсиялар ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар берилди.

БМТнинг “Ёшлар–2030” стратегияси ва ёшлар ҳуқ-қ-атвор моделининг миллий қонунчилик мазмунида ифодаланиши

Аннотация. Мақолада ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича БМТнинг ҳозирги замон стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги мазмуни ёшлар ҳуқ-қ-атворининг ҳуқуқий модели тўғрисида ахборотни ифодаладиган белги-рамз тузилмаси сифатида баён этилади.

Калит сўзлар: ёшлар ҳуқуқлари, ёшлар ҳуқ-қ-атвори модели, ҳуқ-қ-атвор моделининг асосий субъекти, ёшларни қўллаб-қувватлаш, белги-рамз тузилмаси, нишона белгилар, ишора белгилар, ҳуқуқ рамзлари.

Annotation. The article presents the content of the modern UN strategy and the legislation of the Republic of Uzbekistan to support youth in the form of a symbolic and symbolic construction of the legal model of youth behavior.

Keywords: youth rights, youth behavior model, the main subject of the behavior model, youth support, sign-symbolic construction, icon signs, index signs, symbols of law.

Аннотация. В статье представлено содержание современной стратегии ООН и законодательства Республики Узбекистан по поддержке молодежи в виде знаково-символической конструкции правовой модели поведения молодежи.

Ключевые слова: права молодежи, модель поведения молодежи, основной субъект модели поведения, поддержка молодежи, знаково-символическая конструкция, знаки иконы, знаки индексы, символы права.

Ёшлик даврида инсон ўз муваффақиятларининг пойдеворини қуради ва бубутун жамият ривожланиши истиқболлари учун муҳим аҳамият касб этади. Ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, соғлом ва маънавиятли бўлиб улғайиши учун уларга шарт-шароитлар яратилиб, бунга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳолатлар бар-тараф этилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “... ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг им-кониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор ва-зифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умид-ларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади”, – деб таъкидлайди¹. Мамлакатнинг ривожланиши ёшларни жамиятнинг фаол, маънавий, интеллектуал ва жисмоний соғлом, жамият ҳаётининг турли соҳаларини ривожлантиришга ҳисса қўшишга қодир инсонлар сифатида тайёрлашга барча имкониятларни йўналтириш билан боғлиқ.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласи жаҳоннинг барча давлатлари сиёсатининг муҳим жиҳатини ташкил қилади. Шундан келиб чиқиб, бу масала халқаро ҳамжамият томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларнинг доимий кун тартибига туриб-ди². 2018 йил 24 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси-нинг 73-сессияси арафасида БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш “Ёшлар–2030” деб

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

² Қаранг: Саидов А., Тиллабаев М. Права молодежи: международные, региональные и национальные стандарты // Демократизация и права человека. 2020. № 3. С. 117–125.

номланган янги халқаро стратегияни эълон қилди. А. Гутерриш таъкидлаганидек, бугунги кунда ёшлар кўплаб муаммолар ва мислсиз маҳрумликларга тўқнаш кел-моқда, лекин улар зарур билимлар ва ғояларга эга бўлиб, замонавий муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнаши мумкин¹.

«Ёшлар–2030» халқаро стратегиясида жаҳоннинг барча мамлакатларида ёшлар билан ишлаш соҳасини ривожлантиришга қаратилган бешта устувор йўналишлар белгилаб берилди:

Биринчи устувор йўналиш – ёшларни замонавий муаммоларни ҳал қилишга жалб қилиш, бутун жаҳонда тинчлик, адолат ва экологик хавфсизликка эришишда ёшларнинг ролини ошириш, ҳар қандай сиёсатни амалга оширишда ёшларнинг манфаатларини ҳисобга олиш, уюлмаган ёшлар билан ишлаш шакллари тақомиллаштириш ва уларни фаоллаштириш, жамият ишларидан узоқлашган ёшларнинг унинг ишларига жалб қилиш услубларини ишлаб чиқиш, оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан ёшларнинг ижтимоийлашувини таъминлашда кенг-роқ фойдаланиш.

Иккинчи устувор йўналиш – барча ёшларнинг сифатли таълим ва соғлиқни сақлашдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, ёшларни уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўқитиш, инклюзив таълимни жорий қилиш, бутун ҳаёт давомида таълим олиш концепциясига асосланган, ёшлар яшайдиган ҳудуднинг реал ижтимоий-иқтисодий ва экологик эҳтиёжларига жавоб берадиган таълимга эришиш, ёшларнинг эҳтиёжларини ҳисобга оладиган тиббий хизмат ва соғлом атроф-муҳитни таъминлаш.

Учинчи устувор йўналиш – ёшларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга эришиш, ёшларга лойиқ иш ўринларини яратиш, малака ошириш тизимини яхшилаш, ишга жойлашмаган ва таълим олмаган ёшлар сонини қисқартириш, ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ҳамда меҳнат ҳуқуқларига риоя қилинишини кафолатлаш, ёшларни ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминлаш, углеводородларни кам қўллайдиган “яшил” иқтисодиётга ўтиш, экологик хавфсиз ишлаб чиқариш ва истеъмолни шакллантириш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ҳамда унга мослашиш.

Тўртинчи устувор йўналиш – фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш учун ёшларга шароит яратиш, ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, камситиш ва шафқатсиз муомала шаклларида зарар кўраётган ёшлар манфаатини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг одил судловга мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтириш, ҳуқуқларига эришиш йўлида ёшлар тўқнаш келаётган тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш, барча соҳаларда қарор чиқаришда ёшлар ҳуқуқлари ҳимоясини ҳисобга олиш, ёшларнинг сайлов жараёнидаги, қонунларни қабул қилиш жараёнидаги, сиёсий партиялар ва вакиллик органлари фаолиятидаги иштирокини таъминлаш.

Бешинчи устувор йўналиш – можаро ва инқироз шароитидаги ёшларни қўллаб-қувватлаш, ислохот жараёнларининг ҳамма босқичларида ёшлар иштирокини таъминлаш, ёшлар масаласи билан шуғулланадиган давлат ва нодавлат ташкилотлари шерикчилигини ривожлантириш, ёшлар ташкилотларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш, зўравонлик, экстремизм ва радикализм ғояларига қарши тарғибот ишларини ривожлантириш, гуманитар инқирозлар шароитида ёшларни ҳимоя қи-

¹ Глава ООН объявил о начале «новой эры» для молодых людей // <https://news.un.org/ru/story/2018/09/1338862>

лишга алоҳида эътибор қаратиш ва уларнинг гуманитар фаолиятда иштирок этишини қўллаб-қувватлаш¹.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамият олдида турган муҳим вазифалардан бири – бу ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳасида давлатларнинг мажбуриятларини белгилайдиган халқаро конвенцияни қабул қилишдир. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Президенти томонидан ташаббус қилинган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг қабул қилиниши жаҳон мамлакатлари қонунчилиги ва ҳуқуқий амалиётини ёшларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий талаблари асосида ривожлантиришга ҳисса қўшишни мақсад қилади. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Ришард Коменда айтганидек, “бунда гап ёшлар учун махсус муносабат ёки қўшимча ҳуқуқлар ҳақида эмас, балки уларнинг ўз ҳуқуқидан тўлиқ фойдалана олишларини таъминлаш ҳақида боради”².

Мазкур халқаро Конвенциянинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ташаббус қилиниши ўзининг ижтимоий ва миллий ҳуқуқий асосларига эга.

Ўзбекистонда охириги йилларда ёшларни қўллаб-қувватлашга бўлган эътиборнинг кучайиши уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларининг асосий ҳаракатга келтирувчи кучларидан бири сифатида қабул қилиниши билан боғлиқ. Шунингдек, Ўзбекистон аҳолисининг 54 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этиб, бу демографик хусусият миллий қонунчиликнинг ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш йўналишида ривожланишига таъсир килди ҳамда бу соҳада салмоқли ижтимоий тажриба ва эҳтиёж шаклланди.

Ўзбекистон Республикасида ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар учун шарт-шароитларни таъминлаш соҳасидаги миллий қонунчилик 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида тизимлилик ва изчиллик тамойилларига мувофиқ ривожланди. 2017–2020 йиллар мобайнида ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 50 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Бу қонунчилик ҳужжатлари ёшлар сиёсатининг барча йўналишларини камраб олди:

Масалан, ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони (2017 йил), “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020 йил), “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги (2020 йил) қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги

¹ Қаранг: Молодёжь–2030. Работа с молодёжью и в интересах молодёжи // www.un.org/youthenvoy/wp-content/uploads/2014/09/WEBR-UN-Youth-Strategy-Booklet_Russian-for-WEB.

² Қаранг. Коменда Р. Ёшлар ҳуқуқлари – БМТ кун тартибиди // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2020. № 3. Б. 20.

(2018 йил), “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019 йил), “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019 йил) қарорлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, ёшларни жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ қилиб тарбиялашга қаратилган қонун ҳужжатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2018 йил) қабул қилинди.

Худди шундай, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшларни иш билан таъминлаш, ёшларни хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб ижтимоий-маиший шароитларни яратиш йўналишларида муҳим қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари талабларининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши уларнинг ижтимоий муносабат иштирокчилари томонидан тўғри тушунилиб, дастуриламал сифатида қабул қилиниши билан боғлиқ. Шунинг учун, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик мазмунининг тушунарлилиги талаблари мавжудми? – деган саволни ўртага ташлаб, унга қонунчиликни белги-рамз тузилмаси сифатида тушуниш нуқтаи назаридан жавоб кидиришга ҳаракат қилиб кўрамыз.

Авваламбор шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, қабул қилинган ҳар қандай қонунчилик ҳужжатларининг самарали татбиқ этилиши, унда ўз ифодасини топган хулқ-атвор моделининг ижтимоий муносабат иштирокчиларига қанчалик даражада тушунарли эканлиги билан боғлиқ бўлади. Қонунчиликнинг тушунарлилиқ даражаси унинг коммуникатив сифати, ундаги хулқ-атвор моделини ифодалайдиган белги-рамзлар тузилмаси билан боғлиқ. Шу сабабли, ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчиликнинг белги-рамз тузилмаси таҳлили ёрдамида унинг тушунарлилиги нуқтаи назаридан ҳолатини аниқлашга имкон бериши мумкин.

Ҳуқуқий белги-рамз назарияси (юридик семиотика¹) бўйича қонунчилик муайян хулқ-атвор моделлари (масалан, болалар, ёшлар, ногиронлиги бўлган шахслар, талабалар, давлат хизматчилари, судьялар ва ҳоказо) тўғрисидаги ҳуқуқий ахборотни ижтимоий муносабат иштирокчиларига узатишга хизмат қилади. Хулқ-атвор модели субъектнинг қонуний йўл билан манфаатларга эришиш воситаси тўғрисидаги ахборотдан иборат бўлиб, бу восита ижтимоий манфаатларга мувофиқ келиши ва ҳуқуқий кадриятлар сифатида қабул қилиниши талаб қилинади. Шундан келиб чикиб, ҳар бир хулқ-атвор модели куйидаги акторлардан (иштирокчилардан) иборат бўлади²: манфаатлари таъминланиши назарда тутилган асосий субъект, асосий

¹ “Семиотика” юнунча “семеон” сўзидан келиб чиққан бўлиб, белгилар тизими тўғрисидаги фанни англатади. Юридик семиотика ҳуқуқни белги-рамз тизими сифатида ўрганади.

² 1966 йили француз олими А. Греймас “Тижорат ширкатлари тўғрисида”ги Франция қонунининг бўлимларидан бирини таҳлил қилади. Узининг таҳлилида Греймас ҳуқуқий тил, ҳуқуқда маъно яратиш, ҳуқуқий матн терминологияси ва грамматикаси хусусиятларини ўрганиб, қонунда ифодаланган хулқ-атвор модели акторлари (иштирокчилари) масаласига эътибор қаратади. Қаранг: Greimas A.J. The Semiotic Analysis of Legal Discourse: Commercial Laws That Govern Companies and Groups of Companies, The Social Sciences: A Semiotic View, Algirdas Julien Greimas, Minneapolis: University of Minnesota Press, 1990. p. 102–138.

субъект эришишга интиладиган объект (унинг манфаатлари), асосий субъектга объектига эришишини таъминлашга ёрдам бериши керак бўлган ёрдамчи субъектлар ва уларнинг функциялари ҳамда асосий субъектга объектига эришишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган субъектлар ва уларнинг жавобгарлиги.

Ижтимоий муносабат иштирокчиларининг ҳуққ-атвор моделларини ўз хатти-ҳаракатлари учун дастуриламал сифатида қабул қилишлари ушбу ҳуққ-атвор моделлари тўғрисидаги ахборотнинг тушунарли бўлишини талаб қилади. Ҳуққ-атвор моделларининг ижтимоий муносабат иштирокчиларига тушунарли бўлишини қонунчиликнинг белги-рамз тузилмаси таъминлайди. Қонунчиликнинг белги-рамз тузилмаси ҳуқуқ рамзлари, нишона белгилар ва ишора белгилардан¹ иборат бўлади.

Қонун чиқарувчининг мақсади, ғояси, иродасини ҳуқуқ рамзи хусусиятига эга матнлар ифодалайди. Ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқнинг, яъни ҳуққ-атвор моделининг умумлаштирилган мазмун-моҳиятини ифодалайдиган белгилар бўлиб, улар инсон онгига нафақат ақлий, балки ҳиссий-эмоционал таъсир этиш хусусиятига эга бўлади. Одатда, ҳуқуқ рамзлари декларатив нормалар матнидан иборат бўлиб, қонунчилик муқаддималарида, умумий нормаларда сақланади.

Нишона белгилар ҳуқуқни ўхшашлиги бўйича ифодалаш хусусиятига эга белгилар бўлиб, ҳуққ-атвор моделининг асосий субъекти, унинг тавсифи, бу субъект эришишга интиладиган объект ва унинг тавсифини нишона белгилар хусусиятига эга матнлар воситасида ифодаланади. Нишона белгилар қонунчилик матнининг ҳуққ-атвор модели асосий субъекти ва унинг манфаатлари ифодаланган қисми (моддалар, бандлар ва бошқалар) мазмунида сақланади.

Ишора белгилар ҳуқуқни ишора қилиш орқали ифодалаш хусусиятига эга белгилар бўлиб, ҳуққ-атвор модели асосий субъектининг ўз объектига эришиши учун ёрдам бериши керак бўлган субъектлар (ёрдамчи субъектлар) ва уларнинг функциялари ҳамда асосий субъектга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган субъектлар (тўсқинлик қилувчи субъектлар) ва уларга нисбатан жавобгарлик қоралари тавсифини ўз ичига олади. Ишора белгилар ҳуққ-атвор модели асосий субъекти ва унинг объектига, бошқа субъектларни (ёрдам берувчи ва тўсқинлик қилувчи субъектлар) ифодалаш орқали ишора этадиган қонунчилик матни таркибий қисми (моддалар, бандлар ва бошқалар) мазмунида сақланади.

Қонунчиликнинг белги-рамз тузилмаси ёзма ёки ёзма бўлмаган белгилардан иборат бўлиши мумкин. Ёзма белгилар ёзма матнлар шаклида бўлса, ёзма бўлмаган белгилар ашёлар, тасвирлар, ҳаракатлар, товушлар шаклида бўлади. Одатда, қонунчиликнинг белги-рамз тузилмасида ёзма белгилар асосий, ёзма бўлмаган белгилар қўшимча кўргазмалиликни таъминлашга қаратилган белгилар вазифасини бажаради.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўз ифодасини топган ёшлар ҳуққ-атвор моделини белги-рамз тузилмаси воситасида таҳлил қилиш мумкин. Қуйида ёшлар ҳуққ-атвор модели таркибий қисмларини унинг белги-рамзлар воситасида ифодаланиши нуқтаи назаридан таҳлил қилиб кўрамиз.

Биринчидан. Қонунчиликда ўз ифодасини топган ёшлар ҳуққ-атвор модели ижтимоий муносабат иштирокчиларига тушунарли бўлиши учун, биринчи навбат-

¹ Белгиларнинг бундай бўлиниши АҚШ файласуфи, семиотика назарияси асосчиларидан бири Ч.Пирс хулосаларига асосланади. Қаранг: Пирс Ч.С. Избранные философские произведения. – М.: Логос, 2000. – С. 200–222.

да, қонун чиқарувчининг (давлатнинг) мақсади, иродаси, ғояси тушунарли шаклда бўлиши керак. Шунингдек, бу мақсад ва ирода ижтимоий муносабат иштирокчиларига нафақат ақлий даражада, балки ҳиссий-эмоционал даражада таъсир қилиш хусусиятига эга бўлиши керак. Шундан келиб чиқиб, қонунчиликнинг рамзий воситаларини кучайтириш талаб қилинади. Амалдаги “Давлат ёшлар сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4 ва 5-моддалари ҳамда тегишли қонун ости ҳужжатларининг муқаддима қисмида қонун чиқарувчининг иродаси ва мақсади тўғрисидаги ахборот ўз ифодасини топган. Ёшлар хулқ-атвор моделининг ҳиссий-эмоционал таъсирини кучайтириш учун ёшларни қўллаб-қувватлашга тегишли қонунларни ҳам рамзий хусусиятга эга матнлардан иборат муқаддима билан тўлдириш мумкин.

Иккинчидан. Ёшлар хулқ-атвор моделининг асосий субъекти – ёшлар тавсифи ва мақоми аниқ ифодаланган бўлиши талаб қилинади (белги-рамзлар тузилмасидаги нишона белгилар). “Давлат ёшлар сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси матнида ёшлар – “ун тўрт ёшдан ўттиз ёшгача бўлган шахслар” кўринишида тавсифланган. Бу матнда ёшлар хулқ-атвор моделининг асосий субъекти, яъни ёшлар болалардан (вояга етмаганлардан) ажратилмаган. Бунинг натижасида ёшларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш ҳамда тегишли нормаларни қонунчиликка киритишда улар мақомининг ноаниқлиги билан боғлиқ муайян терминологик, грамматик, мантикий ва юридик-техник муаммолар вужудга келиши мумкин. Шунинг учун бизнинг фикримизча, қонунчиликда ёшлар хулқ-атвор моделининг асосий субъекти – ёшлар тавсифини такомиллаштириб, ёшлар ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш талаб қилинади.

Учинчидан. Ёшлар хулқ-атвор моделининг белги-рамз тузилмасида асосий субъект (ёшлар) эришишга интиладиган объект (манфаатлар) тавсифи нишона белгилар хусусиятига эга матнлар воситасида ифодаланади. Хулқ-атвор модели асосий субъектнинг ўз объектига қонуний йўл билан эришишини таъминлашга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, хулқ-атвор моделининг тушунарли бўлишини таъминлайдиган, унинг муҳим таркибий қисми ёшлар эришишга интиладиган қонуний объектларни, яъни уларнинг ҳуқуқларини аниқ тавсифлаш муҳим бўлиб ҳисобланади. Жумладан, сифатли олий таълим, сифатли тиббий хизмат, адолатли иш жойи ва меҳнат шароити, ижод қилиш ҳуқуқи, камситишдан ва коррупциядан ҳимояланиш ҳуқуқи ҳамда бошқалар қонунчилик ҳужжатлари матнида аниқ белгиланиши зарур. Албатта, бу ҳуқуқларга барча хулқ-атвор моделларининг субъектлари эга, лекин ёшлар учун улар алоҳида мазмун касб этади. Чунки бу ҳуқуқларнинг таъминланганлиги ёшларнинг жамият ривожланишидаги иштирокида хал қилувчи аҳамиятга эга.

Тўртинчидан. Ёшлар хулқ-атвор моделининг белги-рамз тузилмасида асосий субъектнинг ўз объектига эришиши учун ёрдам бериши керак бўлган субъектлар ва уларнинг вазифалари тавсифини ишора белгилар хусусиятига эга матнлар ифодалайди. Қонунчиликда ёшлар манфаатларининг амалга ошишида ёрдам бериши керак бўлган давлат органлари ва муассасалар тизими, уларнинг ваколатлари белгиланган.

Охириги йилларда Ўзбекистон Республикасида ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича уч поғонали миллий механизм шаклланди.

Биринчи поғона – ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, ёшлар учун шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширувчи ихтисослашган давлат органи – Ёшлар ишлари бўйича агентлик ташкил этилди. Агентлик ёшлар масаласида бошқа вазирликлар, маҳаллий хокимиятлар билан

узвий алоқалар ўрнатади, ёшлар бўйича дастурларнинг бажарилишида қатнашади ҳамда турли тадқиқот лойиҳаларини қўллаб-қувватлаб, ёшлар масаласида мамлакатдаги ҳолатнинг эксперт таҳлилини амалга оширади. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харита”лари тасдиқланиб, улар воситасида ёшлар муаммоларини ҳал қилишга тизимли ёндашиш таъминланди.

Мазкур концепциянинг “Йўл харита”ларида мамлакат ёшлари муаммоларини ўрганиш натижалари бўйича аниқ муаммоларни бартараф этишга мўлжалланган қарорлар қабул қилиш назарда тутилаётганлигини кўриш мумкин. Масалан, 2021–2022 йиллар учун “Йўл харитаси”да инновациялар соҳасида ёшлар яратган ишланмаларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар стартаплари танловини кенг миқёсдаги танловлар шаклида ўтказиш, ёш тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида кўргазмали савдо ярмаркалари ташкил этиш ёки ёшлар ўртасида адабиётга қизиқишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган, ёшларнинг энг яхши адабий асарлари учун – “Абдулла Орипов издошлари”, “Ўткир Ҳошимов асарлари билимдони”, “Ботир Зокиров санъати давомчилари” каби кўрик-танловларини ташкил этиш ва бошқа қатор амалий тадбирлар назарда тутилган¹.

Иккинчи поғона – давлат ҳокимиятининг олий, марказий ва маҳаллий органлари ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органлари ёшлар сиёсати бўйича қонунчиликни амалга оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Олий Мажлис Сенати қошида 100 нафар ҳамда Қонунчилик палатаси қошида 250 нафар фаол ва ташаббускор ёшлардан иборат “Ёшлар парламент”лари, Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташкил қилинди.

“Маҳаллабай” ўрганишлар воситасида ёшларнинг бандлигини таъминлаш, касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорликка жалб этиш, шунингдек улар ўртасида маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китобхонликни ривожлаштириш мақсадида янгича тизим – барча туман (шаҳар)ларда **“Ёшлар дастурлари”**ни амалга ошириш йўлга қўйилди. Ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ҳамда иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар киритиладиган **“Ёшлар дафтары”** тизими жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси тузилди. Худудларда **“Лойиҳалар фабрикаси”** иш бошлади.

Учинчи поғона – ёшлар ташкилотлари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ёшлар сиёсатини рўёбга чиқаришнинг асосий иштирокчисига айланмоқда. Ёшлар ташкилотларини бирлаштирувчи, улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи миллий институт – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи шаклланди. Республикада ёшлар манфаатларини ҳимоя қиладиган 830 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари фаолият олиб бормоқда. 2021 йил 1 январдан бошлаб “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси ННТ сифатида қайта ташкил этилди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш мақсадида яна қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. 2021 йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 23-сон қарорига 2-илова // <https://lex.uz/docs/5234746>.

деб эълон қилиниб, унинг Давлат дастурида аниқ тадбирлар белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган **“Бешта муҳим ташаббус”** илгари сурилди. Худудларда Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилиб, **“Маърифат қарвони”** тадбирлари доирасида китоблар ёшларга етказиб берилди ҳамда **“Ёш китобхон”** танлови, **“Бир миллион дастурчи”** каби ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сўнгги тўрт йилда ёшларни олий таълим муассасаларига камров 9 фоиздан 25 фоизга етказилди. **Президент мактаблари, “Темурбеклар мактаби”** ва **ижод мактаблари** барпо этилиб, хорижий ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Ёшлар соҳасидаги қонунчиликнинг белги-рамз тузилмасини таҳлил қилиш асосида ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича мавжуд тизимни яна қуйидаги йўналишларда ривожлантиришни таклиф қилиш мумкин:

1. Ёшлар билан ишлаш тизимининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш лозим. Бунда ёшлар, ёш мутахассис, ёш ходим, ёш оила, ёшлар ташкилоти, волонтер, талаба каби ҳуқ-атвор моделларини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги қонунларни қабул қилиш мумкин: “Ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш кафолатлари тўғрисида”ги, “Ёшлар ижтимоий хизматлари тўғрисида”ги, “Ёш мутахассислар тўғрисида”ги, “Ёш ходимлар тўғрисида”ги, “Ёш оила тўғрисида”ги, “Ёшлар ташкилотлари тўғрисида”ги, “Ёшларга зарар етказиши мумкин бўлган оммавий ахборот воситалари ва босма нашрларини чегаралаш тўғрисида”ги, “Ёшларни иш жойларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Волонтерлик ижтимоий хизмати тўғрисида”ги, “Касбий тарбия тўғрисида”ги, “Карьерани режалаштириш ва ривожланишни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ва бошқалар. Шунингдек, келажақда ёшларга оид қонунчиликдан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида ягона Ёшлар кодексини ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

2. Ёшлар манфаатларини ҳимоя қиладиган фуқаролик жамияти институтлари салмоғи, уларнинг турли йўналишларда ёшларни қўллаб-қувватлашдаги иштирокини янада кенгайтириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шерикчилиги механизмини такомиллаштириш лозим. Ёшларни қўллаб-қувватлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари давлатнинг ҳамкорлари бўлиб, улар ёшларнинг ижтимоий жипслашувига ёрдам беради. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат томонидан молиялаштириш тартибини такомиллаштириш зарур. Ёшларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими кенгайтирилиб, у ёшларнинг ҳаётда ўз йўлини топишига хизмат қилиши керак. Бунда ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича ташкилотлар фаолиятини белгилашда ёшларнинг ўзи иштирок этиши муҳим.

Ёшларга мўлжалланган ижтимоий хизматларни қуйидаги йўналишларда янада ривожлантириш керак: ёшларга мактабдан ташкари сиёсий, ижтимоий, гигиеник, маданий, экологик, илмий ва техник таълим бериш; таълимни ва касбни танлашда ёшларга қўмаклашиш; спорт, санъат, маданият ва адабиёт йўналишида ёшлар билан ишлашни кенгайтириш; ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш; ёшларга турли маслаҳат ёрдамларини бериш; оғир аҳволга тушган ёшлар билан ишлаш. Ёшларга ижтимоий хизмат, айниқса, оғир аҳволга тушган, ишсиз ёшларга маслаҳат бериш, касбий таълим олиш учун молиявий ёрдам бериш,

ўқитиш, касбга мослашишини таъминлашни ўз ичига олиши муҳим. Худудларда ёшларнинг аҳолини ўрганиш учун даврий социологик тадқиқотлар ўтказилиши, тадқиқот натижасида аниқланган муаммолар бўйича маълумот тайёрланиши, уларни бартараф этишга ижтимоий хизматларни йўналтириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиши мақсадга мувофиқ.

3. Ёшларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга жалб қилинадиган ёшлар камровини янада кенгайтириш зарур. Ёшлар турли йўналишларда ёшларга оид қонунчиликни такомиллаштириш, давлат органларига тавсиялар тайёрлаш, миллий ҳаракатлар режалари ишлаб чиқилишида кенг жалб қилиниши муҳим. Масалан, ёшларга бутун кун давомида таълим-тарбия беришни назарда тутувчи ҳаракат режаси ёки кам таъминланган оилалардан бўлган болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлашни назарда тутадиган ҳаракатлар режаси ҳамда бошқалар. Бундай тадбирлар орасида ёшлар муаммолари билан шуғулланадиган мутахассислар ва экспертлар ҳамжамияти иштирокида ўтказиладиган конференция ҳамда конгресслар салмоғини кенгайтириш муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг худудлардаги бўлинмалари, ёшларнинг худудий ташкилотлари соҳадаги нодавлат нотижорат ташкилотларни бирлаштириб, камида 80 фоиз ёшлар билан ишлашни қамраб олиши, экологик, ижодий, илмий-техникавий, бадий, спорт, сиёсий, ижтимоий, таълим, тарбия ҳамда бошқа қўллаб-қувватлаш ёшлар уюшма ва ташкилотларини бирлаштириши зарур.

Бешинчидан. Ёшлар ҳулқ-атвор моделининг белги-рамз тузилмасида ёшларга ўз қонуний манфаатларига эришишига тўсқинлик қиладиган субъектлар ва уларнинг жавобгарлигини ифодалайдиган ишора белгилар хусусиятига эга матнлар бўлиши керак. Ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги қонунчиликда ёшларнинг ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик ихтисослаштирилмаган, бундай ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси тавсифланмаган. Бизнинг фикримизча, ёшларнинг ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилганлик учун интизомий, маъмурий, жиноий жавобгарлик асослари қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилиши керак. Масалан, ёшларга сифатли таълим ёки тиббий хизмат кўрсатиш талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ёки ёшларга нисбатан пора олиш жинояти учун айбни оғирлаштирадиган алоҳида ҳолат сифатида жиноий жавобгарлик белгиланиши ва бошқа нормалар киритилиши мақсадга мувофиқ. Бундай нормалар ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик самарадорлигининг ошишига хизмат қилади ҳамда ёшларнинг қатъий химояланганлигига ишора қилади.

Шундай қилиб, ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчиликни белги-рамз тузилмаси сифатида тушуниш, ушбу қонунчиликни ижтимоий муносабат иштирокчиларига тушунарли бўлишини таъминлаш нуктаи назаридан таҳлил қилиш имкониятини беради. Қонунчиликни бундай усулда таҳлил қилиш, ундаги бўшлиқларни қўриш ва тузатишга, уни ҳаётга татбиқ этиш самарасини яхшилашга хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, бундай ёндашув ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчиликни доимий ижтимоий мулоқотда такомиллашиб борадиган тизим сифатида қабул қилиб, уни такомиллаштириш йўналишларини ўрганишнинг белги-рамз воситаларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Европа Иттифоқида ёшлар ҳуқуқлари

Аннотация: Мазкур мақолада ёшлар ҳуқуқлари соҳасида Европа Иттифоқи тажрибаси ҳақида сўз юритилади. Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги Европа Иттифоқи механизмлари аъзо-давлатларнинг миллий қонунчилигини тўлдириш учун хизмат қилиши таъкидланади.

Калим сўзлар: Европа Иттифоқи, ёшлар сиёсати, Лиссабон шартномаси, Асосий ҳуқуқлар хартияси, таълим, спорт, меҳнат бозори, халқаро ҳамкорлик.

Abstract: This article provides windows into the EU experience in the field of youth policy. It is emphasized that the EU mechanisms in the field of protection of youth rights serve to supplement the national legislation of the member states.

Keywords: European Union, youth policy, Lisbon Treaty, Charter of Fundamental Rights, education, sports, labor market, international cooperation.

Аннотация: В статье рассматривается опыт ЕС в области молодежной политики. Подчеркивается, что механизмы ЕС в области защиты прав молодежи служат дополнением национального законодательства государств-членов и служат координации и развитию межгосударственного сотрудничества на региональном уровне.

Ключевые слова: Европейский Союз, молодежная политика, Лиссабонский договор, Хартия основных прав, образование, спорт, рынок труда, международное сотрудничество.

XXI аср бошида инсоният тараккиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Янги юз йилликни ўзининг кенг қамровли шиддати билан қарши олган глобаллашув жараёни янада чуқурлашиб, кишилик жамиятини янги истикболлар сари етакламоқда. Табиий ҳодиса деб қаралаётган бу жараён ер юзидаги барча катта-кичик давлатларни ўз домига тортиб, дунё халқларини янада жипслашишига ундамоқда. Глобаллашувнинг “кичкина лабораторияси” сифатида эътироф этилаётган минтақавий интеграциялашув эса халқларнинг бир бутун бўлиб яшаш истаги, иқтисодий имкониятларни бирлаштириш орқали давомли тараккиёт ва фаровонликка эришиш, ҳамкорлик ва баҳамжихатлик билан урушлар хавфини камайтириш каби мақсадларга қаратилган. Глобаллашув ва минтақавий интеграциялашув жараёнида инсон ҳуқуқлари, жумладан, ёшлар ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни таҳлил қилиш ҳамда истикболни белгилаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда 4,381,376 кв.км майдонга эга бўлган Европа Иттифоқида 46 тилда сўзлашувчи 100 дан ортиқ миллат вакиллари бўлиши 500 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Жўғрофий жиҳатдан аъзо-давлатларнинг 14 таси – Ғарбий Европа, 11 таси – Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидир. Икkitаси эса (Мальта, Кипр) – Ўрта ер денгизи ҳавзасида жойлашган. Европа Иттифоқининг аъзо-давлатлари ўзларининг давлат бошқарув шакли, ҳудудий давлат тузилиши, маъмурий бошқарув шакли, иқтисодий ривожланиш даражаларига қўра турфа хил ранг-баранглик касб этади. “Ўйғунликдаги ранг-баранглик” шиорини ўзининг асосий тамойилларидан бир сифатида қабул қилган Европа Иттифоқи инсон ҳуқуқлари, хусусан, ёшлар ҳуқуқлари соҳасида умумевропа стандарт-

ларини яратишга ҳаракат қилмоқда. Бугунги кунда Европа Иттифоқида 16–29 ёш оралиғидаги аҳолининг 29 фоизи – қашшоқлик ва ижтимоий яққаланиш хавфи остидадир, 15–24 ёш оралиғидаги ёшларнинг 11,6 фоизи – таълим, иш ва касбий тайёргарликдан четда қолмоқда, худди шу ёшдаги қатламнинг 15,9 фоизи – иш-сизлик муаммосига дуч келмоқда¹.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, биринчи навбатда, Европа иқтисодини тиклаш ва ривожлантириш зарурати юзага чиқар экан, Европа Иттифоқининг дастлабки таъсис шартномаларида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш масаласига жиддий эътибор қаратилмаган эди, бироқ у билан билвосита боғлиқ бир қатор тамойиллар ҳам йўқ эмас эди. Европа иқтисодий ҳамжамияти тўғрисидаги шартноманинг 6-моддасида фуқаролик белгиларига қараб камситмаслик, 48-моддасида шахс ва фуқароларнинг эркин ҳаракатланиши, 51-моддасида ишчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, 48 ва 51-моддаларида яшаш жойини танлаш ҳуқуқи, 119-моддасида эса меҳнатга тенг ҳақ тўлаш каби тамойиллар ўз аксини топган эди.

1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Европа Кенгаши ташкилоти доирасида 1950 йилнинг 4 ноябрида Римда қабул қилинган ҳамда 1953 йилнинг 3 сентябрида кучга кирган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси Европа давлатларининг миллий ҳуқуқий тизимларига ва Европа Иттифоқи (ўша пайтда Европа ҳамжамиятлари) ҳуқуқ тизимига ўз таъсирини кўрсата борди.

Таъсис шартномаларида етишмаётган кемтикни тўлдириш мақсадида Европа ҳамжамиятлари доирасида 1961 йил 18 октябрда Туринда Европа социал хартияси, 1989 йилда Ишчиларнинг асосий социал ҳуқуқлари бўйича Ҳамжамият хартияси қабул қилинди.

Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятлари ҳуқуқи тизимида инсон ҳуқуқлари соҳасида асосий ҳуқуқий ҳужжатни вужудга келтириш борасидаги ишларга 1999 йил 3–4 июнда бўлиб ўтган Кёльн (Германия) Европа кенгашида туртки берилган эди. 1998 йилдаги БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 50 йиллиги муносабати билан ярим асрлик тарихга назар солиш ва истиқболни белгилаш Европа Иттифоқининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий ҳужжатини яратиш йўлидаги илҳомлантирувчи омиллардан бири бўлди. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш Иттифоқнинг асосий тамойили эканлигини урғулаш асносида асосий ҳуқуқлар мажмуасига эҳтиёж янада яққолроқ сезилди. 2000 йил 7–11 декабрда бўлиб ўтган Ницца Европа кенгашида инсон ҳуқуқлари соҳасида асосий ҳужжат “Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар хартияси” қабул қилинди.

Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар бўйича хартияси² ягона Конституция лойиҳасидан фарқли ўлароқ, Лиссабон шартномаси матнидан жой олмаса-да, Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартноманинг 6-моддаси 1-бандига мувофиқ, унинг таркибий қисмига айланди ва юридик мажбурий кучга эга бўлди: “Иттифок 2000

¹ Joint Report on the implementation of the framework for European cooperation in the youth field (2010–2018) and on a new EU Youth Strategy 2019–2027.

² Инглиз тилидаги манбаларда “Charter of Fundamental Rights of the European Union”, француз тилидаги манбаларда “Charte des droits fondamentaux de l’Union européenne” деб юритилади. Инглиз тилидаги “Charter” билан француз тилидаги “Charte” атамаси бошқа ҳолатларда турлича мазмунда ишлатилиши мумкин.

йил 7 декабрда қабул қилинган, 2007 йил 12 декабрда таҳрир этилган¹ Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар бўйича хартиясида эълон қилинган ҳуқуқлар, эркинликлар ва тамойилларни эътироф этади. У шартномалар билан бир хил юридик кучга эгадир”².

Таркибий тузилишига кўра Хартия муқаддима, 7 та бўлим ва 54 та моддадан иборат. Хартиянинг муқаддимаси Иттифоқнинг инсоний қадр-қиммат, озодлик, тенглик ва биродарлик каби бўлинмас ва умумбашарий кадриятлар асосида қурилганлиги ҳамда демократия ва ҳуқуқий давлат тамойиллари асосида ташкил топганлигини таъкидлайди.

У ижтимоий, илмий ва технологик тараққиёт ва жамият ривожланиши асносида инсон ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш мақсадини белгилайди. Аъзо-давлатларнинг умумий халқаро мажбуриятлари ва конституциявий анъаналари, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси, Социал ҳуқуқлар хартияси, Европа ҳамжамиятлари одил суди ва Инсон ҳуқуқлари Европа суди амалиёти кабиларни ҳуқуқ манбалари сифатида санаб ўтади.

Хартия мустақил ҳуқуқий ҳужжат сифатида талқин этилиши мумкин эмас. У ҳозирги кундаги Европа Иттифоқининг таъсис этувчи ҳужжати – Лиссабон шартномаси ва бошқа тўлдирувчи шартномалар ҳамда орттирма ҳуқуқ манбалари билан бир бутунликдагина яхлит юридик мазмунга эга бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, 2009 йилда кучга кирган Лиссабон шартномасидан сўнг Европа Иттифоқининг таъсис шартномаларидан инсон ҳуқуқлари ҳимояси муносиб жой олди. Инсон ҳуқуқларига оид нормаларни Иттифок микёсида кодификациялаштириш ўз ниҳоясига етди. Хартияга конституциявий мақом берилиши Европа Иттифоқи ҳуқуқий тизимида инсон ҳуқуқларига асосий эътибор берилаётганлигини таъкидлаш билан бирга, мазкур тизимнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган шартномавий захирасини ҳам тўлиқ шакллантирди.

Европа Иттифоқининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий шартномавий ҳужжатларини таҳлил қилиш бизга Иттифоқнинг ёшлар ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсатини тушуниб олишга ёрдам беради ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш имкониятларини тақдим этади.

2007 йил 13 декабрда имзоланган ва 2009 йил 1 декабрда кучга кирган Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартнома ҳамда Европа ҳамжамияти тўғрисидаги шартномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Лиссабон шартномаси³нинг XII Бўлими (TITLE XII Education, Vocational Training, Youth And Sport) таълим, касб-ҳунар таълими, ёшлар ва спорт масалаларига бағишланади⁴. Хусусан, мазкур бўлимнинг

¹ 2000 йил 7 декабрда қабул қилинган Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар бўйича хартияси Европа Иттифоқи учун ягона Конституция лойиҳаси шартномасининг матнига унинг иккинчи қисми сифатида киритилган эди. Конституция лойиҳаси рад этилган, 2004 йилдаги Ҳукуматлараро конференцияда Хартия матни яна бир бор таҳрир қилинди ҳамда 2007 йил 12 декабрда Страсбургда Европа Парламенти, Вазирлар Кенгаши ва Комиссия томонидан охириги таҳрирда қабул қилинди. Хартия матни Лиссабон шартномаси билан биргаликда эълон қилинган. Матн учун қаранг: Charter of Fundamental Rights of the European Union // <https://www.europarl.europa.eu/charter/pdf>.

² Consolidated versions of the Treaty on European Union and the Treaty on the Functioning of the European Union. Матн учун қаранг: <http://eur-lex.europa.eu> – JO 2010/C 83/01.

³ Лиссабон шартномаси алоҳида-алоҳида иккита шартномадан иборат: “Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартнома” (Маастрихт шартномаси) ва “Европа Иттифоқининг амал қилиши тўғрисидаги шартнома”. Яъни, “Европа ҳамжамияти тўғрисидаги шартнома” (Рим шартномаси)нинг номи “Европа Иттифоқининг амал қилиши тўғрисидаги шартнома” деб ўзгартирилган.

⁴ Treaty of Lisbon amending the Treaty on European Union and the Treaty establishing the European Community, signed at Lisbon, 13 December 2007. C 326/120 EN Official Journal of the European Union 26.10.2012: <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX%3A12007L%2FTXT>.

166-моддасига кўра, Иттифоқ куйидаги мақсадлар йўлида ҳаракат қилади ва оддий қонунчилик тартиби асосида зарур норматив ҳужжатлар қабул қилади:

- таълим соҳасида, аъзо-давлатларнинг тилларини ўргатиш ва тарқатиш орқали Европа таълим маконини ривожлантириш;
- дипломлар ҳамда ўқиш даврларининг академик тан олиншини таъминлаш орқали талабалар ва ўқитувчиларнинг Европа бўйлаб кўчишини рағбатлантириш;
- таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш – аъзо-давлатларнинг таълим тизимлари учун умумий бўлган масалалар бўйича маълумот ва тажриба алмашишни ривожлантириш;
- ёшлар алмашинуви ва ижтимоий-маърифий таълим мураббийларининг алмашинувини ривожлантириш ҳамда ёшларнинг Европа демократик ҳаётидаги иштирокини рағбатлантириш;
- масофавий таълимни ривожлантиришни рағбатлантириш;
- спорт мусобақаларида адолат ва ошкораликни қўллаб-қувватлаш ва спорт учун масъул идоралар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда спортчилар, айниқса, энг ёш спортчиларнинг жисмоний ва маънавий яхлитлигини ҳимоя қилиш орқали спортнинг Европа маконини ривожлантириш.

Ёшлар ҳуқуқларига оид Лиссабон шартномасининг асосий янгилиги шундан иборатки, биринчидан, ёшлар ҳуқуқлари таълим, касб тайёргарлиги ва спорт масалалари билан биргаликда тизимлаштирилган, иккинчидан эса, ёшларнинг Европа демократик ҳаётидаги иштирокини кучайтиришга алоҳида урғу берилган.

Ҳозирги кунда Европа Иттифоқи тўғрисидаги Лиссабон шартномасининг таркибий қисмига айланган “Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар хартияси”да инсон ҳуқуқларининг барча жабҳалари ҳуқуқий ҳимоя остига олинган. Хартиянинг 24-моддаси – болалар ҳуқуқларига, 25-моддаси эса – кексалар ҳуқуқларига бағишланган ҳолда ёшлар ҳуқуқлари бўйича алоҳида боб ёки модда мавжуд эмас. Бироқ, “Болалар меҳнатини тақиқлаш ва ёшларни иш жойларида муҳофаза қилиш” (“Prohibition of child labour and protection of young people at work”) деб ном берилган 32-моддага мувофиқ, “Ишга қабул қилинган ёшлар ўз ёшига мос меҳнат шaroитларига эга бўлиши ҳамда иқтисодий эксплуатация ва уларнинг хавфсизлиги, соғлиги ёки жисмоний, ақлий, ахлоқий ёки ижтимоий ривожланишига зарар етказиши ёхуд уларнинг таълимига халақит берадиган ҳар қандай меҳнат машғулотидан ҳимояланган бўлиши керак”¹.

Асосий ҳуқуқлар хартиясидан жой олган мазкур қоида “Иш кунларини тартибга солишнинг айрим жиҳатларига оид” 94/33CE-сонли Европа директиваси, 1961 йил 18 октябрдаги Европа социал хартияси ва 1989 йилдаги Ишчиларнинг асосий социал ҳуқуқлари бўйича Ҳамжамят хартияси нормалари асосида қабул қилинган.

Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Европа Иттифоқи ҳуқуқи манбаларини таҳлил қилиш натижасида куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, Европа Иттифоқи ҳуқуқи тизимида ёшлар ҳуқуқи таълим, касбий тайёргарлик ва спорт масалалари билан узвийликда талкин этилади ҳамда норматив ҳужжатларда улар билан бир мажмуа сифатида тизимлаштирилади;

¹ Charter of Fundamental Rights of the European Union. 2012/C 326/02: <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/HR/TXT/?uri=celex:12012P/TXT>

Иккинчидан, ёшлар ҳуқуқи соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколати оддий тартибдаги қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш йўли билан Европа Парламенти ва Европа Кенгашига берилган;

Учинчидан, Европа Иттифоқининг инсон ҳуқуқларига оид асосий ҳужжатларида ёшлар алоҳида муҳофаза қилинадиган ижтимоий катлам сифатида тавсифланмаган. Ёшларнинг ҳуқуқлари инсонларнинг умумий иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳуқуқлари доирасида ҳимоя қилинади.

Тўртинчидан, Европа Иттифоқининг ёшлар ҳуқуқларига оид норматив-ҳуқуқий механизмлари Иттифоққа аъзо-давлатларнинг ёшларга оид миллий қонунчилигини тўлдиради ва бу соҳани тартибга солувчи ёрдамчи ҳуқуқий инструмент бўлиб хизмат қилади. Европа Иттифоқининг ёшлар ҳуқуқлари соҳасидаги асосий вазифаси мазкур соҳада аъзо-давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш ва кучайтиришдир. Шу мақсадда Европа Иттифоқи доирасида 2010–2018 йилларга мўлжалланган стратегия ва 2019–2027 йиллар учун Европа Иттифоқининг ёшлар бўйича стратегиялари қабул қилинган¹. Мазкур стратегияларда ёшларнинг таълим олиш ҳуқуқини тўлиқ таъминлаш ва уларни меҳнат бозорида иш билан таъминлаш вазифаси устувор мақсад сифатида белгиланган.

Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги Европа Иттифоқи тажрибаси минтакавий микёсда давлатлараро ҳамкорликни тартибга солиш ва ёшларга оид миллий сиёсатларни ўзаро мувофиқлаштиришнинг энг яхши намунаси сифатида хизмат қилиши мумкин.

¹ The EU Youth Strategy is the framework for EU youth policy cooperation for 2019–2027, based on the Council Resolution of 26 November 2018: https://ec.europa.eu/youth/policy/youth-strategy_en

Шахноза Ганибаева,
кандидат юридических наук,
доцент кафедры «Международное право
и права человека» Центра повышения
квалификации юристов

Формирование государственной молодежной политики на основе международных стандартов

Аннотация. Мақолада мавжуд халқаро ҳужжат ва амалиётларни ҳисобга олган ҳолда ёшлар сиёсатини шакллантириш масалалари кўриб чиқилган. Мақолада ёшлар сиёсатини шакллантиришга қаратилган ёшлар ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва етакчи мамлакатлар тажрибаси таҳлил этилган. Халқаро стандартлар ва хорижий тажриба асосида давлат ёшлар сиёсатини такомиллаштириш ва оптималлаштириш бўйича амалий тавсиялар таклиф қилинган.

Калит сўзлар: ёшлар, давлат ёшлар сиёсати, халқаро ҳужжатлар, стандартлар, конвенция, декларация, резолюция, халқаро ташкилотлар, БМТ, БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши, ХМТ, ЮНЕСКО.

Abstract. The article discusses issues related to the formation of youth policy based on existing international documents and practices. The article analyzes international legal documents in the field of youth rights and the experience of leading countries aimed at forming youth policy. Based on the analysis, conclusions are drawn and practical recommendations are formed for improving and optimizing the state youth policy based on international standards of international organizations and foreign experience.

Keywords: youth, State Youth Policy, international documents, standards, Convention, Declaration, Resolution, international organizations, UN, UN Security Council, ILO, UNESCO.

Владение информацией о рынке труда молодежи имеет большое значение для выявления проблем занятости молодежи на национальном и местном уровнях и для формирования политики и программ, направленных на решение этих проблем. Требования к основным данным для измерения и анализа занятости молодежи: это система данных, которая включает в себя национальные обследования рабочей силы, регулярные обследования организаций и административные отчеты по вопросам труда. Во многих странах, однако, статистика труда доступна только в незначительном объеме, особенно по конкретным категориям населения, таким как молодые люди (в возрасте 15–24 лет). В связи с этим данный модуль предлагает рассмотреть ряд возможных подходов на случай отсутствия полного диапазона данных. Обследование рабочей силы – это выборочное обследование домашних хозяйств и частных лиц, проводимое национальными статистическими управлениями на регулярной основе, чтобы получить данные о численности занятых, безработных и частично занятых. Эти обследования охватывают основные демографические характеристики отдельных членов домашних хозяйств (например, пол, возраст, уровень образования, семейное положение) и основные переменные критерии рабочей силы, такие как статус активности (например, занятый, безработный, экономически неактивный), продолжительность рабочего времени, основная специальность, отрасль экономической деятельности, статус занятости, причина отказа от поиска работы, методы поиска работы и прошлый опыт работы.

В настоящее время свыше 200 миллионов человек в мире являются безработными, из которых более 35% составляет молодежь. Уровень безработицы среди молодежи в среднем превышает уровень безработицы среди взрослого населения в 2–3 раза². В этом можно убедиться, если посмотреть на общемировые тенденции, иллюстрирующие динамику ВВП и занятости молодежи. Несмотря на ниспадающие тенденции в глобальном уровне бедности, во многих развитых и развивающихся странах большую часть молодежи можно отнести именно к бедным слоям населения. Изменения на рынках труда таковы, что набирает популярность «более гибкая» рабочая сила и, как следствие, имеет место частое заключение трудовых контрактов на неполную и временную работу среди молодежи во многих странах. С одной стороны, это говорит о большей мобильности молодежи, с другой стороны – об их большей незащищенности на рынке труда и ограниченной возможности³.

Это особенно актуально для молодых людей, только что окончивших образовательные учреждения с надеждой на большие карьерные перспективы. Будучи безработными, молодые люди также теряют свой социальный статус и принадлежность к социальным кругам, чувствуют себя отчужденными. Эти факторы могут подтолкнуть молодежь к насилию и радикализму. Занятость молодежи также косвенно предопределяет переход на взрослый этап жизни, связанный с созданием семьи и деторождением. Так, непостоянная занятость и безработица молодежи мо-

¹ Равенство в сфере труда – веление времени: [Глобальный доклад, представленный в соответствии с механизмом реализации Декларации МОТ об основополагающих принципах и правах в сфере труда, 91-я сессия, Женева, 2003 г.] // https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/---dcomm/---publ/documents/publication/wcms_099154.pdf

² Статистика МОТ (2007).

³ МОТ (2017).

гут привести к непроизвольному увеличению возраста образования, запоздалому заключению брака и созданию собственной семьи. Наконец, создание семьи при нестабильной и непродуктивной занятости родителей отражается на благосостоянии будущего поколения как результат недостаточных инвестиций в обучение детей и их здоровье. Как следствие, молодежь из бедных семей будет иметь гораздо меньше шансов как на получение качественного образования, так и на стабильное трудоустройство. Как видно, обеспечение устойчивой занятости молодежи является ключом к снижению бедности и обеспечению достойных условий жизни как для молодых женщин и мужчин, так и для работающих пенсионеров. Данная задача стоит и перед правительством Республики Узбекистан, молодого государства с самым большим населением в Центральной Азии.

При принятии решения о том, следует ли искать работу, потенциальные работники также руководствуются целым рядом факторов, включая заработную плату, возможности для обучения без отрыва от производства, альтернативное использование своего времени (например, участие в образовании) и различные вознаграждения, получаемые помимо заработной платы. Очевидно, что влияние многих из вышеперечисленных факторов зависит от существующей институциональной и правовой среды. При этом часто взаимодействие спроса и предложения на рынке труда для одной группы работников может оказывать воздействие на исходы на рынках труда для других групп работников. Сегодня вопросы занятости были тщательно изучены как теоретически, так и эмпирически во многих развитых и развивающихся странах. Отражены основные факторы, которые, согласно экономической теории, воздействуют на потребность в рабочей силе не только взрослых, но и молодежи. Как несложно догадаться, повышение заработной платы молодежи приводит к снижению спроса и занятости среди молодежи из-за увеличения стоимости рабочей силы молодых работников относительно других групп работников. В результате, фирмы могут:

- нанимать «дорогой» рабочей силы молодежи меньше и заменять ее наймом большего количества взрослых работников (безработица среди молодежи возрастает, а среди взрослых работников сокращается);

- сократить масштабы своей деятельности, что отрицательно скажется на совокупном уровне занятости как молодежи, так и взрослого населения. При этом устанавливаемые обязательные ставки МЗП в стране очень часто отрицательно сказываются на уровне занятости молодежи. Экономический рост и возрастающий спрос на товары и услуги фирм могут способствовать увеличению масштабов деятельности бизнеса и среднему увеличению спроса на все категории работников. В долгосрочной перспективе повышение производительности молодых работников снижает издержки на единицу продукции и увеличивает спрос на них. Обычно повышение производительности труда молодежи является результатом более высоких навыков, повышения квалификации и образования вместе с структурными изменениями на рабочих местах. В данном аспекте одним из ключевых факторов, потенциально влияющих на производительность молодых работников, является увеличение длительности обязательного образования. Так, в краткосрочной перспективе увеличение длительности обязательного образования ведет к сокращению средней производительности молодежи, работающей на полную ставку, поскольку круг молодых работников составляют в основном те, кто окончил школу в раннем возрасте (15-16 лет). Однако со временем вхождение 18-19 летних выпуск-

ников на рынок труда может повысить среднюю производительность молодежи в будущем.

В Указе Президента Республики Узбекистан от 01.07.2020 года «О мерах по коренному реформированию и поднятию на новый уровень Государственной молодежной политики в Республике Узбекистан» отмечается, что сохраняется ряд проблем в обеспечении занятости молодежи путем привития ей навыков современного предпринимательства и создания новых рабочих мест, а также эффективной организации профилактики правонарушений и преступности среди несовершеннолетних, предупреждении семейных разводов, формировании у молодого поколения прочной идеи патриотизма и твердой гражданской позиции.

Президент и Правительство Узбекистана уделяют особое внимание поддержке молодых людей и предоставлению возможностей для их самореализации и внесения вклада в будущее процветание своей страны. ЮНИСЕФ оказывает поддержку Правительству в обеспечении того, чтобы проводимые реформы и инициативы отражали права, интересы и стремления детей и молодежи. Ни один молодой человек не должен остаться без внимания.

Для решения данной проблемы можно предложить, чтобы правительство ввело всесторонний учёт прав молодых людей посредством существующих механизмов, политики и программ. На национальном уровне для обеспечения защиты и осуществления прав молодых людей привлекать молодёжные организации и структуры к разработке, осуществлению, мониторингу и оценке политики, программ и стратегий, оказывающих воздействие на права молодёжи.

Янги Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида – ёшларга эътибор

Аннотация. Мазкур мақолада, Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш палласида давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар, ўқиш, таълим олиш учун давлат томонидан сармоянинг жалб этилиши тўғрисидаги фикрлар баён этилган. Мақолани ёритишда давлат раҳбарининг нутқларидан, олимларнинг фикрлари ва иқтибосларидан кенг фойдаланилган.

Калит сўзлар: таълим, мотивация, конференция, Ёшлар ишлари бўйича агентлик, халқаро конвенция, Учинчи Ренессанс.

Abstract. This article describes the attention paid by the head of our state to the youth in the period of development of New Uzbekistan, the conditions created, the attraction of state investment for education. The speeches of the head of state, opinions and quotations of scholars were used in the coverage of the article.

Keywords: education, motivation, conference, youth affairs Agency, International Convention, Third Renaissance.

Аннотация. В статье рассказывается о том внимании, которое глава нашего государства уделяет молодежи на этапе развития Нового Узбекистана, создаваемых условиях, привлечении государственных инвестиций в образование. При освещении статьи использованы выступления главы государства, мнения и цитаты ученых.

Ключевые слова: образование, мотивация, конференция, Агентство по делам молодежи, международная конвенция, Третий Ренессанс.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланиб бормоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тизимли ҳамда босқичма-босқич жорий қилинмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган саксондан ортиқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар нормалари миллий қонунчиликда ўз аксини топмоқда¹.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ёшлар масаласини кўтариб, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни яратиш ва уни қабул қилиш ташаббусини илгари сурган эди. Инсониятнинг барча қатламларига тегишли ҳақ-ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи норматив ҳужжатлар қаторида ёшлар билан боғлиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг йўқлиги бунга асосий сабаб бўлди.

Шунга қўра, Ўзбекистон Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциянинг лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу жараёнда ёшлар масаласига бағишланган жаҳон тажрибаси кенг миқёсда ўрганилди. Конвенция лойиҳасини ишлаб чиқишда бугунги кунда БМТ ва у билан боғлиқ халқаро тузилмалар, яъни Халқаро меҳнат ташкилоти,

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2018 й., 09/18/841/2081-сон, 04.06.2019 й., 09/19/457/3235-сон, 28.06.2019 й., 09/19/532/3344-сон, 20.12.2019 й., 09/19/1014/4173-сон; 27.06.2020 й., 09/20/411/1000-сон; 14.12.2020 й., 09/20/777/1620-сон.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Парламентлараро иттифоқ каби ташкилотлар томонидан ёшлар ва ёшлар сиёсатига оид ўттиздан ортик универсал ҳамда минтакавий ташкилот, яъни Африка Иттифоқи, Америка давлатлари ташкилоти, Европа Кенгаши, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида йигирмадан зиёд халқаро ҳужжат эътиборга олинди. Ўз ўрнида, конвенция лойиҳаси турли даражадаги муҳокама жараёнларидан ўтказилди.

12 август – Халқаро ёшлар кунида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан “Ёшлар–2020: глобал бирдамлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари” деб номланган инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми “БМТ 75 ёшда келажакка нигоҳ” дастури доирасида бевосита ёшлар масаласига бағишлаб ўтказилди.

Ёшларнинг ҳозирги авлоди дунё тарихи бўйича олиб караганда энг кўп сонлиси ҳисобланади. Яъни бугунги кунда дунёда икки миллиарддан ортик ёшлар мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, жаҳон ҳамжамиятидан инсон капиталли ҳамда инновацион салоҳиятти ривожлантиришда ёшлар имкониятларидан тўғри ва самарали фойдаланиш, шу билан бирга, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид янгича тенденциялар ва ёндашувлар талаб этилади.

Дунёда кескин рақобат, ахборот ҳуружлари, террористик таҳдидлар тобора кучайиб, айрим минтакаларда қонли тўқнашувлар ва низолар давом этаётган бир даврда Президентимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистонда янги Уйғониш, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш даври бошланди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг асосий ғоясига айланиб, фарзандларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши, жисмоний ва маънавий етук инсонлар бўлиб вояга етишини таъминлаш, уларнинг қобилияти ва истеъдоди, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларда она юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини қамол топтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш ташкил этилди. Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламенти, Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси тузилди. Худудларда “Лойиҳалар фабрикаси” иш бошлади. “Ёшлар – келажагимиз” давлат дастури доирасида иқтидорли ва ташаббускор ўғил-қизларимизнинг 8 мингдан зиёд бизнес лойиҳаларига қарийб 1,7 трлн сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Буларнинг барчаси ёшларга берилган кенг имкониятлар қалитидир.

Ёшлиқдан билим ҳазинасига эга бўлиш, келажақ учун муҳим сармоя йиғиш билан баробардир. Албатта, инсонга берилган энг катта бойлик илм ва ҳунардир.

Давлатимиз раҳбари ёшларга алоҳида эътибор ва қатъий ишонч билдирди. Таълим, математика, кимё, биология – фундаментал фанларни зўр ўқитиш, инновацияларга йўл очиш ҳақида ўз нутқларида таъкидлаб ўтдилар. Ёшларнинг маърифати, маънавияти бош масала, стратегик вазифа, устувор йўналиш бўлиши даркордир. Мазкур санаб ўтилган масала ва вазифаларнинг амалдаги исботини сўнгги тўрт йилда Ўзбекистонда 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилганлигида кўришимиз мумкин. 2020 йилда эса олий ўқув юртларига кириш учун бир ярим миллионга яқин йигит-қизлар ҳужжат топширди. Бунда ёшларнинг таълим олишга бўлган мотивациясини деярли 40 фоизга оширилганини билиш мумкин.

2020–2021 ўқув йилидан яна бир янги тизим жорий этилди: кам таъминланган оилаларда улғаяётган қизларнинг билим олиш имкониятини кенгайтириш мақсадида олий таълим муассасаларида улар учун давлат гранти асосида 940 та қўшимча ўрин ажратилди.

Ёшликда эгалланган илмлар хазинаси тошга ўйиб ёзилган ҳикмат сарчашмаси мисол инсон тафаккурини бир умр чархлаб, уни комиллик сари етаклайди. Зеро, аждодларимиздан бизгача етиб келган умрбокий мерос шунчаки пайдо бўлиб қолмаган. Илм яхши сўзлар жамланмасигина эмас, инсонни камолот даражасига олиб чиқадиган нажот калъасидир.

Бу хазинага эгалик қилишни биз китобдан ўрганамиз. Илм ўрганиш ва ўргатишда аввало ҳамжиҳатлик, устоз ва шогирд анъаналари, айниқса, ёшлар маънавий дунёқарабини шакллантириш йўлидаги дадил саъй-ҳаракатлар мужассамдир.

Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганларидек: “Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланишимиз керак”.

Ўзбекистонда ҳозирдан ривожланиш, изланиш учун кенг имкониятлар яратилляпти, ёшларни илму маърифатга рағбатлантириш, илм эгаларини қадрлашга қаратилган тизим шакллантириляпти.

Шу ўринда, сўнгги уч-тўрт йил ичида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази очилгани диққатга сазовордир. Ислом таълимотининг алоҳида йўналишларини чуқур ўрганишга мўлжалланган таълим-тадқиқот муассасалари фаолиятининг йўлга қўйилгани Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги муҳим қадамлар бўлди.

Биз яшаб турган шу муқаддас заминда Уйғониш – Ренессанс бошланган пайтлар Европа ҳали ғафлат уйқусида бўлганини кўпчилик ёшлар билмаса керак. Бу тарихий ҳақиқатни Европанинг етук олимлари тан олганини ҳам билмайдиганлар бор.

Атоқли немис шарқшуноси Адам Меснинг «Мусулмон Ренессанси», академик Николай Конраднинг “Шарк Ренессанси” концепцияси бежизга ёзилмаган. Агар “Die Renaissance des Islams” китобини ушбу мавзудаги бош манба деб ҳисобланса, Адам Месдек буюк олим ўз фундаментал тадқиқотини яратишда улут ватандошимиз Берунийнинг илмий меросига таянганидан фахрлансак арзийди.

Шунингдек, ёшлар ҳуқуқлари ва барқарор ривожланиш мақсадлари орасидаги боғлиқлик, ёшларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги билими ва ҳуқуқий онгини ошириш, 2030 йилгача янада хавфсизроқ келажакни куриш, тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ёшларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш масалалари ҳам форум дастуридан жой эгаллади.

Дарҳақиқат, “Келажакка интилиб яшайдиган ёш авлод сайёрамизда фаровон ҳаёт ва юксак тараққиёт барқарор бўлиши учун янги ғоялар ҳамда ижодий руҳдаги саъй-ҳаракатларни амалга оширадиган бекиёс кучдир”, – дея таъкидлайдилар давлатимиз раҳбари ўз нутқларида.

Бугунги кунда ёш шахс бўлиш бу катта бойлиқдир. Зеро, ёш аҳоли катта ишчи кучи, салоҳият ва имкониятлар калити, демакдир. Гёте “Дунё олдинга бораётган бўлса-да, ёшларга ҳар сафар янгидан бошлашга тўғри келади”, деб қайд этган эди. Шу боис, навкирон ёшларга келажакни ҳаракатлантирувчи асосий шижоаткор куч

сифатида қараш лозим. Ёшлар салоҳияти мамлакат иқтисодиётига ва жамият ривожига катта ҳисса қўшади, агар улар тўғри шакллантирилса, барқарор ривожланишнинг асосий унсурига айланади¹.

Машҳур Маъмун академиясида камолга етган Ибн Сино, Мусо ал Хоразмий, Абу Райхон Беруний каби юзлаб алломалар Шарқ уйғониш даврининг биринчи босқичига, Темурийлар даври тамаддунининг ёрқин вакиллари – Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби олимлар иккинчи юксалиш босқичига ҳисса қўшгани киёс қилинса, Учинчи Ренессанс вакиллари бугунги ислохотларнинг медаларидан баҳра олган Янги Ўзбекистон болалари орасидан етишиб чиқиши ажаб эмас.

Ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиётини таъминлашда асосий пойдевор – инсон омили, унинг интеллектуал салоҳияти билан узвий боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, мамлакат аҳолисининг катта қисми замонавий билим ва қўникмаларга эга ёшлардан иборат эканлигини инобатга олган ҳолда, мазкур катлам ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўлатиладиган долзарб масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ечимини топиш кун тартибидagi муҳим вазифадир.

Ўтган даврда, бу борада қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар ёшларнинг интилиш ва иқтидорларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга оид раҳбар кадрларнинг бошқарув салоҳиятини юксалтириш бўйича мустаҳкам тизим ишлаб чиқилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуслари ва амалий қўмақлари асосида 2019 йилнинг ўзидаёқ ёшлар ҳаётига бевосита тааллуқли бўлган жами 40 та Қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди.

Жумладан: Ўзбекистон Республикасининг 3 та Қонуни; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та Фармони, 8 та Қарори, 2 та Фармойиши; Вазирлар Маҳкамасининг 18 та Қарори ва 4 та Фармойиши имзоланди. Шунингдек, 2020 йилга қадар Қонунчилик палатасида, сиёсий партия фракцияларида ўтказилган 20 дан ортиқ йиғилишларда 500 нафарга яқин ёшлар ўзларининг 30 га яқин таклифлари билан қонун муҳокамаларида иштирок этишига имкон яратилди².

Давр талабига қўра, умумтаълим мактабларида “Тарбия” фанининг жорий этилиши мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ўқув жараёнлари, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, аждодларимиз меросини ўрганиш, дину диёнатимиз мусоффолиги ҳамда ақидамизнинг эзгу ғоялар ила суғорилган мазмун-моҳиятини асраш, миллатимизга хос қадриятлар ва фазилатларни сақлаб қолишда “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” йўлида хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, охириги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар марказида ёш авлод ҳақидаги ғамхўрлик турибди. Бундай бўлиши табиий, албатта. Зеро, айнан ёш авлод ҳар қандай юксалиш ва тараққиётнинг, жумладан, Янги Ренессанс пойдеворини яратишнинг ҳаракатлантирувчи қучидир.

¹ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми: Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция лойиҳаси муҳокамада [Сўхбат] // <https://uza.uz/uz/posts/inson-u-u-lari-b-yicha-samar-and-forumi-yeshlar-u-u-lari-t-r-11-08-2020>

² “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. Т., 2019.

Ёшларнинг ҳуқуқлари ва салоҳияти тинчликсевар ва демократик давлат барпо этишда муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олган ҳолда, “Ёшлар-2020: глобал бирдамлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари” деб номланган Самарқанд форуми давомида инсон ҳуқуқлари соҳасида ёшлар билан боғлиқ ишсизлик даражаси бутун дунё миқёсида юқори даражада эканлиги, бундан ташқари, 263 миллион бола ва ўсмир мактаб таълимидан маҳрум эканлиги алоҳида таъкидланиб, уларнинг ечимини дунё миқёсида ўрганиш кераклиги айтилди.

Президентимиз томонидан таклиф этилган ташаббус – ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциянинг қабул қилиниши бугун навқирон авлод дуч келаётган аниқ муаммоларни ҳал қилиш, соҳага оид турли халқаро ҳужжатлардаги номутоносибликни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларни тарбиялашда бой маънавий-маданий анъаналар, урф-одатлар ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали ташкилий ижтимоий-психологик механизмлар ишлаб чиқилиб, таълимни инсонпарварлаштиришга замин яратди. Бундай муҳим вазифаларни амалга оширишда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун асосида таълим тизими соҳасидаги устувор йўналишлар белгиланди¹.

Бугунги кунга келиб янгича фикрлайдиган, фуқаролик жамиятини қуришда мамлакат равнакига ҳисса қўша оладиган, ўз касбининг сир-асрорларини пухта эгаллаган мутахассис кадрларни етказиб бериш бошқарув тизими олдида турган энг муҳим масалалардан биридир. Бунинг учун ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истикболли кадрлар тайёрлаш институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истикболли кадрларни тайёрлаш Институти фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3206-сон Қарори ижроси доирасида 2018 йил давомида мамлакатда ёшлар сиёсатини амалга ошириш борасида бир қатор йирик тадқиқотлар ўтказилди.

Мамлакатимизда ёшларнинг менталитетимизга қарши турли хил ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишини олдини олишга қаратилган ишлар тизимини йўлга қўйиш ва бу борада махсус дастур ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шунинг назарда тутилган ҳолда, ахборот технологиялар тараққиёти натижасида Интернет тармоқларида тарқатилаётган маълумотлар, “оммавий маданият”нинг турли хил кўринишларидан ҳимояланишга қаратилган қоидалар тизимини яратиш ҳамда бунда давлат ва нодавлат ташкилотлар вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш зарурати мавжуд. Бундай вазиятда ёшлар онгини салбий ғоялардан ҳимоя қилишга қаратилган Қонун лойиҳаси, “Ахборот хавфсизлиги Доктринаси ёки Стратегияси”ни ишлаб чиқиш, таълим муассасаларида олиб борилаётган АКТ машғулотларига Интернетдан фойдаланиш маданияти ва ахборот хавфсизлигига қаратилган мавзуларни киритиш зарур. Бундан ташқари, “uz” доменида илм-фан, ахборот олиш, алмашиш, ўзбек тилида электрон китобларни юклаб олиш имкониятларини кенгайтириш, маълумотлар базасини кучайтириш ва қулайлаштириш самара бера-

¹ “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – 37-сон. – 426-модда; 2017. – 24-сон. – 487-модда.

ди. Миллий Интернет порталига рақобатбардош веб-сайтларни яратиш мақсадида, грант танловларини эълон қилиш маҳаллий мутахассислар ҳамда ёшларнинг виртуал ҳаётини фойдали ва мазмунли ўтказишга рағбат беради. Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар учун яратилган турли соҳалардаги имтиёзларни ўзида мужассам этган ягона меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга эҳтиёж сезилмоқда. Бугунги кунда мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда факатгина маданият, спорт, фан-таълим соҳаларида ўтказиладиган турли хил танлов ва мусобакалар, олимпиадалар катнашувчилари ҳамда давлат мукофоти ва стипендиялар соҳибларига тааллуқли. Иктидорли ёшлар, ёш оилалар ва умуман барча ёшларга тегишли яхлит меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш масаласи ҳам тегишли идоралар муҳокамасидан ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дунё бўйлаб ёшлар катталарга қараганда уч баробар кўпроқ ишсиз, яъни 71 миллионга яқин ёшлар иш қидирмоқда. Улар иш топсалар ҳам, одатда, катталарга қараганда анча мураккаб шароитларда ва кўпинча, тенг иш учун тенг ҳақ тўланмасдан меҳнат қилишади.

Бундан ташқари, 263 миллион болалар ва ёшлар мактаб таълимидан маҳрум. Бу эса таълим ва малака етишмаслиги туфайли уларнинг меҳнат бозорига ўтишларини қийинлаштиради. Ёшларнинг таълим олиш ҳуқуқини ва меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш учун курашаётган кўплаб мамлакатлар ҳам ёшлар сонининг сезиларли ўсишини башорат қилмоқдалар, натижада келгуси йилларда улар учун муаммолар ортади.

Сўнгги йилларда бутун дунё ёшлари ўз ҳуқуқлари учун фаол курашмоқда ҳамда сиёсий ислохотларни амалга ошириш ва ўзларига яхши имкониятлар яратишни талаб қилмоқдалар. Бу эса кўплаб мамлакатларда муҳим сиёсий ўзгаришларга олиб келади.

Бироқ уларнинг йиғилишлар, уюшмалар ва сўз эркинлигига бўлган ҳуқуқларига, кўп ҳолларда риоя қилинмайди. Ёшларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштироки кўпинча келажақ учун жиддий оқибатларга олиб келадиган қарорлар ва жараёнларда мазмунли иштирок этиш ўрнига маслахатлашувлар билан чекланади.

Ёшларнинг таълим олиш илнжида четга чиқиб кетиши ортмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида МДХ давлатлари орасидан Азәрбайжонда 14 та, Арманистонда 8 та, Қозоғистонда эса 7 та Россиянинг илғор университетлари филиаллари фаолият юритмоқда. Ўз навбатида, бундай тажриба мамлакатимизда хорижий олий таълим муассасалари филиалларини янада кўпроқ очиш эҳтиёжини оширмоқда¹.

Ёшларнинг сиёсатга ва давлат қарорларини қабул қилишга жалб этилишини кучайтириш зарур. Ёшлар уларга таъсир кўрсатадиган сиёсатни ишлаб чиқишда асосий иштирокчилар бўлиши керак. Жаҳондаги аҳолининг ҳар икки нафаридан бирини 30 ёшга тўлмаганлар ташкил этади. Аммо дунё миқёсида парламент аъзоларининг атиги 2 фоизидан ҳам камроғи 30 ёшдан кичик йигит-қизлардир.

Шунингдек, ёшлар ҳуқуқлари ва барқарор ривожланиш мақсадлари орасидаги боғлиқлик, ёшларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги билими ва ҳуқуқий онгини ошириш, 2030 йилгача янада хавфсизроқ келажақни куриш, тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ёшларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш масалалари ҳам атрафлича муҳокама қилинади.

¹ “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. Т., 2019.

Бир сўз билан айтганда, ёшлар нафақат келажагимиз бунёдкорлари, балки ҳозирги кунимиз, ислохотларимизнинг ҳал қилувчи кучи ҳамдир. Агар биз барқарор ривожланишга эришмоқчи бўлсак, ёшларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини ҳар томонлама кучайтиришимиз зарур.

Хусусан, БМТ тузилмалари томонидан тайёрланган “Ёшлар ҳолати” ҳисоботида кўра, ёшларнинг сиёсий институтлардаги иштироки етарли эмас. Масалан, дунёда ёшларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этиш индекси ўртача 5,68 балл (энг юқори балл – 10) бўлгани ҳолда ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 8,75 ва Ислон ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда 4,38 баллни ташкил этади. Дунё бўйлаб 30 ёшга тўлмаган ёшлар нуфузи ўта юқори эканлигига қарамай, кўпгина мамлакатларда уларнинг парламент аъзолари сонидagi улуши 2 фоизни ҳам ташкил этмайди.

Янгиланаётган Ўзбекистонда ёшлар сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқиш, ёш авлодни ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотларга кенг жалб этиш, уларга мамлакатимизнинг бугуни ва эртанги кун билан боғлиқ ўта муҳим вазифалар ижросини ишониб топшириш борасидаги тажрибаси дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Хусусан, бугун парламентимиз қуйи палатасининг 6 фоизини, маҳаллий кенгашлар депутатларининг 10 фоизини айнан ёшлар ташкил этмоқда. Парламент палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари иш бошлади.

Ҳозирги кунда ёшлар дуч келаётган бир қанча муаммолар шошилиш чоралар кўришни талаб қилмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш тенг ҳуқуқли жамиятларга ва ижобий ижтимоий ўзгаришларга олиб келиши мумкин ҳамда ёшлар олдида турган муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Бугунги кунда ёш шахс бўлиш – бу муаммо эмас, балки бойлиқдир. Бугунги ёшлар рақамли жамият аъзоларидир. Улар интернет ва ижтимоий тармоқлар билан бирга ўсиб-ўлғайган. Шу билан бирга, улар ёш инсон бўлиш нимани аниқлаши ҳақида ўзларининг асосли фикрларини билдира оладиган кишилардир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унга аъзо-давлатлар сўнгги йилларда ёшлар билан ишлашни тобора кучайтириб бормоқда.

Ёшлар учун масъул бўлган Бутунжаҳон вазирлар конференциясида 2019 йил бошида қабул қилинган ёшлар сиёсати ва дастурлари тўғрисидаги “Лиссабон+21” декларацияси ёшлар ҳуқуқлари соҳасида олға силжиш учун қўшимча имконият яратди. Декларацияда инсон ҳуқуқлари ва барча ёшларнинг асосий эркинликларини ёшлар сиёсати ва дастурларида инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашувни таъминлаш ҳамда уларни режалаштириш, лойиҳалаш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва кўриб чиқиш белгилаб қўйилган.

Ёшлар олдида турган муаммолар ва инсон ҳуқуқлари бузилишларини аниқлаш ҳамда бу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида талаба ва ёшлар ҳаракати ва ташкилотлари билан ишлаш учун марказий муассасаларда ҳамда жойлардаги ваколатхоналарда ёшлар билан ишлаш бўйича ходимлар тармоғини яратиш муҳимдир.

Ёшлар 2030 йилгача бўлган даврдаги Барқарор ривожланиш мақсадларини ишлаб чиқишда фаол қатнашдилар ва уни амалга оширишда иштирок этмоқдалар.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбари ёшлар масаласини кўтарар экан, нафақат юртимиз, балки ер юзидаги ёшларнинг шароитини яхшилаш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрнини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари келажакда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилгандир.

Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини сифатини оширишнинг муҳим омили

Аннотация. Мақолада ёшлар ҳуқуқлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳасининг норма ижодкорлиги амалиётига тегишли қонунчилик таҳлил қилинади. Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф берилган.

Калим сўзлар: ёшлар ҳуқуқлари, тартибга солиш таъсири, баҳолаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жамоатчилик муҳокамаси, лойиҳа, қонун ҳужжати сифати.

Abstract. The article contains an analysis of the legislation on youth rights and norm making process of the Republic of Uzbekistan in the sphere of regulatory impact assessment of normative-legal acts. This article has developed proposals for improving the system of the regulatory impact assessment of normative-legal acts and their drafts in the Republic of Uzbekistan.

Key words: youth rights, regulatory impact, assessment, public discussion, legal act, draft, quality of legislative act.

Аннотация. В статье проведен анализ законодательства, касающегося прав молодежи и нормотворческой практики в области оценки регуляторного воздействия нормативно-правовых актов. Даются предложения по совершенствованию системы оценки регуляторного воздействия нормативно-правовых актов и их проектов в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: права молодежи, регуляторное воздействие, оценка, нормативно-правовые акты, общественное обсуждение, проект, качество законодательного акта.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Республика-мизда ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда Олий Мажлис ҳузурида Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги фаолият кўрсатмоқда¹.

2020 йил 12–13 август кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Самарқанд халқаро форуми муваффақиятли ўтказилди. Мазкур форумда яна бир бор **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини** қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистонда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларни ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди². Шунингдек, мамлакатимизда 30 июнь – “Ёшлар куни” деб эълон қилинди. Турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган фидойи ёшларимизни рағбатлантириб бориш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофоти ва “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси ташкил қилинди. Худудларда “Лойиҳалар фабрикаси” иш бошлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3851>.

² Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

Ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини ўз ичига олган бешта муҳим ташаббус амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ёшларда замонавий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва янги иш ўринларини яратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этиш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, ёш авлодда мустаҳкам ватанпарварлик ғояси ҳамда катъий фуқаролик позициясини шакллантириш борасида қатор муаммолар сакланиб қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур соҳада қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масаласига яна бир эътибор қаратади.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигига қўмаклашиш, тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш, уларнинг муносиб даромад олиши учун қўшимча шароитлар яратиш юзасидан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида бир қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси¹ қабул қилиниб, унга мувофиқ:

ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

мамлакатда ҳавфсизлик, экологик барқарорлик, адолат ва тенг ҳуқуқлилиқни таъминлашда ёшларнинг ролини ошириш;

ёшлар учун малакали тиббий хизматдан фойдаланиш шарт-шароитларини яхшилаш, улар ўртасида тиббий саводхонликни ошириш ва соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш;

таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш, ҳудудларда инклюзив таълимнинг ривожланиши учун шарт-шароит яратиш;

ёшларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва уларнинг меҳнатга оид қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали уларнинг иқтисодий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш;

ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган «беш муҳим ташаббус»ни амалга ошириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор ёшлар, меҳрибонлик уйларида тарбияланган етим болалар, боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш;

ёш хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада оширишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 23-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2021 й., 09/21/23/0056-сон.

хориждаги ватандошлар билан ишлаш, халқаро ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва халқаро доирада тажриба алмашиш тизимини янада такомиллаштириш вазифалари кўзда тутилган.

Конун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида кенг қўлланма ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жihatдан амалдаги қонунчилик базасига, шунингдек норма ижодкорлиги жараёни сифатига ҳам-барчас боғлиқ.

Шу муносабат билан, чуқур ўйланган ҳамда ҳисоб-китоб қилинган қарорлар қабул қилиш имконини берувчи янги инновацион “ақлли тартибга солиш” усуллари-ни жорий этиш орқали тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий жihatдан таъминланишини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Ҳозирги кунда – Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида олдимизда ўта долзарб ва мураккаб вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун, аввало, қонун ижодкорлиги соҳасида ишни бутунлай янгича ташкил этишимиз керак”, деган таъкидлари хали-хануз ўринли бўлиб қолмоқда.

Хусусан, Давлатимиз раҳбари томонидан бир соҳага тааллуқли ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган бир нечта қонунлар ўрнига, ягона кодекс қабул қилиш амалиётини қарор топтириш; тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунлар-ни қабул қилиш, қонунларда ҳавола шаклидаги нормалар ўрнига тўғридан-тўғри ишлайдиган қоидаларни белгилаш; қонунларни қабул қилишда уларнинг келгуси-да ишлашини таъминлайдиган чора-тадбирларни ҳам кўриш; қонунларни қабул қилиш жараёнида улар билан боғлиқ барча қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлиқ ишлаб чиқилишини таъминлаш; қонун лойиҳасини қабул қилишда уни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш¹; қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга бўлишини таъминлаш, қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсирини, ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги ролини ошириш; қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш, идоравий ҳужжатларни кескин қисқартириш; қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлаш; қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратиш; янги қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг асосий маъносини аҳолига етказиш бўйича самарали механизм яратиш² бўйича бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилиб, норма ижодкорлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича истиқболдаги вазифалар белгилаб берилди.

Мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда қонунийлик ва қонун устуворлиги конституциявий-ҳуқуқий принципларига сўзсиз

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилиши-даги нутқи (20.01.2020 й.) // uza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг расмий веб-сайти.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган-ининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси (07.12.2016 й.) // uza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг расмий веб-сайти.

риоя этиш, қонун ижодкорлиги сифатини ошириш, мазкур жараёнга кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари ва экспертларни жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси доирасида тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда¹.

Жорий йил 15 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5025-сон қарорининг қабул қилиниши ҳам юқоридаги долзарб вазифаларни ҳал қилишга қаратилган муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳужжат асосида норма ижодкорлиги жараёнида янги институт – тартибга солиш таъсирини баҳолаш механизминини тўлақонли жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Авваламбор, тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг ривожланиш тарихига назар соладиган бўлсак, мазкур институт жаҳонда 1960-йиллардан бошлаб қўлланила бошланган. Илк маротаба ушбу тизим Данияда 1966 йилда давлат секторининг иқтисодий ва маъмурий таъсирини баҳолаш мақсадида қўлланилган.

Ҳозирги вақтда тартибга солиш таъсирини баҳолаш 60 дан ортиқ давлатларда кенг қўлланилади (масалан, АҚШда Президент Администрациясида Тартибга солиш хизмати, Буюк Британияда эса, Ҳукумат аппаратида Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бюроси ва алоҳида Тартибга солиш сиёсати бўйича қўмита, Жанубий Кореяда Тартибга солишни ислох қилиш қўмитаси)².

Жаҳонда мазкур институт бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларига зарар етказмаган ҳолда, давлатнинг сифатли ва мувозанатлашган норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш мақсадида қўлланилади.

Мазкур институт мамлакатимизда ҳам анчадан бери босқичма-босқич ривожланиб келмоқда. Тарихга назар соладиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 декабрдаги қонун ҳужжатларини баҳолаш тизимини жорий этишга оид 281-сон қарори қабул қилиниб, унинг асосида қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузилган ҳамда мазкур тизимни жорий этишга қаратилган бир қатор чора-тадбир белгиланган³.

Амалга оширилган ишлар натижаси ўлароқ Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсир этадиган ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли лойиҳа ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб

¹ Тойчиев Н.Д. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари // Ҳуқуқ ва бурч. – 2021. – № 1. – Б. 12–13.

² Шевченко И.К., Костенко М.А., Федотова А.Ю. Генезис моделей оценки регулирующего воздействия проектов нормативных правовых актов в социально-экономическом развитии: зарубежный опыт и российская перспектива // Известия Южного федерального университета. – 2012. – № 8. – С. 54–55.

³ Внедрение в Узбекистане системы оценки воздействия актов законодательства. Центр экономических исследований. Аналитическая записка. – Т., 2012. – № 5. – С. 10–11.

чикувчилар томонидан Интерактив давлат хизматлари ягона порталида муҳокама қилиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун жойлаштирилиш тартиби жорий этилди.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини тақомиллаштириш концепциясида тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтини комплекс ҳукукий институт сифатида шакллантириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Бу борадаги навбатдаги муҳим кадам – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январдаги ПФ-5644-сон “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармаси таркибида Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлими ташкил этилиши бўлди.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича навбатдаги босқич – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармонининг қабул қилиниши бўлди. Ушбу ҳужжат билан тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг қуйидагича уч поғонали вертикал тизими йўлга қўйилди:

қуйи поғона – давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг марказий аппаратлари тузилмасида тартибга солиш таъсирини баҳолашга масъул ходимлар белгиланди;

ўрта поғона – тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳасидаги махсус ваколатли орган сифатида Адлия вазирлиги марказий аппаратида Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси ташкил этилди;

юқори поғона – Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасида Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлими фаолият юритмоқда.

Шунингдек, мазкур Фармон билан тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг ташкилий-ҳукукий асослари тақомиллаштирилди:

– тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича таҳлилий материаллар лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси, келишув ва ҳукукий экспертизадан ўтказиш босқичларида илова қилиниши белгиланди;

– Адлия вазирлиги зиммасига ҳар йили мамлакатда тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимининг ҳолати тўғрисида ахборот тайёрлаб, Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш ҳамда бошқа бир қатор қўшимча вазифалар (мувофиқлаштириш, услубий ёрдам кўрсатиш, масъул ходимлар малакасини ошириш ва б.) юклатилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ-5025-сон қарори тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини батафсил тартибга солишга, бу борада ягона “технологик занжир”ни тўлақонли шакллантириш, яъни қим, қачон, нима қилади, деган саволга жавоб бериш.

Таъкидлаш лозимки, юқоридаги қарорга асосан барча лойиҳалар ва ҳужжатлар ҳам тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилмайди. Ушбу жараён 2 босқичда ташкил этилди:

биринчи боскич (2022 йил 1 январга қадар) – ҳўжалик юритувчи субъектларга қўшимча мажбурият юкловчи, уларга нисбатан талабларни кийинлаштирувчи, рухсат бериш тартиб-таомилларини мураккаблаштирувчи, лицензиялар жорий қилувчи, уларга қўшимча харажат юкловчи, имтиёз ва эксклюзив ҳуқуқларни берувчи лойиҳаларнинг тартибга солиш таъсири баҳоланади;

иккинчи боскич (2022 йил 1 январдан сўнг) – юқоридаги доира кенгайиб, тадбиркорлик фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи ҳар қандай лойиҳанинг тартибга солиш таъсири баҳоланади.

Авваламбор, тартибга солиш таъсирини баҳолаш 2 та таркибий қисмдан иборат: биринчи таркибий қисм – норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлиб, у 4 та асосий босқичдан иборат;

иккинчи таркибий қисм – қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлиб, у 5 та асосий босқичдан иборат. Мазкур босқичлар юқоридаги қарор билан тасдиқланган низомда батафсил кўрсатиб ўтилганлиги сабабли уларга алоҳида тўхталиб ўтирмаймиз.

Энди лойиҳанинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш босқичларига тўхталадиган бўлсак, улар қуйидаги 4 босқичдан иборат:

биринчи босқич – юқорида айтилган мезонларга мос бўлган лойиҳа ишлаб чиқилганда, уни ишлаб чиққан вазирлик ва идоранинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича масъул ходим лойиҳа бўйича ҳуқуқий экспертиза муддатлари доирасида лойиҳани ТСТБдан ўтказиб, унинг натижаси бўйича ҳисобот тузади. Унда лойиҳа таъсиридан келиб чиқадиган оқибатнинг аниқ – ижобий, салбий ёки бета-раф тавсифи акс эттирилади.

Ҳисобот вазирлик ва идоранинг биринчи раҳбари имзоси билан расмийлаштирилади. Ҳисобот лойиҳа билан биргаликда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун “regulation.gov.uz” ва идоралараро келишиш учун “project.gov.uz” порталига жойлаштирилади.

Қарор билан жамоатчилик муҳокамасидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари қабул қилувчи органлар томонидан мажбурий тартибда ишлаб чиқувчиларга қайтарилиши шартлиги белгиланганлигини таъкидлаш лозим.

иккинчи боскич – ҳисобот юзасидан тадбиркорлик фаолиятига таъсири бўйича – Иқтисодий тараққиёт вазирлиги ҳамда рақобатга таъсири бўйича – Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан хулоса олинади;

учинчи боскич – лойиҳа, ҳисобот ҳамда хулосалар Адлия вазирлигига киритилади, Адлия вазирлиги эса ТСТБ натижалари бўйича ҳисоботни лойиҳани экспертиза қилиш муддатлари доирасида ўрганади. Адлия вазирлиги томонидан лойиҳа ва ТСТБ натижалари бўйича ҳисобот юзасидан хулоса тайёрланади ҳамда ишлаб чиқувчига тақдим этилади;

тўртинчи боскич – ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳани Олий Мажлис палаталарига, Президент Администрациясига, Ҳукуматга киритишда унга ТСТБ бўйича ҳисобот, хулоса берувчи органлар ва Адлия вазирлигининг хулосалари илова қилинади.

Вазирлар Маҳкамасига киритилган тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилган лойиҳалар Юридик таъминлаш бошқармасига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилганда бир вақтнинг ўзида (ҳуқуқий экспертиза учун белгиланган 3 кунлик муддатда) тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасига Юридик таъминлаш бошқармасида лойихани тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш натижалари бўйича тегишли хулоса тайёрланади.

Қабул қилинган ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш босқичларига тўхталадиган бўлсак, улар қуйидаги 5 босқичдан иборат:

биринчи босқич – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ТСТБдан ўтказиш бўйича вазирлик ва идоралар таклифлари (1 февралгача) асосида Адлия вазирлиги томонидан режа ишлаб чиқилади (10 февралгача) ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ТСТБдан ўтказиш режаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади (20 мартгача);

иккинчи босқич – режада назарда тутилган вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат ТСТБдан ўтказилади ҳамда унинг натижалари бўйича ҳисобот тайёрланади ҳамда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун Порталга жойлаштирилади;

учинчи босқич – ишлаб чиқувчи жамоатчилик муҳокамасида тақдим этилган таклифларни умумлаштиради ҳамда улар асосида қайта ишланган ҳисобот юқорида айtilган хулоса берувчи органларга (Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат экология қўмитаси) тақдим этилади ва уларнинг хулосаси олинади;

тўртинчи босқич – жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиб, тегишли хулосалар олингандан сўнг қайта ишланган ҳисобот Адлия вазирлигига киритилади ва Адлия вазирлиги томонидан умумлаштирилади;

бешинчи босқич – Адлия вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган режага мувофиқ, ҳар чоракда вазирлик ва идоралар томонидан ўтказилган ТСТБ натижаларини умумлаштирган ҳолда тегишли ахборот-таҳлилий маълумотни Вазирлар Маҳкамасига киритади.

Вазирлар Маҳкамаси Адлия вазирлигининг маълумотини қўриб чиқиш якуналари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлайди ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлиқ ёки алоҳида нормаларини ўзгартириш тўғрисида таклифларни Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастурига ёки қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш режаларига киритиш чораларини қўради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарорларини амалга ошириш бўйича олдимизда турган асосий вазифаларга тўхталиб ўтсак:

биринчидан, юқорида таъкидланган вертикал тизим тўлақонли йўлга қўйилишини таъминлашимиз зарур. Яъни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг марказий аппаратлари тузилмасида тартибга солиш таъсирини баҳолашга масъул ходимлар белгиланиши ва Адлия вазирлигида уларнинг рўйхати шакллантирилиши лозим;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарорини амалга ошириш кўп жиҳатдан тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказишнинг услубиёти, муҳокама иштирокчилари учун сўровномалар ва тегишли ҳисобот шакллари тасдиқланган бўлиб, мазкур методикани масъул ходимларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашни қандай амалга ошириши юзасидан аниқ тасаввурга эга бўлишлари ҳамда тартибга солиш таъсирини баҳо-

лашдан ўтказиш бўйича ягона амалиётни шакллантирилиши муҳим аҳамиятга эга. Тасдиқланган методикани барча давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тарқатиш ва умуман фойдаланиш учун очик бўлишини таъминлаш зарур. Шу билан бирга, методика асосида аниқ йўналишлар, масалан, рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни ёки лицензияларни олиш учун қўшимча талаблар ва шартларни жорий этувчи, ҳўжалик юритувчи субъектларга қўшимча мажбуриятлар ёхуд қўшимча харажатлар жорий қилувчи ҳамда бошқа кўп учрайдиган йўналишлар бўйича тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш намуналарини ишлаб чиқиб, барча масъулларга тарқатиш ҳам фойдадан холи бўлмайди;

учинчидан, олдимизда турган энг жиддий масалалардан бири бу – тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳужжатларнинг сифатини яхшилашга хизмат қилиши билан бир каторда, уларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муддатларини чўзмаслиги, норма ижодкорлиги жараёнини мураккаблаштирмаслиги, ижро интизомига салбий таъсир кўрсатмаслиги зарур.

Таъбир жоиз бўлса, ушбу институтнинг норма ижодкорлиги жараёнида яшаб кета олиши, унинг тақдири шунга чамбарчас боғлиқ. Барчамизга маълум, охириги йилларда норма ижодкорлиги жараёни сезиларли даражада жадаллашди. Шу шароитда тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг жорий этилиши унинг имкониятларидан самарали ва тўғри фойдаланишни тақозо этади. Бу эса, иккита муҳим омилга боғлиқ, бу – малакали, тажрибали кадрлар ҳамда пухта ишланган, содда методика;

тўртинчидан, тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича янги тизимни ҳаётга татбиқ этишда асосий куч айнан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ушбу масала учун масъул ходимлари бўлишини инобатга олиб, методика тасдиқлангандан сўнг уларнинг малака ва қўникмаларини ошириб боришга қаратилган тизимли ишларни ташкил этиш лозим. Шу мақсадда қарорда мазкур ходимларга тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказишнинг моҳияти ва тартибини тушунтириш бўйича ўқув семинарларини ташкил этиб бориш бўйича алоҳида режа тасдиқлаш назарда тутилган. Ўқув семинарлар вазирликлар, идоралар ҳамда ҳудудлар кесимида график асосида ташкил этилиши лозим. Бунда дастлаб ўқитишда иштирок этувчи тренерлар, экспертлар танлаб олиниши, улар учун ягона ўқув методик материаллар шакллантирилиши лозим. Керак бўлса, ўқув семинарларда энг кўп берилган саволларнинг рўйхатини шакллантириб, улар юзасидан вазирлик ва идораларга ёзма тушунтиришлар тайёрлаб тарқатиш лозим. Шу билан бирга, бу семинарлар бир марталик бўлмайди, балки доимий равишда ҳар йили камида бир маротаба ўтказиб борилиши керак. Улар фақат маъруза эмас, балки диалог қўринишида, савол ва жавоблар тариқасида ўтказилиши тўғри бўлади назаримда. Яъни мазкур соҳа янги бўлгани учун амалиётда учраётган муаммоларни аниқлаб, уларни биргаликда муҳокама қилиб, ягона ечимга келишимиз лозим;

бешинчидан, қарор билан Адлия вазирлиги зиммасига қўшимча равишда бешта вазифа юкланмоқда. Шу билан бирга, 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сонли Фармонда Адлия вазирлигига қўшимча 4 та вазифа юклатилган. Мазмунан ПФ–6075-сон Фармондаги бевосита тартибга солиш таъсирини баҳолашга доир вазифалар ПК–5025-сон қарор доирасида қамраб олинган.

Энди ушбу вазифалар ижросини самарали ташкил этиш масаласига эътибор қратишимиз лозим. Бу борада Вазирлик марказий аппаратида Ўзбекистон Республи-

каси Президентининг Фармони билан тузилган Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси координатор сифатида муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис, Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси штат жадвалини, низомини, ходимларнинг функционал мажбуриятларини тасдиқлашда юқоридаги вазифаларни инобатга олиши, керак бўлса, ҳар бир вазифага алоҳида масъул ходимларни бириктириши зарур. Масалан, қарор билан Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро рейтинглардаги кўрсаткичларини тизимли таҳлил қилиб бориш ҳамда уларни янада яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Бу борада Жаҳон банкининг Давлат бошқаруви сифати индексининг (World Governance Indicators) муҳим таркибий қисми ҳисобланган Тартибга солиш сифати рейтинги (Regulatory Quality Ranking) мавжуд. Афсуски, Ўзбекистон ушбу рейтингда 193 та давлат орасидан 169-ўринни эгаллаган. Қўшни давлатлар, масалан, Қозоғистон – 73, Қирғизистон – 116-ўринда эканлиги ушбу масала билан тизимли равишда шуғулланиш заруратидан далолат беради;

олтинчидан, яна бир ташкилий масала бу қарорда белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали ҳамда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қилишнинг ягона электрон тизимини қарор талабларидан қилиб чиққан ҳолда такомиллаштириш билан боғлиқ. Шу мақсадда 2021 йил 1 июлга қадар Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириши лозим. Шу билан бирга, балким, вазирлик ва идораларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун масъул бўлган ходимлари, Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимларининг мазкур тизимни жорий этишда дуч келаётган муаммоларини ҳал этиш бўйича доимий мулоқот қилиши учун платформа ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Мухтасар қилиб айтганда, тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти қонун ижодкорлиги жараёнида эксперт ва мутахассислар ҳамда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш ва чуқур ўйланган ҳамда ҳисоб-китоб қилинган қарорлар қабул қилиш орқали қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини оширишга хизмат қилади.

Some issues of protection of the rights of minors in civil proceedings

Аннотация. ушбу мақолада тарафларнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва муомала лаёқати, уларнинг тушунчаси, ўзига хос белгилари, вояга етмаганларнинг фуқаролик процессида тараф сифатида иштирокининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу масала бўйича юридик адабиётларда билдирилган ёндашувлар ҳамда хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида фуқаролик процессида вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар асослантилган.

Калит сўзлар: фуқаролик процесси, тарафлар, даъвогар, жавобгар, фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқати, фуқаролик процессуал муомала лаёқати, такомиллаштириш.

Abstract. The article analyzes the civil procedural law and the legal capacity of the parties, their concept, features, features of the participation of minors as a party in the civil process, the approaches expressed in the legal literature on this issue, as well as the legislative experience of foreign countries. As a result of the analysis, proposals were substantiated for improving national legislation aimed at protecting the rights of minors in civil proceedings.

Key words: civil procedure, parties, plaintiff, defendant, civil procedural legal capacity, civil procedural legal capacity, improvement.

Аннотация. В статье анализируются гражданское процессуальное право и правоспособность сторон, их понятие, особенности участия несовершеннолетних в качестве стороны в гражданском процессе, подходы, выраженные в юридической литературе по данному вопросу, а также законодательный опыт зарубежных стран. В результате анализа обоснованы предложения по совершенствованию национального законодательства, направленного на защиту прав несовершеннолетних в гражданском судопроизводстве.

Ключевые слова: гражданский процесс, стороны, истец, ответчик, гражданская процессуальная правоспособность, гражданская процессуальная дееспособность, совершенствование.

In accordance with article 44 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, everyone is guaranteed the right to defend their rights and freedoms through the courts, to appeal to the court about illegal actions of State bodies, officials, and public associations¹. In accordance with article 41 of the Civil Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, all citizens and organizations are equally recognized as capable of having civil procedural rights and obligations.

Although any people who do not have the dignity of civil procedure law have the right to defense through the court, however, the independent exercise of this right and participation in the process will be carried out only by people who have the dignity of civil procedure law. In this regard, the legal scholar E.Egamberdiev correctly noted that the right to apply to the court for judicial protection is exercised only by a person who has the merits of procedural law¹. We are talking about the ability of a citizen to personally apply to the court and his right to have the status of a plaintiff in a civil process.

The subject of civil procedural law must meet a number of conditions for obtaining the status of a participant in civil procedural legal relations. In particular, the subject of the law must have the authority to apply to the court. After all, it will be possible to talk about pro-procedural legal relations from the moment of applying to the court. If there is no relationship between the subject of law and the court, then there will be no civil process.

¹ The Constitution of The Republic of Uzbekistan. – T.: Uzbekistan, 2020. – P. 10.

¹ Egamberdiev E. Right to apply to the court // Life and law, 1996. № 4. – P.70-76.

The legal literature also provides for the following three conditions for establishing civil processive legal relations: these are the norms of processive law, legal facts and legal merits of participants in legal relations¹. Thus, the exercise of the constitutional rights of a person subject to protection through the court is closely related to his ability to civil procedural law and to his ability to civil procedural appeal.

It is not surprising that even in the theory of civil possessive law, it is argued that the merit of the possessive law of the parties lies in addition to the validity of civil cases, which are considered important legal conditions for applying to the court².

Therefore, the study and study of issues related to the rights of civil procedure and the dignity of treatment of persons involved in civil proceedings, especially the parties, is of paramount importance not only from the point of view of the science of civil procedure law, but also from the point of view of the practice of applying the law.

We know that the rights and interests of a person protected by law must be ensured regardless of their physical and mental state. Therefore, this right is acquired by a citizen when he comes into the world without any conditions and disappears after his death. Thus, it is not an exaggeration to say that a human right is a human right. In other words, it means to have a procedural right provided for by law and to assume procedural obligations.

In the legal literature, there are different points of view on the question of the relationship between the dignity of civil procedure law and the dignity of civil law. In particular, the group of scientists recognized that the ability to have civil procedural rights and obligations does not necessarily correlate with the ability to have civil rights. In their opinion, civil proceedings are considered and resolved not only cases arising from civil legal relations, but also cases arising from Labor, family, as well as corporate, administrative, tax and other legal relations, in which persons who do not necessarily have civil legal capacity can participate³. V.N.Tolkunova believes that in labor relations, the right of an employee, as a rule, begins with the age of 16, but persons who have reached the age of 15 with the consent of trade unions at the workplace can also be hired, in some cases, express the opinion that the age of employment can be set as 14 years⁴. M.K.Treushnikov also argues that with the dignity of civil procedure law, the dignity of civil law is not completely identical, and identical to each other, since in civil proceedings various rights and legitimate interests arising from housing, copyright, family and other legal relations are protected, and therefore, the dignity of civil law cannot be of decisive importance⁵. In turn, the concept of merit of civil procedural law is somewhat broader than the concept of merit of civil law, given the fact that M.K.Treushnikov does not include housing, copyright, family and other similar relations in civil legal relations. However, nevertheless, family, housing, and copyright rights are based on the concept and category of civil law, and, in our opinion, from the point of view of theory, there is no point of view that civil procedural rights depend on the dignity of civil law. There are many similarities between these two concepts, and it is impossible to separate them from each other, since

¹ Egamberdiev E. Civil processual legal relations. – T., 2000. – 30 p.; Shorakhmetov Sh.Sh. Civil procedural right of the Republic of Uzbekistan. – T., 2001. – P. 53; Vlasov A. A. Civil procedural law. The Supreme Court of the Russian Federation, the Supreme Arbitration Court of the Russian Federation, the Russian Academy of Justice. – M., 2003. P. 33.

² Reshetnikova I. V., Yarkov V. V. Civil Law and Civil Procedure in modern Russia. – Ekaterinburg-Moscow, 1999. – P. 110–112.

³ Avdeenko N. I. Mechanism and limits of the regulatory impact of civil procedural law. – L., 1969. – P. 62–63; Civil procedural law of Russia / Ed. M. S. Shakaryan. – M., 1996. – 58 p.; Melnikov A. A., Aliev V. D. Correlation of civil procedural law with branches of substantive law // Issues of development and protection of civil rights. – Kalinin, 1977. – 27 p.; Commentary to the Civil Procedural Code of the RSFSR. – M., 1996. – 50 p.

⁴ Tolkunova V. N. Labor law: Synopsis of lectures. – M., 1997. – 26 p.

⁵ Civil process: Textbook / ed. by M. K. Treushnikov. – M., 2001. – 103 p.

being a participant in a civil legal relationship means that he will have the right to defend his rights through the court. Consequently, although it differs in its content, the dignity of civil law is formed from the dignity of civil law.

In the legal literature, various considerations are put forward regarding the definition of the dignity of civil procedure law. For example, V.G.Gusev describes the merit of pro-procedural law as having a right, and not a specific right to have this right, but the right to have it¹. G.Osokina believes that when it is said about civil procedural law that it has merit, it means that it has the right to exercise civil procedural rights, and obligations provided for by the norm of civil procedural law². In other words, the merit of civil processive law is the opportunity to become a participant in a civil procedural legal relationship, to become a subject in a specific civil case. According to the L.A.Gros, pro-procedural legislation refers to the assignment of the pro-procedural rights of one party and the possession of the procedural status of a third party, and this merit lies in the separation of legal entities and citizens³. M.S.Shakaryan understood the existence of civil rights and obligations in accordance with the procedure established by law, as a merit of civil rights⁴. E.Egamberdiev believes that the right to have procedural rights in a broad sense is the right to be a party to civil proceedings or, in other words, the right to have procedural rights, and obligations⁵. According to M.M.Mamasiddikov, the merit of civil procedure law lies in the opportunity provided to individuals to have procedural rights and perform procedural duties in the course of civil proceedings under the law⁶.

In our opinion, the definition proposed by G.Osokina above is relatively unambiguous, and the merit of civil procedural law serves as the basis for obtaining all civil procedural rights and assuming civil procedural duties.

Article 41 of the Civil Procedure Code of the Republic of Uzbekistan establishes the conditions for the existence of the right to have civil procedural rights and obligations. From the text of article 41 of the Code, it can be understood that citizenship is considered the belonging of all citizens and organizations to dignity (merits) that have pro-procedural rights and obligations.

In the legal literature, it is argued that the dignity of civil procedure law should be enjoyed by public organizations, labor communities, as well as citizens and legal entities that are not legal entities⁷. However, article 41 of the Civil Procedure Code of the Republic of Uzbekistan states that the right to have civil procedural rights and obligations belong only to citizens and organizations. In turn, this rule seems to neglect some persons in determining the range of persons entitled to civil procedure law. In particular, this list includes organizations that do not have the right of a legal entity, labor collectives, prosecutors, commissions engaged in the work of minors, etc. For example, according to the second part of 80th Article of the Family Code of the Republic of Uzbekistan, work on the deprivation of parental rights are considered at the request of the parent (mother) (persons replacing them), the prosecutor, as well as bodies or institutions (the

¹ Gusev V. G. Civil procedural legal capacity: diss... cand. law. sciences'. – Saratov, 1996.

² Osokina G. Civil procedural law and legal capacity // Russian Justice. – 1997. – № 5.

³ Gros L.A. On the issue of civil procedural legal capacity and legal capacity of the parties and third parties // Arbitration and civil procedure. – 2002. – № 10.

⁴ Civil procedural law: Textbook / S. A. Alyokhina, V. V. Blazheev, et al.; Edited by M. S. Shakaryan. – M.: Velbi T.K., Prospekt Publishing House, 2004. – 80 p.

⁵ Egamberdiev E. Claim as protection of rights. – T., 2007. – P. 129–130.

⁶ Mamasiddiqov M.M., Yodgorov X.B., Davletov O'M. Civil processual law. General part / Responsible editor M.H.Rustambaev. – T., 2018. – P. 88–89.

⁷ Vikut M. A., Zaitsev I. M. Civil process of Russia. – M., 1999. – P. 28–29.

guardianship and guardianship authority, interdepartmental commissions on minors, orphans, and children's institutions deprived of parental rights).

It turns out that interdepartmental commissions on juvenile affairs have the right to apply to the court with a statement of claim, and they are given the merit of civil procedural law. However, according to paragraph 2 of the decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 14, 2017 "On measures to further improve the system of combating crime and specialized offenses" PP-2833, the Republican Commission, as well as regional commissions, district (city) commissions are bodies that carry out their activities on a voluntary basis¹. This means that interdepartmental commissions on juvenile affairs is a body that carries out its activities on a voluntary basis and cannot exercise the rights of a legal entity.

In addition, article 2 of the Civil Procedural Code of the Republic of Uzbekistan states that enterprises, institutions, organizations, public associations and self-government bodies of citizens should continue to be considered "organizations". This, in turn, indicates that the bodies that carry out their activities on a voluntary basis and are not able to enjoy the rights of a legal entity is not included in the scope of organizations provided for in this Code. Thus, in accordance with article 41 of the Civil Procedural Code of the Republic of Uzbekistan, it can be concluded that body that carry out their activities on a voluntary basis and are not able to enjoy the rights of a legal entity will not have the dignity of civil procedure law. This may serve as a basis for the fact that claims filed by these bodies in court are left without consideration by the court. After all, if an application on behalf of an interested person is filed by a person who does not have the authority to file an application, then the applications can be left without consideration by the court (article 122 of the Civil Procedural Code, paragraph 2 of Part one).

Some States that are members of the Commonwealth of Independent States, in particular the parties and third parties referred to in article 58 of the Civil Procedural Code of the Republic of Belarus, as well as organizations that do not have the right of a legal entity, are recognized as equal civil procedural rights and obligations in cases provided for by law².

Therefore, in order to eliminate this discrepancy in the National Procedural Legislation, article 41 of the Civil Procedural Code of the Republic of Uzbekistan is proposed to be worded as follows:

"The equality of all persons and organizations that have the right to defend their rights, freedoms and legitimate interests through the court, as well as organizations that do not have the right of a legal entity in cases provided for by law, is recognized as the right to have civil procedural rights and obligations".

In contrast to the merit of civil possessive law, when it comes to the merit of civil possessive treatment, it refers to the ability of the court to personally defend its rights and perform its duties, as well as to find a representative in court proceedings. In accordance with article 42 of the Code of Civil Procedural, the merit of exercising their rights and obligations in court belongs to adult citizens and organizations.

The time of occurrence of the possibility of civil legal appeal will differ for individuals and legal entities. For legal entities, the right and the right of appeal arise simultaneously

¹ Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PP-2833 of March 14, 2017 "On measures for further improvement of the crime prevention and crime control system" // Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan.

² Civil Procedure Code of the Republic of Belarus of January 11, 1999 // <https://www.pravo.by/document/?guid=3871&p0=Hk9900238>.

and correspond to the moment of their state registration (Articles 41, 44 of the Civil Code of the Russian Federation).

In civil law, the right of a citizen to have and exercise civil rights by his actions, the right to establish and perform civil duties for himself (the right to appeal) arises in full upon reaching the age of eighteen, that is, upon reaching the age of eighteen. Academician H.R. Rakhmankulov noted that the right to civil treatment creates an opportunity for a citizen to exercise the rights of a subject, assuring him that certain actions can be committed by a citizen¹.

The dignity of the procedural treatment of citizens also arises in the mature age of a citizen.

The rights and interests of minors, that is, citizens whose age is from fourteen to eighteen years, as well as citizens recognized as limited in the possibility of treatment, are protected by law by their parents, adopted children or guardians in court. But this does not deprive the right to personal participation in such work of minors and citizens who are considered to have limited treatment.

In some cases, minors will also have the right to civil procedural treatment. For example, minors in cases arising from legal relations with Employment contracts and related to the disposal of wages or other income received, will have the right to personally defend their rights and legally protected interests in court. However, to assist minors in such cases, the court will have the right to involve their parents, those who adopted them as children, or their sponsors. Also, an adult who has not reached the age of sixteen can personally exercise his rights and obligations in court if he is recognized as fully capable in accordance with the procedure established by law (emancipation). The rights of minor children, that is, citizens who have not reached the age of fourteen, as well as citizens who are deemed unfit for treatment due to mental illness or mental retardation, and the interests protected by law are protected in court by their legal representatives-parents, adopted children or guardians. The merit of the pro-procedural rights of a citizen ends with the fact that he died or was declared dead in court.

In accordance with the second part of article 42 of the Civil Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, minors have the right to personally defend their rights and legally protected interests in court in cases arising from the work of collecting alimony from their parents, as well as from legal relations related to labor and transactions related to the disposal of property. In order to provide assistance to minors in such cases, the question of involving their parents who adopted them as children or sponsors will be decided by the court. This gives the right to participate in this process in the defense of their rights and legally protected interests in court to minors and citizens who are considered to have limited medical and preventive capabilities. However, the analysis of law enforcement practice shows that these persons practically do not participate in the work, whose rights and interests are protected by law. This, in turn, is due to the absence of a rule that their parents, adoptive parents or guardians participate in the process, as well as the condition that the civil procedure legislation of our country necessarily attracts citizens who are considered minors by the court and the dignity of their treatment is limited.

After all, minors and citizens recognized as having limited legal capacity are considered plaintiffs or responsible in the case, although their rights and interests protected by law in the process are protected by other persons, and, of course, they are required to be involved by the court to participate in the case. The Civil Procedural Code of the member States of the Commonwealth of the majority of the studied States

¹ Rakhmankulov H. R. Subjects of civil Law. – T., 2008. –24 p.

establishes the rules on the participation of minors in the judicial process. For example, article 37 of the Civil Procedural Code of the Russian Federation¹, article 59 of the Civil Procedural Code of the Republic of Belarus², article 29 of the Civil Procedural Code of Ukraine³, and article 46 of the Civil Procedural Code of the Republic of Kazakhstan are taken from shulyar's proposal⁴. However, an analysis of the legal literature shows that some scholars, such as O.N.Zdrok, argue that the definition of the law on the condition of participation of minors in court proceedings in some cases affects the mood of minors, and therefore it is desirable to involve them in the trial at the discretion of the court. And D.Y.Ionova suggests that the law establishes the right not to involve minors in the case in the courts⁵. Another lawyer, N.V.Letova, argues that the child should have procedural rights and dignity of treatment on an equal basis with other participants in the process, so that the court can exercise its rights aimed at protecting its violated rights and legally protected interests⁶.

In our opinion, although the interests of minors in the case, protected by their rights and the law, are protected by other persons, they are considered plaintiffs or responsible in the case. Therefore, they must be brought by the court to participate in the case. In this regard, according to paragraph 2 of the Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated July 29, 2016 No. 11 "On the practice of applying legislation on the recovery of alimony for the maintenance of minors and young children left without proper work", there is no agreement between parents on the payment of alimony to minor children, as well as on the procedure for their payment., a child under the age of fourteen, who has not reached the age of majority, has the right to file a claim for the recovery of alimony from the father (mother), voluntarily failed to fulfill the obligation to provide for their minor children. In cases where the father (mother) and the child who voluntarily failed to fulfill the obligations to provide for minor children live separately, the child who has not reached the age of fourteen has the right to file a claim against the father or mother or both parents⁷.

Therefore, in order to ensure full protection of the rights and legitimate interests of minors in the courts, it is proposed to improve article 42 of the Civil Procedural code of the Republic of Uzbekistan, taking into account the legislative practice of the Commonwealth of Independent States and the comments made in the legal literature, as well as to describe the second part of the Civil Procedural code of the Republic of Uzbekistan:

"The rights and interests of minors, that is, citizens aged from fourteen to eighteen years, as well as citizens recognized as having limited legal capacity, are protected by law by their parents in court, by those who adopted them or take care of them. But the court is obliged for personal participation in such cases to involve minors and citizens recognized as having limited legal capacity to participate in the case. If necessary, the court has the right not to involve these persons in the case".

¹ Commentary to the Civil Procedural Code of the Russian Federation (article-by-article) / Ed. by G. A. Zhilin. – M., 2005. – 97 p.

² Civil Procedural Code of the Republic of Belarus of January 11, 1999. <https://www.pravo.by/document/?guid=3871&O=HK9900238>.

³ Civil Procedural Code of Ukraine of March 18, 2004 // VVR. – 2004. – №. 40–41, 42. – Article 492.

⁴ Civil Procedure Code of the Republic of Kazakhstan of July 13, 1999. Bulletin of the Parliament of the Republic of Kazakhstan, 1999, No. 18, article 644.

⁵ Ionova D. Yu. Civil procedural capacity: Autoref. diss.cand. yurid. nauk. – M., 2009. – 29 p.

⁶ Letova N. V. Features of the status of minors in the civil process // Proceedings of the Institute of State and Law of the Russian Academy of Sciences. 2011. – № 4. – 205 p.

⁷ Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan No. 11 of July 29, 2016 "On the practice of applying the legislation on alimony for the maintenance of minors and disabled children by courts" read more ... <https://www.lex.uz/docs/3034913>.

Исломда ёшларнинг ўрни ва аҳамияти

Аннотация. Ушбу мақолада ислом динида ёшларнинг ўрни ва аҳамияти, ёшларнинг баъзи ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек исломда ёшларга бўлган муносабат Қуръони карим оятлари ва Ҳадиси шарифлар билан очиб берилади.

Калим сўзлар: ёшлар, Ислом, Қуръони карим, оят, ҳадис, саҳобалар, таълим, тарбия, ҳуқуқ, мажбурият.

Abstract. This article explains the role and importance of youth in Islam, some of the rights and responsibilities of youth, as well as the attitude towards youth in Islam with verses from the Qur'an and Hadith.

Key words: youth, Islam, Qur'an, verse, hadith, companions, education, upbringing, law, obligation.

Аннотация. Эта статья объясняет роль и значение молодежи в исламе, некоторые права и обязанности молодежи, а также отношение к молодежи в исламе с помощью стихов из Корана и хадисов.

Ключевые слова: молодежь, ислам, Коран, стих, хадис, сподвижники, образование, воспитание, права, обязанность.

Дарҳақиқат, ёшлик инсон ҳаётидаги энг муҳим босқичлардан биридир. Бу жисмоний куч, етуклик, фаоллик, фидойилик, кенг ҳаётга умид билан кириб келиш босқичидир. Шубҳа йўқки, ёшлар миллат таянчи, унинг уриб турган юраги ва кудратли қўлидир. Ватанни ривожлантиришда, шунингдек халқларнинг юксалиши ва таракқиётини амалга оширишда уларнинг муҳим ролини инкор этиб бўлмайди. Аммо мамлакат таракқиётининг истикболлари ушбу ресурснинг қандай сафарбар қилиниши ва қўлланилишига боғлиқ. Бинобарин, тўғри тузилган ёшлар сиёсати мамлакат учун муносиб келажак кафолати ҳисобланади. Ҳаммамиз яшашимиз керак бўлган эртанги жамиятни айнан ёшлар белгилайди.

Ёшлар ҳар бир жамиятнинг таянчи ва келажакдир. Барча даврларда ёшлар, уларнинг таълим-тарбияси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳар бир жамиятнинг алоҳида диққат эътиборида бўлиб келган. Албатта, ислом жамияти ҳам бундан мустасно эмас. Ислом динида ёшларга алоҳида эътибор берилади, чунки улар миллатнинг кучи, Умнатнинг (ислом миллатининг) келажакдаги раҳбарлари ва тўғри йўлда қолиш учун курашаётганларидир.

Мусулмон ёшлари ўзларининг вақтлари, истеъдодлари ва маблағлари билан ислом динига ва жамиятига ўзларининг ҳиссасини қўшишлари лозим. Улар, шунингдек, жамиятда ижобий ўзгаришларни амалга оширишда муҳим рол ўйнаши ва Исломни бошқа барча турмуш тарзларидан устун қўйиши учун ҳаракат қилишлари керак. Ёшликка инсон Исломни яхши билиши ва Аллоҳ берган вақт ва истеъдоддан унумли фойдаланиши керак бўлган ҳаёт босқичи сифатида қаралади. Бунга далил сифатида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган куйидаги ҳадислари далил бўлади: **“Қиёмат кунида то тўрт нарсадан сўралмагунича банданинг қадами жойидан жилмайди: умрини қандай ўтказгани, ёшлигида нима қилгани, молини қаердан топиб нимага сарф қилгани, илмига қай даражада амал қилгани”** (Имом Термизий ривояти). Маълумки, ёшлик ҳам умрнинг маълум босқичи, аммо умрдан сўралиш билан бир каторда ёшлиқдаги умрини қандай сарфлагани

тўғрисида алоҳида сўралиши, ушбу умр босқичининг аҳамиятини кўрсатиб беради. Ҳўш, исломда ёшлар деганда қайси тоифадаги инсонлар тушунилади, бу хусусида Куръони каримда оятлар келганми, ислом жамиятида ёшларнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор? Булар ҳақида қуйида сўз юритамиз.

Ёшлар тушунчасининг Куръони каримдаги таърифи

Араб тили луғатида “ёшлик” сўзи “ал-шабаб” деб таржима қилинади. Қизиқарли томони шундаки, ушбу сўз Куръони каримда ёшларни таърифлашда қўлланилмаган. Унинг ўрнига ёш йигитлар учун “фатаҳ”, ёш қизлар учун “фатат” сўзлари қўлланилган. Масалан, Куръони каримда шундай марҳамат қилинади:

“Қачонки йигитлар (“ал-фитят” – “фатаҳ” калимасининг кўplik шакли) каҳфдан (ғордан) жой олганларида: «Эй Роббимиз, бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат бергин ва ишимизни ўзинг тўғрилагин», дедилар”¹.

Улар: “Уларни эслаб юрган бир йигитни (“фатаҳ”) эшитган эдик, уни Иброҳим, деб айтиларди”, дедилар”².

Ёш қизлар ҳақида Куръони каримда шундай марҳамат қилинади:

“Ҳаёти дунёнинг ўткинчи матоҳини истаб, покликни ирода қилган чўриларнингизни (“фатаятикун” – “фатат” калимасининг кўplik шакли) фоҳишаликка мажбур қилманг”³.

Куръони каримда ёшлик шахснинг икки заифлик ўртасидаги кучга тўлган даври сифатида тасвирланади. Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай марҳамат қиладди: **“Аллоҳ сизни заифликда яратган, сўнгра заифликдан кейин қувватли қилган, сўнгра қувватдан кейин яна заифлик ва қарилик ориз қилган зотдир. У хоҳлаганини яратур. У ўта илмли ва ўта қудратлидир”⁴.** Инсон ҳаётида куч ва заифликнинг турли босқичларини босиб ўтади, у дунёга кичкина ва кучсиз бўлиб келади, ҳеч нарсани билмайди, аста-секин ўсиб боради, шунда унинг танаси кучаяди, ҳиссиётлари, ақл ва идроки максимал даражага эришгунча ривожланади. Демак, исломда инсон ҳаётининг бу босқичи куч-қувват, камолот, фаоллик, яратувчанлик, ташаббускорлик босқичи сифатида характерланади.

Куръони карим ёшликнинг махсус ёш чегарасини белгилаб беради. Куръони каримда шундай марҳамат қилинади: **“Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси унга қийналиб ҳомиладор бўлди ва уни қийланиб туғди. Ва унинг ҳомиласи ва кўкракдан ажратиши ўттиз ойдир. Токи у камолга етиб, қирқ ёшга кирганида...”⁵.** Ислом динида бола балоғатга етгач йигит ҳисобланади. Инсоннинг балоғат ёшидан то 40 ёшга киргунча бўлган ҳаёти унинг ёшлик даври ҳисобланади. Бу инсоннинг мушаклари ва биологик органлари тўлиқ ривожланган, эркак ёки аёл маълум масалалар бўйича мустақил қарорлар қабул қила оладиган, ташаббуслар кўрсатадиган давридир. Шу сабабли ҳам пайғамбарлик асосан ёшлар томонидан амалга оширилган. Ибн Аббос розияллоҳу анху: **“Аллоҳ таоло барча пайғамбарларни ёшлигида юборди, илм ҳам олимларга ёшлигида берилади” деган эканлар. Аллоҳ таоло Юсуф алайҳиссаломнинг қиссасини айтиб, шундай марҳамат қиладди: “Вояга етган вақтида унга ҳукми ва илми бердик. Гузал иш қилгувчиларни шундай**

¹ Каҳф сураси 10-оят.

² Анбиё сураси 60-оят.

³ Нур сураси 33-оят.

⁴ Рум сураси 54-оят.

⁵ Аҳқоф сураси 15-оят.

*мукофотлармиз”*¹. Мусо алайҳиссаломнинг қиссасида шундай дейди: *“Қачонки у вояга етиб, мукаммал бўлганида, унга ҳикмат ва илмни бердик. Биз яхши амал қилгувчиларни шундай мукофотлармиз”*². Араблар “вояга етиш” деганда жисмоний жиҳатдан вояга етишни, “мукаммал бўлиш”ни ақлий жиҳатдан камолотга етиш деб тушунадилар. Ҳазрати Ибн Аббос розияллоху анху: “Вояга етиш ўн саккиздан ўттиз ёшгача, мукаммал бўлиш ўттиздан қирққача», деган эканлар”³. Шундай қилиб, Қуръони каримда Иброҳим, Яҳё, Исмоил, Исо алайҳиссаломлар ва бошқа пайғамбарлар ёшлигида пайғамбар қилиб юборилгани тўғрисида оятлар мавжуд.

Ислом динида ёшларга ғамхўрлик қилишга алоҳида урғу берилди ва улар учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгилаб қўйилди. Ёшлар таълим олиш, тўғри тарбияланиш, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш, жамият ва давлат ҳаётига тааллуқли масалалар муҳокамасида иштирок этиш ва бошқа қўплаб ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга.

Исломда ёшлар тарбияси

Ислом динида ёшлар тарбиясига катта эътибор берилади. Бу борада Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади: *“Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган ўтдан сақланг”*⁴. Бу оятдан шунини хулоса қилиш мумкинки, барча мусулмонлар нафакат ўзини, балки аҳли аёлини ва фарзандларининг тарбиясига масъул ва бу ҳақида сўралади. Улар фақат моддий таъминот билан кифояланиб қолмасдан, уларнинг имон-эътикод, дину-диёнати бўлишларига ҳам масъулдир.

Қуръони каримда Луқмони Ҳаким ўғлини қандай тарбиялаганлиги, унга диний жиҳатларни сингдиргани, уни ахлокий кадриятларни тўғирлашга ва уларга риоя қилишга даъват этганлиги ҳақида хикоя қилинган. Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади: *“Луқмон ўғлига ваъз-насихат қилиб айтганларини эсла: “Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирма. Албатта, ширк катта зулмдир”*⁵. Шунингдек, Қуръони каримда Луқмони Ҳаким тилидан шундай марҳамат қилинади: *“Эй ўғилчам, албатта, у(амал) агар ачитқининг бир дона уруғича бўлсаю у бир қоя тош ичида ёки осмонларда ёхуд ерда бўлса ҳам, Аллоҳ уни келтирур. Албатта, Аллоҳ ўта лутфли ва ўта хабардор зотдир. Эй ўғилчам, намозни тўқис адо қил, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтар ва ўзингга етган мусибатга сабр қил. Албатта, булар азм этилажак ишлардандир. Одамлардан такаббурла юз ўғирма ва ер юзида кибр-ҳаво ила юрма. Албатта, Аллоҳ ҳеч бир мутакаббир ва мақтанчоқни севмас. Юришингда мўътадил бўл ва овозингни пасайтир. Чунки овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир”*⁶. Бунда Аллоҳ таолонинг Луқмони Ҳакимнинг ўғлига қилган ўғитларини баён қилиш орқали барча мусулмон ёшларига насихат қилаётганини тушуниш мумкин.

Шунингдек, Аллоҳ таоло Қуръони каримда Ғор эгалари (Асҳоби Каҳф) ҳақида хикоя қилади, улар пайғамбар ёки набий эмас, балки солиҳ ёшлар эди. Улар Робиларига иймон келтирдилар. Шу билан бирга, бу ҳақида кўркмасдан подшоҳга ва бошқаларга билдирдилар. Қачонки подшоҳ уларга динларидан қайтиб ўзларининг будларига сиғинишга ва подшоҳ олдида тиз чўкиб шафкат сўрашга буюрганда улар

¹ Юсуф сураси 22-оят.

² Қасос сураси 14-оят.

³ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. Қасос сурасининг 14-оятига берган шарҳи.

⁴ Таҳрим сураси 6-оят.

⁵ Луқмон сураси 13-оят.

⁶ Луқмон сураси 16-19 оятлар.

бош тортдилар. Ўз динларидан собит бўлдилар ва шу сабабли таъқибга учрадилар. Қуръони каримда улар ҳақида шундай дейилади: *“Биз сенга уларнинг хабарларини ҳақ ила қисса этиб берурмиз. Албатта, улар Роббиларига иймон келтирган йиғитлардир. Ва Биз уларга янада зиёда ҳидоят бердик. Уларнинг қалбларини мустаҳкамладик. Қачонки турдилар ва: “Бизнинг Роббимиз осмонлару ернинг Роббидир. Ундан ўзгани ҳаргиз илоҳ дея дуо қилмаймиз. Агар шундай қилсак, ноҳақ сўзни айтган бўлурмиз. Ана у қавмимиз Ундан ўзга худолар тутдилар. Уларга равишан ҳужжатлар келтира олармиканлар?! Аллоҳга ёлғон уйдиргандан ҳам золимроқ ким бор”*¹. Ушбу қиссада Аллоҳ таоло ёшларга ўз эътиқодларида мустаҳкам бўлишлари, адолат ва ҳақни кўркмасдан айтишлари кераклигини, нафакат ўзлари балки бошқалар манфаатлари ҳақида ҳам қайғуришлари лозимлигини уқтирмоқда.

Булар айнан Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ёшлар билан қилган ишидир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ёшларга чуқур эътибор қаратдилар, ёшларни ўқитиш ва маҳоратини ошириш, уларнинг калби ва онгига диннинг буюк тамойилларини, билимга бўлган муҳаббатни сингдириш билан қаттиқ шуғулландилар. Исломи динини айнан ёшлар биринчилардан бўлиб қабул қилдилар, барча кийинчиликларга сабр қилдилар ҳамда динни ўзларидан кейин тарқатдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг аксарият саҳобалари ёшлар эди, хусусан, Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу 10 ёшда ёки ундан ҳам ёшроқ, Абу Бакр розияллоҳу анҳу эса 37 ёшда, колганлари шу ёш оралиғидаги ёшлар бўлган.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Бир куни Набий алайҳиссаломнинг ортларида (уловда ортларига мингашиб олган эдим) эдим. У зот: *“Эй болакай! Мен сенга калималарни ўргатаман. Аллоҳни(нг) буйруғу қайтариқларини) муҳофаза қилгин, шунда У Зот сени муҳофаза қилади. Аллоҳни муҳофаза қилсанг, У Зотни рўпарангда топасан. Сурамоқчи бўлсанг, Аллоҳдан сура. Қумак истамоқчи бўлсанг, Аллоҳдан иста. Билки, агар бутун уммат (маҳлуқотлар) сенга бирор манфаат бериш учун жамланса ҳам, Аллоҳ сенга ёзган нарсадан бошқасини бера олмайди. Агар уларнинг ҳаммаси сенга бирор зарар етказиш учун жамланса ҳам, Аллоҳ сенга ёзган нарсадан бошқасини етказа олмайди. Қаламлар қўтарилган, саҳифалар қуриган”, дедилар*” (Имом Термизий ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай марҳамат қилдилар: *“Етти тоифа кишиларни Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ўз аршининг соясидан бошқа соя йўқ қиёмат кунда аршининг сояси остида соялантиради. Булар: Одил имом, Аллоҳнинг ибодатида ўсган йиғит...”* (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти)². Улар ёшликни ғанимат билган бу вақтни ўйин-кулгу, бекорчилик фойдасиз ишлар билан машғул бўлиш ўрнига ибодат, илм олиш, касб-ҳунар эгаллаш йўлида ҳаракат қилиб, халк ва юртга манфаат етказиш ниятида ёшлиқдан Аллоҳнинг ризосини кўзлаганлардир. Ҳадиси шарифда: *“Албатта, Аллоҳ бекорчи ёш йиғитни ёмон кўради”* дейилган. Мазкур ҳадислар орқали Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ёшларни Аллоҳни таниш ва унга ибодат қилишга, ўз вақтини беҳуда сарфламасликка, жамиятга манфаатли ишлар билан шуғулланишга даъват этганлар.

Яхши таълим ва тарбиядан сўнг, ёшларнинг ҳар бири ўз билимлари, қобилиятлари ва малакаларига мувофиқ иш ва масъулият ёки етакчиликни қабул қилиш орқали жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этиш имкониятларидан фойдаланиш ҳукуки кафолатланган.

¹ Кахф сураси 13-15 оятлар.

² <https://azon.uz/content/views/arshning-soyasidan-bahramandlar>

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) масъулиятли вазифаларни илмли, шижоатли, уддабурон ёшларга ишониб топширарди, уларнинг ёшлиги бундай вазифаларни ишониб топширишга тўсқинлик қилмасди.

Яман ҳукмдорлари Расулуллоҳ (с.а.в.)га элчи юбориб, улар исломни қабул қилишганлиги ва уларга янги динни ўргатишлик учун одам юборишлари хабарини беришди. Бу ишни бажариш учун Расулуллоҳ (с.а.в.) 28 ёшли Муоз ибн Жабал розияллоху анхуни бошлиқ қилиб жамоат юбордилар.

“Ҳижратнинг ўн биринчи йили Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам) Рум салтанатига қарши қўшин тузадилар. Қўшин таркибида Абу Бакр, Умар, Саъд ибн Абу Ваққос, Абу Убайда ибн Жарроҳ ва бошқа улугъ саҳобалар бор эди. У зот шундай бўлишига қарамай қўшинга 17 ёшли Усома ибн Зайдни қўмондон этиб тайинладилар”¹.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ёшларни оксоқоллар билан бирга ўз мажлисига таклиф қиларди ва барча масалаларда улар билан маслаҳат қиларди. У айтарди: “Хеч бирингизнинг ёшлигингиз ўз фикрингизни билдиришингизга тўсқинлик қилмаслиги керак, чунки билим на ёшлик ва на кексаликка тааллуқлидир, чунки Аллоҳ таоло уни хоҳлаган жойига қўяди”. Шундай қилиб, Умарнинг мажлисларида 15–16 ёшлардаги Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анху бошчилигидаги ёшлар қатнашардилар. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анхунинг катталар мажлисида иштирок этишидан малолланган айрим саҳобаларга Умар ибн Хаттоб розияллоху анху айтганлар: “Унинг масъулиятли тили ва ақлли юраги бор”.

Исломда мусулмон ёшларининг бир қатор мажбуриятлари бор. Шуларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамыз.

Ёшлар ўзларининг ота-оналарига ҳурмат билан муомала қилиши ва уларнинг хизматида шай туришлари, уларга хушмуомала ва итоаткор бўлиши лозим. Бу уларнинг энг асосий мажбуриятларидан бири саналади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: **“Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга “уфф” дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт!”**². Бу Аллоҳнинг мусулмонларга буйруғи, фармонидир, бу бандаларнинг ихтиёрига ташлаб қўйилган иш эмас. Қариб, ҳеч нарсага ярамай қолганида юзланадиган кўнгил хуши ҳам эмас. Бу амр Аллоҳ таолонинг катъий ва ўзгармас буйруғи. Бу буйруқни бажариш ҳар бир банданинг бурчи. Аллоҳнинг ибодатидан кейинги келадиган иш ота-онага яхшилик қилишдир. Бу ҳам Аллоҳнинг амри. Аллоҳ таоло ўзига ибодат қилишга чақирган амрдан кейиноқ ота-онага яхшилик қилишни таъкидламоқда. Бу ҳол ўз навбатида, Исломда ота-онанинг ҳаққи қанчалик улугъ эканини кўрсатади.

Ёшлар ўзини билим, маданият, ахлоқ ва узлуксиз изланиш билан такомиллаштириб бориши керак. Ахир, Аллоҳ таоло ўзининг пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.)га дунёвий ҳаётдан илмдан кўпроқ нарсани топмасликни буюрган. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: **“Ҳақ Подшоҳ–Аллоҳ олий бўлди. Сенга ваҳийи битгунча Қуръон (тиловати)га ошиқма ва: “Роббим, илмимни зиёда қилгин”, дегин”**³.

Ёшлар бошқаларнинг тажрибасидан унумли фойдаланиши ва фойдасиз ва зарarli нарсалардан эҳтиёт бўлишга интилиши керак. Ёшлар инсонни ҳалок қиладиган беҳуда нарсалардан сақланиши лозим. Бу айнан бутунги кунда жуда долзарб са-

¹ <https://islom.uz/maqola/3558>

² Исро сураси 23-оят.

³ Тоҳа сураси 114-оят.

налади. Чунки мусулмон ёшларининг исломни ўрганиши, илм олиши уларни турли хил ислом ақидасига зид бўлган оқимлар ва шахсларнинг таъсирига тушиб қолишдан асрайди. Ислом, албатта, терроризмни маъқулламайди ва рухсат бермайди. Қуръонда бу ҳақида жуда кўп оятлар нозил қилинган. Масалан, Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади: **“Аллоҳ сизларни диний уруш қилмаган ва диёрларингиздан чиқармаганларга яхшилик ва адолатли муомала қилишдан сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни яхши кўради”**¹. Шунингдек, **“Ким бир жонни ноҳақдан ёки ер юзидида фасод қилмаса ҳам ўлдирса, худди ҳамма одамларни ўлдирган бўлади. Ким уни тирилтирса, худди ҳамма одамларни тирилтиргандек бўлади”**².

Ушбу Қуръони карим оятларидан кўриниб турибдики, террорни қўллаш, бинолар ва мулкларни бутунлай йўқ қилиш, бегуноҳ эркаклар, аёллар ва болаларни бомбардимон қилиш ва майиб қилиш нафақат ман этилган ва балки Қуръони каримга зид жирканч ҳаракатлардир. Бундан келиб чиқадики, баъзи мусулмонлар террорчилик ҳаракатини қилсалар ҳам, ўзларининг қилмишларини Ислом билан боғласалар ҳам, бу Исломга зиддир ва улар Аллоҳнинг қонунларини бузганликда айбдор ҳисобланадилар. Бу Ислом қонунларининг иккита асосий манбаси - Қуръон ва Суннат томонидан қўллаб-қувватланмайди ёки асосланмайди. Бу ҳатто Ислом фикҳида катта гуноҳ деб ҳисобланади. Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади: **“Эй иймон келтирганлар! Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Магар ўзаро розилик ила тижорат бўлса, майли. Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизларга ўта раҳмлидир”**³. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) айтганларидек: **“Кимки тоғдан ўзини ташлаб, жонига қасд қилса, у жаҳаннам оловида абадул-абад ўзини пастга ташлайди. Кимки заҳар ичиб жонига қасд қилса, у қўлида заҳарини тутиб, жаҳаннам оловида абадул-абад ўзини заҳарлайди. Кимки ўзини темир билан ўлдирса, у қўлида темирини тутиб, жаҳаннам оловида абадул-абад у билан ўзини уради”** (Бухорий, Муслим ва бошқалар ривояти).

Юқоридаги оят ва ҳадисларнинг барчаси исломда зўравонлик, қотиллик ва ўз жонига қасд қилишнинг таъқиқланганини, бу орқали терроризмнинг ман этилган қилмиш эканлигини билдиради. Шундай экан, мусулмон ёшлари ўз динларини пухта ўрганишлар ива бундай иллатдан ўзларини узоқ тутишлари лозим бўлади.

Ёшлар дин ва Ватанга хизмат қилиш нияти билан яшаши керак. Ахир, инсон самимий меҳнат ва самимий ният учун мукофот олади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) айтганлар: **“Амаллар фақат ниятларга кўради. Албатта, ҳар бир кишига ният қилган нарсаси бўлади...”** (Муттафақун алайҳ).

Исломда ёшлар иймон, ҳаёт поклиги, жасорат, самимийлик, хушмуомалалик, меҳр-оқибат, жасорат ва фидойилик образи сифатида намоён бўлади. Мусулмон ёшлари жамият ва давлат ҳаётида жуда катта рол ўйнайди. Юқоридаги мисоллар билан келтирилган бой мерос мусулмон ёшларини ўзларининг буюк аجدодларига тақлид қилишга, жамият ва давлат учун ўз ҳиссаларини қўшишга, илм олишга, ер юзидида фақат эзгу ишларни қилишга шошилишга ундайди.

¹ Мумтаҳана сураси 8-оят.

² Моиди сураси 32-оят.

³ Нисо сураси 29-оят.

Representation of Uzbekistan's Youth in Institutional Political Processes and Policy Development

Аннотация. Мақолада замонавий ўзбек ёшларининг сиёсатга муносабати, сиёсий ҳаётда, жумладан, сайловларда иштироки кўриб чиқилади. Мақолада сиёсий қадриятлар, истаклар ва ҳуқ-атворнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар, шунингдек ёш авлодни сиёсий жараёнларга жалб қилиш мотивлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: сиёсат, сиёсий фаоллик, сиёсий апатия, ёшлар, Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми, жамият.

Abstract. The article examines the attitude of the Uzbek youth to politics and current political problems. Various forms of its participation in political life, including participation in elections, are analyzed. The article highlights the factors that have impact on the formation of political values, preferences and behavior of young people, as well as the motives for the involvement of the young generation in political processes. The ways to increase its political activity are identified.

Key words: political, political activism, political apathy, political participation of Uzbek youth, Samarkand web forum on human rights, society.

Аннотация. В статье рассматривается отношение современной узбекской молодежи к политике, формы ее участия в политической жизни, в том числе в выборах. Освещаются факторы, влияющие на формирование политических ценностей, предпочтений и поведения молодежи, а также мотивы вовлечения молодого поколения в политические процессы.

Ключевые слова: политика, политическая активность, аполитичность, молодежь, Самаркандский веб-форум по правам человека, общество.

During periods of transformation and turning points in economic and political life, young people have always held leading positions in the life of the country. In times of crisis, the younger generation was an active participant in the ongoing transformations in the country. The release of young people from strict ideological control in the 1990s led to changes in the process of integration of young people into the political sphere of Uzbek society, which resulted in the creation of various youth organizations as part of active political parties¹. At the same time, modern youth differs from the excessively ideologized Komsomol activists of the Soviet and politicized predecessors of the beginning of the post-Soviet period.

Forms of youth participation in political life

The participation of young people in the process of social management in society can be carried out through the manifestation of political activity by this social group. The degree of political activity of young people largely determines the nature of the overall political process in the country and affects the stability of society as a whole. Young people have always been and remain the most active and dynamic socio-demographic group,

¹ Lipskaya L.A. Molodezh' i politika: problema povysheniya politicheskoy aktivnosti // Socium i vlast'. 2012. № 1 (33). S. 58–62.

realizing themselves in all spheres of society: political, social, cultural, and economic. This socio-age group is more focused than others on improving its social status and developing new social roles, as it is at the stage of life self-determination.

First and foremost, what is the definition of “youth”? According to the Law of the Republic of Uzbekistan on state youth policy, Article 3, part three, youth (young citizens) are the persons aged from fourteen to thirty years inclusive¹. Uzbek legislation defines only the age limits of this social group. Uzbekistan is at an important demographic milestone. Young people here under the age of 30 make up 60% of the population.

However, what is the social essence of the concept of “youth”? There are various options for defining the concept of “youth”, including understanding it as a large socio-demographic group that is undergoing a stage of socialization, the formation of value orientations, characterized by its inherent psychological characteristics and subculture and “trying on” various social roles². Modern living conditions affect the values and moral guidelines of young people, depending on many factors, including the region of residence and the social group to which they belong. Young people are a hidden resource and the main agent of social change taking place in the country.

What is political participation? The younger generation, like most citizens, can participate with varying degrees of intensity in the political life of society. Political activity largely depends on political values and attitudes, social and individual consciousness, political culture and subculture of the subject of activity and behavior that determine the nature, content and direction of socio-political actions³. Since political activity is defined mainly through the concept of political participation, we will discuss in more detail the various approaches to the scientific interpretation of this concept.

Political participation – actions taken by members of a socio-political community on an individual or group basis in order to influence the process of formulating or making political decisions, implementing public policy, or selecting political figures at any level of government – local, regional, or national⁴. That is, in the broadest sense, this definition means the activity of citizens aimed at choosing politicians, as well as making and implementing political decisions. This is a very complex multidimensional social phenomenon. Political participation is a set of techniques related to exerting political influence on the government at any level.

L. Milbrath' typology is based on the criterion of subject activity. The author has identified three groups of activity forms, each of which includes several forms arranged in ascending order:

- Spectator activity – performing the role of an object of influence of political incentives, voting, etc.;
- Transitional activity – communicating with government officials and leaders of political parties, attending meetings and rallies;
- Gladiator activity – participation in a political campaign, playing the role of an activist of a political party or a candidate for a leadership position in government or a party⁵.

¹ Zakon Respubliki Uzbekistan o gosudarstvennoj molodezhnoj politike // <https://lex.uz/docs/3026250>

² Usynina N.I. Opredelenie sushchnosti ponyatiya «molodezh'» // Vestnik Udmurtskogo universiteta. Seriya 3. Filosofiya. Psihologiya. Pedagogika. 2013. № 3-1. S. 26-28.

³ Kopaeva E. V., Kotova K. A., Lisova S. Yu. Politicheskaya aktivnost' studencheskoj molodezhi: problemy i tendencii // Istoricheskie, filosofskie, politicheskie i yuridicheskie nauki, kul'turologiya i iskusstvovedenie // Voprosy teorii i praktiki. Tambov: Gramota. 2017. № 6. Ch. 1. C. 82–86

⁴ Grachev M.N. Politicheskoe uchastie: Zarubezhnaya politologiya: Slovar'-spravochnik / Pod red. A.V. Mironova, G.A. Cygankova. M., 1998. – S. 239–241.

⁵ Romashkina G.F. Formirovanie organicheskoy solidarnosti v molodezhnoj srede // Obrazovanie i nauka. 2014. № 9. S. 69–84.

The President and Government of Uzbekistan pay special attention to supporting young people and providing opportunities for their self-realization and contribution to the future prosperity of their country. UNICEF supports the Government in ensuring that ongoing reforms and initiatives reflect the rights, interests and aspirations of children and young people. Moreover, a final resolution was adopted following the results of the Samarkand web forum on human rights. It calls on states around the world to develop and implement strategies that will give young people real opportunities to participate fully and meaningfully in society.

Youth rights are rights that everyone should enjoy, but some are denied these rights because of their young age. “This affects young people, sometimes openly, through legal age restrictions, but, more importantly and imperceptibly, through negative attitudes, beliefs, biases and stereotypes towards young people, thereby depriving them of the opportunity to exercise their legal rights”, the report says. There is a need to combat discrimination against young people, especially girls and women, according to the forum participants.

This is a clear and obvious example of the third type of political activity – gladiatorial activity, when young activists participate in political campaigns. In the case of the majority, when people participate in elections in December, the first type of activity is shown – spectator activity. The second type is most often observed at press conferences, meetings with the participation of citizens. For example, on June 25, a press conference was held in Ferghana with the participation of khokim Shukhrat Ganiev. Here correspondents showed an active political position, asking questions of concern to the majority. They communicated with the authorities.

Trends in Uzbek legislation supporting the representation of young people in politics

The Law of the Republic of Uzbekistan on state youth policy adopted in September, 2018 defined its content and direction, choosing as a priority the reform and modernization of all spheres of society.

The country has established a legal and institutional framework that guarantees the protection of the rights of young people. As a result of the implementation of the laws on education, on the National training program, on guarantees of the rights of the child, on physical culture and sports, on prevention of neglect and delinquency among minors and other legislative acts, an integral system of education of a harmonious personality has been created. The laws provided socio-economic, legal, psychological and pedagogical conditions for the adaptation of young people to life in a modern changing society, deliberate choice and development of educational and professional programs, education of citizens who are aware of their responsibility to society, the state and the family.

The law defines state youth policy as a system of socio-economic, organizational and legal measures implemented by the state and providing for the creation of conditions for the social formation and development of the intellectual and creative potential of young people.

In contrast to the previous Law on the basics of state youth policy in the Republic of Uzbekistan of November 20, 1991, the adopted law provides for a number of new provisions. First, it established priority areas in accordance with modern requirements: ensuring social, economic, political and other rights and interests, affordable and high-quality education for young people, promoting their physical, intellectual and moral development, creating conditions for employment and employment, education in the spirit of respect for laws, national and universal values, protection from actions that lead

to the undermining of moral foundations, radicalism, violence and cruelty, support for talented children and young families, development of youth sports and others.

We see that the current measures of protection and support for young people are now enshrined in law:

- legal and social guarantees-ensuring rights and freedoms, free medical care and general education, conditions and guarantees of higher education within state grants, employment, provision of labor benefits, allocation of preferential loans for construction and purchase of housing, material support for low-income young families, development of leisure and recreation systems, and others;

- state support for talented youth — providing prizes, scholarships, educational grants, organizing sports schools, competitions, exhibitions, conferences, seminars, providing access to training programs for gifted youth, creating conditions for young scientists and specialists, and others.

The new law is aimed at improving public administration in the field of youth policy, consolidating the powers of each entity involved in this process. At the same time, the adopted document expanded and established additional state guarantees that will stimulate the comprehensive development of young people in Uzbekistan, their involvement in private entrepreneurship, which has become the engine of the country's economic growth.

Political behavior: factors and motivations of involvement of the young generation

In modern conditions, it is possible to assess the degree of involvement of the age group under 30 in political processes in different ways. On the one hand, Uzbek youth have a negative attitude towards almost all power structures, negatively perceive the development of the political situation in the country, not seeing the opportunity to influence the political process, so they are passive and apolitical. However, this may be due to the increased interest of young people in politics. The socio-economic and political changes taking place in Uzbek society have a serious impact on the political behavior of the younger generation. Youth audiences are often criticized by contemporary policy trends as being intensively discussing the urgent social issues. In this aspect, the involvement of the younger generation in political processes (including ignoring participation in them) is seen as a form of protest behavior.

The formation of a politically literate and socially competent young generation is becoming one of the main strategic tasks of the country's development. Since the social positions of the majority of young people have not acquired a stable form, and the process of forming their own moral beliefs (imperatives), which form the core of consciousness, has not yet been completed, the direction of political moods often becomes spontaneous and depends on the influence of external factors¹. During the crisis period, instability as an immanent characteristic of the social status of young people increases against the background of economic stratification within the group itself, contributing to increased tension and political confrontation². Therefore, interest in the socio-political activity of young people remains one of the priorities not only of state policy, but also of scientific discourse.

¹ Ignatova T. V. Politicheskaya aktivnost' kak osnovnaya forma politicheskogo uchastiya rossijskoj molodezhi // Izvestiya Tul'skogo gosudarstvennogo universiteta. Gumanitarnye nauki. 2016. № 1. S. 3–12.

² Doroshenko S. V., Solomatin Ya. I. Megapolis kak sreda formirovaniya politicheskikh orientacij molodezhi. // Vestnik Permskogo nacional'nogo issledovatel'skogo politekhnicheskogo universiteta. Social'no-ekonomicheskie nauki. 2018. № 1. S. 157–170.

Ways to increase political activity of young people

To increase the involvement of young people in political processes, emphasis should be placed on expanding educational programs aimed at developing competencies in the field of organizational and managerial activities, interpersonal communication, political and legal literacy (“leadership schools”, practical seminars, trainings). In educational institutions it is necessary to organize a discussion platform for the discussion and solution of problems of youth policy (lectures, discussions, round tables, debate clubs). Within the framework of regional and municipal administrations, it is advisable to create Internet portals aimed at informing young people about the most significant youth initiatives, competitions and projects, as well as general patriotic actions (rallies, demonstrations, flash mobs) and volunteer events. Youth self-government bodies (student unions, youth governments and parliaments, etc.) that promote the involvement of young people in political processes should be developed and encouraged to meet private motives (self-realization, career).

Ўзбекистонда ёшларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари

Аннотация. Ушбу мақолада фуқароларнинг, хусусан, ёшларнинг мурожаатлари билан ишлаш таҳлил қилинади. Мурожаатларда энг кўп кўтарилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига олиб келувчи масалалар кўриб чиқилиб, ҳулосалар ва таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: мурожаатлар, ёшлар, ёш цензи, қонунчилик, ёшларга оид сиёсат, Ёшлар ишлари агентлиги, Виртуал қабулхона, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари, ваколатли давлат органлари, ишонч телефони.

Abstract. The article analyzes the system of dealing with youth appeals in Uzbekistan, the most frequently raised issues, also it presents conclusions and recommendations on the topic.

Key words: problems and appeals of youth, appeals of minors, age censorship, legislation, youth policy, the Agency for Youth Affairs, the Virtual Reception and People's Receptions of the President of the Republic of Uzbekistan, authorized state bodies, a hotline.

Аннотация. В статье анализируется работа с обращениями граждан, в частности молодежи. Рассматриваются наиболее часто поднимаемые вопросы в обращениях, вызывающих нарушение прав и интересов молодежи, делаются выводы и рекомендации.

Ключевые слова: обращения, молодежь, возрастной ценз, законодательство, молодежная политика, Агентство по делам молодежи, Виртуальная приемная, Народные приемные Президента Республики Узбекистан, уполномоченные государственные органы, горячая линия.

Бугунги дунё ёшлари сон жиҳатидан энг катта авлод бўлиб, улар 2 миллиарддн ташкил этаётган¹ мураккаб бир шароитда Ўзбекистонда ёшлар билан ишлаш, жумладан, уларнинг тизимли муаммоларини (ёшлар тарбиясидан уларнинг бандлигини таъминлашгача) ўрганиш ва ҳал қилиш масалаларига кейинги йилларда ҳар қачонгидан кўра жиддий эътибор қаратилмоқда.

Халқаро минбарлар ва нуфузли анжуманларда жаҳон ёшлари ҳаётини яхшилаш учун Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган глобал ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган ташаббуслар² (жумладан, ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ва шу билан боғлиқ ишларни тезлаштириш) дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилиб, кенг ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/1147>.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/34>; Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/1063>; Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/1227>; Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/1601>; Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3851>; Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 10 ноябрдаги Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3936>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев президентлик вазифасини бажаришга киришган дастлабки кунлариданок ёшлар билан ишлашга алоҳида стратегик муҳим масала сифатида эътибор қаратиб келмоқда. Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида¹, айнан, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2016 йил 14 сентябрда имзолангани² ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу борада сўз борганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқида³ “ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш барча бўғиндаги давлат органлари раҳбарларининг доимий ишига айланиши зарур”лиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтганлигини ҳам таъкидлаш ўринли.

Аҳолининг ярмидан кўп қисмини ёшлар ташкил қилар экан, ёшлар масаласи Ўзбекистон учун давлат сиёсатининг энг асосий ва устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, маъмурий ислохотлар ўтказиш, ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш, мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошкармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилганлиги⁴ ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ёшлар мурожаатлари ва муаммолари билан ишлаш, улар билан бевосита ва очик мулоқот ўрнатиш, ёшлар ва уларнинг вакилларини мунтазам равишда шахсан, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилишни амалга ошириш мазкур ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Албатта, ёшлар масаласи – умумий олиб қараганда, кенг камровли тушунча бўлиб, катта соҳалар ва йўналишларни ўзида ифодалайди. Шу нуқтаи назардан, ушбу мақолада мамлакатимизда ёшларнинг мурожаатлари билан самарали ишлаш бўйича амалга оширилаётган чоралар хусусида фикр юритилган.

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, ёшлар (ёш фуқаролар) деганда, ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар тушунилади. Шундан келиб чиқиб, аввало, “ёшларнинг мурожаатлари” тушунчасининг моҳиятини юридик ракурсдан келиб чиқиб англаб олиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига кўра, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/1371>.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – 37-сон. – 426-модда; 2017. – 24-сон. – 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

³ <https://president.uz/uz/lists/view/729>.

⁴ Изох: қўшимча маълумотлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.07.2020 й., 06/20/6017/1021-сон), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4768-сон “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.07.2020 й., 07/20/4768/1020-сон), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 сентябрдаги 550-сон “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.09.2020 й., 09/20/550/1274-сон) қаралиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунида¹ ҳамда соҳага доир бошқа норматив-ҳуқукий ҳужжатларда мурожаат қилиш ҳуқуқининг амалга оширилишида ёшга ёки бошқа сиёсий ҳуқуқларга (мисол учун, сайлов ҳуқуқига) эга бўлиш учун қўйиладиган мамлакат фуқаролиги мавжудлигига доир цензлар назарда тутилмаган.

Демак, ҳулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон қонунчилигида ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун ёш цензи билан боғлиқ талаб қўйилмаган, яъни ҳар бир шахс ёши ва фуқаролиги ҳолатидан қатъи назар, мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шу ўринда, бошқа сиёсий ҳуқуқлардан фарқли ўларок (масалан, сайлаш ҳуқуқига эга бўлиш учун ўн саккизга, сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун эса, тегишлича йигирма бир, йигирма беш ёки ўттиз беш ёшга тўлган бўлиш талаби қўйилган²), мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиш учун шахс муайян ёшга тўлган бўлиши талаб этилмаслигини ҳам эслаб ўтиш ўринли.

Қонунчилигимизда “муружаат” тушунчасига бўлгани каби “ёшларнинг мурожаатлари” тушунчасига ҳам аниқ таъриф берилмаган. Шу сабабли, ушбу тушунчанинг белгиларини аниқлаш ва мурожаатларни таҳлил қилиш учун ажратиб олишда, биринчи навбатда, мурожаат қилувчиларнинг айнан ёш чегарасига алоҳида мезон сифатида қаралиши, яъни ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган (ўттиз бир ёшга тўлмаган) шахсларнинг мурожаатлари қамраб олиниши лозим.

Шу ўринда, эслаб ўтиш жоизки, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2020 йил 10 мартда “Бола ҳуқуқларининг қўшимча қафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига³ асосан “Вояга етмаган шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган 24¹-модда билан тўлдирилди.

Шунга қўра, ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли тушунмовчиликлар юзага келишининг олдини олиш мақсадида юқорида келтирилган асосдан келиб чиққан ҳолда “вояга етмаган шахслар ҳамда ёшларнинг мурожаатлари” тушунчалари ўртасидаги фарқлар ва ўхшашликлар аниқлаб олиниши зарур.

Миллий қонунчилигимизда⁴, ҳусусан, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг⁵ 3-моддасига мувофиқ, вояга етмаган деганда, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс тушунилади. Шу ўринда, “бола” тушунчасини ҳам билиб олишга ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни⁶нинг 3-моддасига қўра, бола (болалар) деганда, ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар) тушунилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – 37-сон. – 977-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон; 11.03.2020 й., 03/20/608/0278-сон.

² Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 61-, 71- ва 90-моддаларидан қўшимча маълумот олиш мумкин. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.06.2019 й., 03/19/544/3337-сон.

³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.03.2020 й., 03/20/608/0278-сон.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 14-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 27-моддаси ва ҳоказо.

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – 39-сон. – 341-модда; 2016. – 52-сон. – 597-модда; 2017. – 37-сон. – 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон.

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008. – 1–2-сон. – 1-модда, 2009. – 52-сон. – 554-модда; 2016. – 52-сон. – 597-модда; 2017. – 24-сон. – 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон; 07.12.2019 й., 03/19/587/4122-сон; 11.03.2020 й., 03/20/608/0278-сон.

Шунга кўра, бизнингча, ўн тўрт ёшгача бўлган шахслар муурожаатлари – вояга етмаган шахсларнинг муурожаатлари сифатида ўн саккиз ёшдан ўттиз бир ёшгача (ўттиз бир ёшга тўлмаган) бўлган шахслар муурожаатлари – ёшларнинг муурожаатлари сифатида, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар муурожаатлари эса, ҳам вояга етмаганлар, ҳам ёшларнинг муурожаатлари сифатида тоифаланиши мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг¹ 28-моддасига асосан эмансипация қилинган шахсларнинг муурожаатлари ҳам шу тоифага киритилади.

Демак, айнан ёшлардан келиб тушган муурожаатларни таҳлил қилишда вояга етмаганларнинг ҳам бир қисмига (ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлганларга) тегишли муурожаатлар қамраб олиниши зарур. Яъни вояга етмаган шахсларнинг ҳар қандай муурожаати тўлиқ ёшлар муурожаати бўла олмайди ёки ёшларнинг ҳар қандай муурожаати эса, вояга етмаган шахслар муурожаати бўла олмайди.

Юқоридагиларга асосан, кўпроқ сиёсий категорияга яқинроқ бўлган ёшларнинг муурожаатлари тушунчасини қонунчиликда аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ. Шунга асосан, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасини қуйидаги мазмундаги “ёшларнинг муурожаатлари” тушунчаси билан тўлдириш таклифини билдирамыз:

“ёшларнинг муурожаатлари – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган (ўттиз бир ёшга тўлмаган) шахсларнинг давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига якка тартибда ёки жамоа бўлиб қилган оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклдаги аризалари, шикоятлари ва таклифлари”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси тизимида ва Халқ қабулхоналарида ёшлардан келиб тушаётган муурожаатларни, уларда кўтарилган масалаларнинг моҳиятидан келиб чиқиб ҳамда муурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслик принципига риоя этилишини амалда таъминлаш мақсадида ваколатли давлат органлари томонидан кўриб чиқиш учун нисбатан қисқароқ муддат белгилаш амалиёти йўлга қўйилган, ёшларнинг муурожаатларида кўтарилаётган масалаларни доимий таҳлил қилиб бориш учун 12 та тасниф жорий этилган ва улар такомиллаштириб борилмоқда. Шунингдек, ёшлар масалалари бўйича муурожаатларни қабул қилиш учун 1250 қисқа рақамли махсус ишонч телефони фаолияти йўлга қўйилди.

Шу ўринда статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак, фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари орқали 2020 йилда (1 декабрь ҳолатига) ёшлардан турли масалалар бўйича 219 мингдан ортиқ муурожаат (жорий йилдаги жами муурожаатларнинг 21 %) қолдирилган. Уларнинг 3,7 мингга яқини айнан ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1996. – 2-сонга илова; 1997. – 2-сон. – 56-модда; 1998. – 5–6-сон. – 102-модда; 1999. – 1-сон. – 20-модда; 9-сон. – 229-модда; 2001. – 1–2-сон. – 23-модда; 2003. – 5-сон. – 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – 25-сон. – 287-модда; 37-сон. – 408-модда; 2006. – 14-сон. – 110-модда; 39-сон. – 385-модда; 2007. – 1–2-сон. – 3-модда; 3-сон. – 21-модда; 14-сон. – 132-модда; 15-сон. – 154-модда; 31–32-сон. – 315-модда; 50–51-сон. – 506-модда; 2008 й. – 52-сон. – 513-модда; 2009. – 39-сон. – 423-модда; 2010. – 37-сон. – 315-модда; 38-сон. – 328-модда; 2011. – 51-сон. – 542-модда; 2014. – 20-сон. – 222-модда; 50-сон. – 588-модда; 2015. – 33-сон. – 439-модда; 2016. – 17-сон. – 173-модда; 2017. – 37-сон. – 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2017 й., 03/18/455/0492-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон; 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон, 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 23.10.2019 й., 03/19/572/3943-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон, 12.12.2019 й., 03/19/592/4144-сон; 15.01.2020 й., 03/20/602/0052-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.

ёшлардан келиб тушган. Мурожаат этувчиларнинг қарийб 43 % эркак жинсига, 57 % аёл жинсига мансуб бўлиб, ҳозирга қадар мурожаатларнинг 203 мингтаси кўриб чиқилиб, шундан 62,7 % қаноатлантирилган¹.

Жорий йилда келиб тушган ёшларнинг мурожаатларини таснифлар асосида таҳлил қилиш натижасида аниқландики, уларда асосан, моддий ёрдам бериш, ижтимоий нафақалар тайинлаш, иш билан таъминлаш, алимент ундириш, турли ташкилотлар ходимлари хатти-ҳаракатларидан норозилик, банк кредитлари олиш, уй-жой билан таъминлаш, карантин даврида моддий қўллаб-қувватлаш, газ, электр ва ичимлик суви таъминоти, таълим, соғлиқни сақлаш тизимида тегишли муаммолар, оилавий муаммолар, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг амалга оширилиши ёки ундирилиши, ер майдони ажратиш, қарз ёки етказилган зарарни ундириш, турар жойларни таъмирлашда ёрдам сўраш, суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти, алоқа тармоқлари сифати, судларда ишларнинг кўрилиши, ички йўлларни таъмирлаш ёки қуриш билан боғлиқ масалалар кўтарилган.

Ёшлар масалалари бўйича мурожаатларни қабул қилиш учун махсус ташкил қилинган ишонч телефонига эса, 2020 йил 10 мартдан 1 декабрга қадар икки мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган бўлиб, ҳозирга қадар уларнинг 98% кўриб чиқилган, шундан 54 % қаноатлантирилган².

Шу сабабли, ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ёшларнинг мурожаатлари билан ишлаш масаласига янада жиддий эътибор қаратилиши, уларда кўтарилаётган барча масалаларнинг чуқур ўрганилиши таъминланиши ва тизимли ишлар амалга оширилиши зарур.

Шунингдек, ёшларнинг мурожаатлари уларда кўтариладиган муаммолар, қўйиладиган талаблар, баён этиладиган хоҳиш-истаклар одатдаги (ўттиз ёшдан ошганлар мурожаатлари) мурожаатлардан фарқли бўлишини инобатга олиб, қонунчиликда ёшларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутувчи ҳуқуқий механизмлар белгиланиши зарур. Хусусан, ёшларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, уларни кўриб чиқиш учун қисқароқ муддатлар ўрнатилиши, мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ваколатли давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳаракатлари чегараси қатъий белгиланиши лозим. Шунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунини “Ёшларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган қуйидаги мазмундаги 24²-модда билан тўлдиришни таклиф этамиз:

«24²-модда. Ёшларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари Ёшларга давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига ушбу Қонунда белгиланган тартибда мустақил мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ёшларнинг такрорий мурожаатларини кўриб чиқиш учун бўйсунув тартибида қуйи турувчи бўлинмаларга юборилишига йўл қўйилмайди.

Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган ёшларнинг мурожаатлари икки кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органлар-

¹ <https://pm.gov.uz/uz#/>.

² Уша жойда.

га, бошқа ташкилотларга ва мансабдор шахсларга электрон шаклда юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Ёшларнинг мурожаатлари масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, ўн беш кун ичида қўриб чиқилади.

Ёшларнинг мурожаатларига жавоблар шахсан давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари томонидан имзоланади».

Юқоридагиларга асосан, ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичларда, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ёшларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятига алоҳида индикатор сифатида қаралиши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиши бу, аввало, уларнинг жамият, давлат ҳаётидаги ўзгаришларга бўлган муносабатини (реакциясини) кўрсатадиган, давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ўз вақтида зарур ва тўғри қарорлар қабул қилишга имкон берадиган муҳим омил сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “ёшлар билан ишлаш масаласи ҳар доим биз учун муҳим вазифа ҳисобланган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади”¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси // <https://president.uz/uz/lists/view/781>.

Жиноят процессида вояга етмаганлар иштирокида далилларни тўплашнинг ўзига хос хусусиятлари

Аннотация. Ушбу мақолада жиноят процессида вояга етмаганлар иштирокида далилларни тўплашнинг ўзига хос хусусиятлари, бу борадаги амалдаги қонунчилик таҳлили ва халқаро тажриба таҳлил қилинган. Далилларни тўплаш институтини такомиллаштиришга қаратилган назарий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, исботлаш, далилларни тўплаш, ҳақиқатни аниқлаш, далилларни олдиндан мустаҳкамлаш.

Abstract. This article analyzes the features of collecting evidence in criminal proceedings with the participation of minors, analysis of legislation and international experience in this area. Theoretical proposals have been developed to improve the institution of evidence depositing.

Key words: minors, proving, collecting evidence, establishing truth, prior deposition of evidence.

Аннотация. В данной статье проанализированы особенности собирания доказательств в уголовном процессе с участием несовершеннолетних, анализ законодательства и международного опыта в данной сфере. Разработаны теоретические предложения по совершенствованию института депонирования доказательств.

Ключевые слова: несовершеннолетние, доказывание, собирание доказательств, установление истины, предварительное депонирование доказательств.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк йиллариданоқ бола ҳуқуқлари-ни таъминлаш, уларга алоҳида ғамхўрлик ва ҳимоя ҳуқуқини тақдим этиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

Мамлакатимиз Парламенти томонидан 1992 йил 9 декабрдаёқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига (“Бола ҳуқуқлари тўғрисида бутунжаҳон Конституцияси” деб ҳам номланади) қўшилиш ҳақида қарори, 2008 йилга келиб эса, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонунда жиноят процессининг иштирокчиси бўлган бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қафолатлари алоҳида модда сифатида мустаҳкамланди.

Унга асосан, давлат судга қадар иш юритишнинг ва суд муҳокамасининг барча босқичларида болаларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган барча процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши ҳамда бу ҳуқуқлар қафолатларининг таъминланиши бўйича чоралар кўради. Болага ҳар қандай руҳий ёки жисмоний таъсир ўтказиш, уни кўрсатмалар беришга ёки айбини тан олишга мажбурлаш тақиқланади.

Судга қадар иш юритиш ва суд муҳокамаси жараёнида болаларга нисбатан уларнинг қонуний вакилларининг иштирокисиз амалга оширилаётган процессуал ҳаракатларни бажариш тақиқланади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вояга етмаган шахсга нисбатан процессуал ҳаракатлар унинг катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки ушбу шахснинг бошқа қонуний вакили иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Вояга етмаган шахснинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар бўйича судга қадар иш юритишнинг ва суд муҳокамасининг барча босқичларида ҳимоячининг иштирок

этиши шарт. Боланинг ва унинг қонуний вакилларининг ҳимоячидан воз кечиши ҳақиқий эмас деб ҳисобланади¹.

Мазкур нормалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 25, 51, 60, 121, 196, 442-моддаларида ҳам ўз аксини топган.

Айниқса, жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш мақсадида исбот қилиш, яъни далилларни тўплаш жараёнида иштирок этувчи ваколатли шахслар, жумладан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан вояга етмаганлар иштирокида процессуал ҳаракатларни амалга оширилиши жараёнида рия қилиниши лозим бўлган қоидалар мавжуд. Ушбу қоидаларга амал қилмаслик, тўпланган далилларни мақбул эмас деб топилишига сабаб бўлади.

Жумладан, Кодекснинг 51-моддаси талабига мувофиқ, вояга етмаганларнинг иши бўйича ҳимоячи иштирок этиши шарт². Кодекснинг 95¹-моддасига асосан эса, далиллар шахснинг ҳимоя ҳуқуқи бузилган ҳолда олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади.

Бундан ташқари, қонун вояга етмаган шахс иш бўйича гувоҳ ёки жабрланувчи бўлганида, уларни сўроқ қилиш орқали далиллар тўплашда ҳам ўзига хос талабларни ўрнатган.

Хусусан, вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирокида уларнинг розилиги билан ўтказилиши мумкин.

Жиноят процессида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларининг қўшимча кафолати сифатида қараладиган педагогнинг тергов ва суд ҳаракатларидаги иштироки боланинг ёшга доир хусусиятларини инобатга олиш ва руҳий ҳимоясини таъминлаш зарурияти билан изоҳланади³.

Ўн олти ёшгача бўлган гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар. Суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи шу гувоҳ ва жабрланувчиларга уларнинг процессуал ҳуқуқи ва мажбуриятларини тушунтириш чоғида ҳаққоний кўрсатув бериш ҳамда бу билан жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга кўмаклашиш маънавий бурч эканлигини эслатиб ўтади.

Жинсий эркинликка қарши, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар савдосига оид жиноят ишлари бўйича вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш, шунингдек бошқа ҳолатларда сўроқ қилиш, агар буни одил судловнинг ёки вояга етмаган шахснинг манфаатлари талаб этса, стенография, видеокузатув, шунингдек аудио ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хонада қонуний вакил, педагог ёки психолог иштирокида ўтказилиши мумкин⁴.

Илмий адабиётларда вояга етмаганлар билан боғлиқ тергов ва суд жараёнларида педагогларнинг иштирокини янада кенгайтириш, жумладан, улар нафақат сўроқ қилиш жараёнида, балки вояга етмаганлар иштирокида ўтказиладиган юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда тек-

¹ Ўзбекистон Республикасининг 07.01.2008 й. УРҚ-139-сон “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни-нинг 11-1-моддаси // <http://lex.uz>.

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддаси // <http://lex.uz>.

³ Лазарева В.А. Защита прав и интересов несовершеннолетних потерпевших в уголовном процессе // Социалистическая законность. – 1980. – № 3. – С. 49.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 121-моддаси // <http://lex.uz>.

шириш ҳаракатларида ҳам катнашиши ҳақидаги нормаларни қонунчиликка киритиш ҳақидаги фикрлар илгари сурилган¹.

Бундан ташқари, Ўзбекистон қонунчилигига кўра, вояга етмаган шахсни судда сўроқ қилиш ҳам алоҳида тартиб бўйича амалга оширилади. Жумладан, вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилиш ҳақиқатни аниқлаш манфаатлари талаб қилган ҳолларда суднинг ажрими билан судланувчининг йўқлигида ўтказилиши мумкин. Судланувчи суд мажлиси залига қайтиб қиргандан кейин гувоҳнинг берган кўрсатувлари унга маълум қилиниши ҳамда шу гувоҳга саволлар беришга имконият яратилиши лозим.

Вояга етмаган гувоҳ сўроқ қилиниб бўлгач, суд бу гувоҳнинг мажлис залида қолиши зарур деб ҳисоблайдиган ҳолларни мустасно этганда, суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши лозим².

Қонунда вояга етмаганлар иштирокидаги сўроқ жараёнларини стенография, видеокузатув, шунингдек аудио ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хоналарда ўтказилиши мумкинлиги, унинг тартиби суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан белгиланиши назарда тутилган³.

Тергов ҳаракатларини техник воситалар ёрдамида қайд этиш вояга етмаганларни кейинчалик суд босқичларида иштирок этишларини минималлаштиради ва олинган далилларни объектив баҳолаш имконини беради⁴.

Мазкур нормалар амалдаги қонунчилигимизнинг жиноят процессида вояга етмаган шахслар иштирокида далилларни тўплашнинг халқаро стандартларга мос эканлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашнинг амалдаги механизмларини илғор хорижий тажриба асосида янада такомиллаштириш, жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсларга кенг ҳуқуқий шароит яратиш бугунги қонуннинг долзарб вазифаларидан бирига айланган.

Ўтказилган кўплаб илмий тадқиқотлар натижасида мазкур муаммоларнинг ечими сифатида таклиф этилган судга қадар иш юритув даврида суд тартибида далилларни олдиндан мустаҳкамлаш (сақлаш) институтини (депонирование доказательств) амалдаги қонунчиликка киритиш бўйича илк қадамлар қўйилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги ПФ-6041-сонли “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қарорларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан мазкур институтни жорий этиш лозимлиги белгиланган.

Мазкур институт кўплаб хорижий мамлакатлар, МДХ давлатларидан Қозоғистон, Қирғизистон, Украинада жорий этилган.

Мазкур институтни мамлакатимиз қонунчилигига жорий этишда ҳам вояга етмаганлар учун алоҳида нормаларни назарда тутиш муҳим ҳисобланади.

Жумладан, Қирғизистонда вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳга руҳий шикаст етказилишининг олдини олиш мақсадида уларнинг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳуқуқи ушбу шахсларнинг қонуний вакилларига ҳам берилган⁵.

¹ Филиппенков Г., Лазарева В.А. Участие педагога в уголовном процессе // Российская юстиция. – 1982. – № 6. – С. 15.

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 442-моддаси // <http://lex.uz>.

³ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 121-моддаси // <http://lex.uz>.

⁴ Антонович Е.К. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. Главы 1-32.1: постатейный науч.-практ. комментарий. – М., 2015. – С 418.

⁵ Қирғизистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси // <http://cbd.minjust.gov.kg>.

Ушбу институтни Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигига жорий этишни назарда тутган юқоридаги Фармонда эса, судга далилларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш ҳақида илтимоснома киритиш ҳуқуқига эга шахслар доираси аниқ белгиланиб, фақат гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимоснома киритиши мумкинлиги белгиланган, қонуний вакилга эса бундай ҳуқуқ берилмаган.

Шу муносабат билан, Жиноят процессуал қонунчиликка ўзгартиш киритиш орқали судга далилларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш ҳақида илтимоснома киритиш ҳуқуқига эга шахслар доирасига вояга етмаган шахснинг қонуний вакилининг ҳам киритилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, судга далилларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш ҳақида илтимоснома киритиш ҳуқуқига эга шахслар доирасига вояга етмаган шахснинг қонуний вакилининг ҳам киритилиши, назаримизда, жиноят-процессда вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини янада кўпроқ ҳимоя қилинишини таъминлашга, далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашга оид нормаларнинг либераллашувига хизмат қилган бўларди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардаги роли

Аннотация. Мақолада Олий Мажлис ҳузуридаги ёшларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга ва шериклик муносабатлари асосида унинг давлат ва жамият билан мулоқоти-ни ўрнатишга имкон берадиган Ёшлар парламентини ташкил этиш зарурлиги асослаб берилган.

Калим сўзлар: Ёшлар парламенти, Ёш қонуншунослар клуби, қонун ижодкорлиги, парламент на-зорати, “депутат ёрдамчиси” институти, таҳлилий кўникмалар, мобиль илова, халқаро алоқалар.

Abstract. This article substantiates the need for the formation of the Youth Parliament under the Oliy Majlis, which will form an active civic position of the youth and establish its dialogue with the state and society on the basis of partnership.

Key words: Youth Parliament, Young Legislators' Club, lawmaking, parliamentary control, deputy assistance institute, analytical skills, mobile application, international relations.

Аннотация. В статье обоснована необходимость образования Молодёжного парламента при Олий Мажлисе, что позволит формировать активную гражданскую позицию молодежи и на-лаживать ее диалог с государством и обществом на основе партнерских отношений.

Ключевые слова: Молодёжный парламент, Клуб молодых законодателей, законотворчество, парламентский контроль, институт «помощник депутата», аналитические навыки, мобильное приложение, международные отношения.

Ҳар жиҳатдан демократик ҳуқуқий давлатни ривожлантиришда ёшларнинг фа-ол иштироки муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда ёшлар жамиятнинг барча соҳала-рига ўз билим ва салоҳиятлари орқали кириб бормоқдалар. Шу сабабли, иқтидорли йигит-қизларни қўлаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қи-лиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирда ёшларни мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларга кенг жалб қи-лиш ҳамда ислохотлар жараёнида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш – давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Сўнгги тўрт йилда амал-га оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этишлари учун қўлаб имкониятлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 12 июл-даги Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар билан бўлиб ўтган видеоселек-тор йиғилишидаги маърузасида “Олий Мажлис Қонунчилик палатасига йигит-қиз-лар эркин кириб чиқадиغان муҳит ва шароит яратилиши зарурлиги, ёшлар қонун қабул қилиш жараёнларидан бошлаб, партиялар ўртасида рақобат бўладиган маж-лис ва тортишувларни ўз кўзи билан кўриши ва депутатлар билан мулоқот қилиши лозим”лиги ҳақида тўхталиб ўтган эди.

Шу билан бир қаторда, давлат органларининг ёшлар бирлашмалари, ташкилот-лари билан ўзаро алоқаларини ривожлантириб, “мустаҳкам кўприк”ка асос яра-тиш, уларнинг қизиқишларини рўёбга чиқариш давлатнинг ёшларга оид сиёсати-нинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиши лозим¹.

Шу муносабат билан, 2018 йилнинг 6 май куни Олий Мажлис ҳузуридаги Қонун-чилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтида “Ёш қонуншунослар клуби” ташкил этилди.

¹ Бабинцев В. П., Морозова Т. И., Сапрыка В. А., Бояринова И. В., Шмигирилова Л. Н. Государственная молодежная политика. – Белгород, 2011. – С. 90.

Ёш конуншунослар клубининг ташкил этилиши “Ёшлар парламенти”ни шакллантиришда дастлабки босқич ва “фойдали эксперимент” бўлди десак, муболага бўлмади. Мазкур клуб фаолиятида орттирилган тажриба бу йўналишдаги ишлар қўламини янада кенгайтириш имконини берди. Ўз-ўзидан савол туғилади, Конунчилик палатасида Ёшлар парламенти ташкил этишнинг зарурати қанчалик муҳим эди? Биз, мазкур масалани куйидагича изохлаймиз.

Ёш конуншунослар клуби аъзолигига факатгина 30 ёшдаги давлат ташкилотлари ходимлари, олийгохлар талабалари аъзо бўлиши мумкинлиги каби чекловлар бор эди. Бундан ташқари, Ёш конуншунослар клуби аъзолари институт ҳузуридаги бўлимларда амалиёт ўтаб, тахлилий кўникмалар шаклланган эди. Янги босқич сифатида депутатлар билан кунлик мулоқот қилиб, уларга ёрдам берган ҳолда конун ижодкорлиги ва парламент назорати фаолияти бўйича амалиёт кўникмаларини шакллантириш зарурати мавжуд эди. Ёшлар парламенти мавжуд эмаслиги сабабли Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари Парламентлараро Ассамблеясида Ўзбекистон парламентида факат сайланган депутатлар иштирок этар эди.

Шу сабабли, ёшлар ва парламент ўртасидаги “кўприк”ни янада мустаҳкамлаш, шунингдек ёшларнинг парламент фаолияти бўйича амалий кўникмаларини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 март кундаги ПФ-5953-сон Фармони¹ билан тасдиқланган Давлат дастурининг 21-бандига мувофиқ, Конунчилик палатаси ҳузурида Ёшлар парламенти ташкил этилди.

Табиий савол туғилади. Ёшлар парламенти ўзи нима ва унинг моҳияти нимадан иборат? Россиялик олима И.Н. Гукова ушбу тушунчага қуйидагича таъриф берган: “Ёшлар парламенти – давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ёшлар парламенти, ёшлар ҳукумати, ёшлар палатаси, ёшлар кенгаши тарзида ёшларнинг маслаҳат тузилмасини ташкил этиш ва фаолият юртишига асосланган, ёшларнинг ўзига хос ижтимоий гуруҳ сифатидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этувчи тизим”².

Олий Мажлис Конунчилик палатаси Спикери, юридик фанлар номзоди Н.Исмоилов Ёшлар парламенти вакиллари билан учрашувда таъкидладики, Ёшлар парламенти – шунчаки оддий тузилма эмас, балки ёшларимизнинг сиёсий фаоллигини таъминлашга хизмат қиладиган ҳақиқий майдондир. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини бойитиш, конун ижодкорлиги жараёнига ёшларни жалб қилиш, қабул қилинган қонунларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилишда, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда Олий Мажлисга ва давлат ҳокимиятининг бошқа органларига самарали ёрдам беради. Шу ўринда Олий Мажлис қуйи палатаси раҳбарияти Ёшлар парламенти фаолиятининг натижаларидан фойдаланиш масаласига ўта жиддий ва катта масъулият билан ёндашган ҳолда, ҳамкорлик қилишга тайёр эканлиги маълум қилинди³.

Олий Мажлис Конунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори, академик А. Саидов Ёшлар парламентининг асосий йўналишлари ҳамда вазифалари ҳақида тўхталиб ўтар экан, парламентаризм анъаналарини сақлаган ҳолда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони (<https://lex.uz/docs/4751561>).

² Гукова И.Н. Роль молодежного парламентаризма в развитии общественно-политической активности современной российской молодежи // Научные ведомости. Серия История. Политология. Экономика. Информатика. – 2014. – № 1. Выпуск 29. – Белгород, 2014. – С. 169.

³ <https://parliament.gov.uz/uz/events/other/31723>.

ни ҳимоя қилишга оид конун ҳужжатларини такомиллаштириш, конун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммоларини ёшлар иштирокида муҳокама қилиш лозимлигига алоҳида этибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Ёшларнинг парламент фаолияти ва конун ижодкорлигининг барча босқичларидан хабардорлигини ошириш, ушбу жараёнда кечадиган янги ва устувор йўналишларни белгилашда ёшларнинг фаоллигини ошириш, алаокибат ёшларнинг сиёсий билимларини ошириш ҳамда уларда ватанпарварлик руҳини кучайтириш Ёшлар парламентини ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳисобланади¹.

Ёшлар парламентининг умумий аъзолари сони 250 нафар бўлиб, шундан 204 нафари Республиканинг 204 та туман-шахридан сайланди, колган 46 таси эса, Ёшлар парламентининг Республика комиссияси тавсияси асосида таркибга киритилди.

17 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ва раҳбарияти билан Ёшлар парламенти аъзолари ўртасида бўлиб ўтган учрашувдан сўнг Ёшлар парламентининг 250 нафар аъзолари Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутатларига бирма бир бириктирилиб, база шакллантирилди. Бугунги кунда ҳудудий кесимларда устоз-шогирд анъанаси асосида депутатлар билан фаолият олиб борилмоқда.

Парламент ҳаётига ёшларни мунтазам жалб қилиш, уларнинг таклиф ва фикрларини тўсиқларсиз ҳамда қулай шароитларда олиш мақсадида Телеграм ижтимоий тармоғида “@Yoshlar_parlamenti_matbuotbot” саҳифаси ишга туширилган. Мазкур саҳифага бугунга қадар 500 га яқин саволлар келиб тушган бўлиб, асосан Ёшлар парламенти аъзолик масаласи ва ҳуқуқий соҳага оид саволлар ва таклифлардир. Шу билан бир қаторда, мурожаатлар мазмунини Ёшлар парламентининг ижтимоий тармоқлари орқали ёритиб бориш тизими ҳам йўлга қўйилди.

Бугунги кунга қадар Ёшлар парламенти аъзолари томонидан юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга қўмакчи бўлиш йўлида бир қатор ишлар бажарилди.

Биринчидан, дунё бўйича 1000 дан зиёд иштирокчи қатнашган инсон ҳуқуқларига оид Самарқанд веб-форумида². Ёшлар парламенти аъзолари ҳам, ўз навбатида, Ёшлар ҳуқуқларига оид халқаро конвенция лойиҳасига дунё ёшларининг тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро ўзаро англашув ва ҳамкорлик руҳида тарбияланиш, ёшларнинг фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш, илмий-техника тараққиётини ривожлантиришда иштирок этиш, соғлиқни муҳофаза қилиш, ижтимоий таъминотга эга бўлиш ҳуқуқларини киритиш бўйича таклифлар билан чиқди. Яқунда қабул қилинган “Ёшлар–2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” номли Самарқанд резолюциясида³ мазкур таклифлар ўз аксини топди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори лойиҳаси юзасидан 4 банддан иборат асослан-тирилган ва хорижий тажриба асосида шакллантирилган таклифлар тайёрланиб, Ёшлар ишлари агентлигига тақдим этилди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020–2025 йилларга мўлжалланган китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури тўғрисида”ги қарори⁴ лойиҳасининг 2020–2021 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”га таклифлар тақдим этилди.

¹ <http://www.isrs.uz/uz/uzbekiston-yangiliklari/uzbekistonda-eslar-parlamenti-taskil-etiladi>

² <https://yuz.uz/news/inson-huquqlari-boyicha-samarqand-forumi-yoshlar-huquqlari-togrisidagi-xalqaro-konventsiya-loyihasi-muhokamada>

³ <https://uza.uz/uz/posts/samar-and-rezolyutsiyasi-arorlar-abul-ilish-zharayenida-yesh-13-08-2020>

⁴ <https://www.lex.uz/docs/5160827>

Тўртинчидан, маҳаллий миқёсдаги, хусусан, Олий Мажлиснинг Ёшлар масаласи бўйича комиссияси, Ўзбекистон миллий университетлари билан 10 банддан иборат ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Ўзбекистон миллий университетининг 55 нафар талабалари орасидан университет миқёсида Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг модели ташкил этилиб, ўқувчилар билан ҳамкорлик алоқаси йўлга қўйилди. Бу борада илғор хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, АҚШ, Буюк Британия каби давлатларнинг нуфузли ОТМларида клублар, тўғараклар, моделлар сифатида норасмий Ёшлар парламентлари фаолият юритиб, улар асосан талабаларнинг нотиклик, мунозараларга кириша олиш ва сиёсий қарашларини ўстириш каби мақсадда ташкил этилади.

Шунингдек, айни кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси, Тошкент давлат юридик университети, Андижон давлат университетлари билан ҳамкорлик меморандумларини имзолаш мақсадида ишлар олиб борилмоқда.

Бешинчидан, Республикамиз 204 та туман ва шаҳарларидаги Ёшлар парламенти аъзолари август ойидан бошлаб маҳаллий Кенгашларнинг сессияларида жонли тарзда иштирок этиб, ўз таклифлари орқали жамоатчилик назоратини амалга ошириб қолмоқда. Худудлардаги фаолият давомида депутатлар ва Ёшлар парламенти аъзолари ҳамкорлигида турли соҳага оид (асосан ҳўжалик ва маиший) 100 га яқин масалалар ҳал этилди ва юқори турувчи ташкилотларга бу хусусида хабар берилди. Вилоятлар кесимида қонунчилик ва норма ижодкорлигига оид 500 га яқин тарғибот ишлари амалга оширилди.

Жорий йилнинг декабрь ойидан бошлаб вилоятлар кесимидаги Ёшлар парламенти аъзолари билан вилоятлар ҳудудида жонли мулоқотни ташкил этиш орқали худудлар кесимидаги ишлар қўламини кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда вилоятлар кесимида ташкил этилган штабларда “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”ни шакллантиришда Ёшлар парламенти аъзолари қатнашишди.

Олтинчидан, 2020 йилнинг 26–29 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоларининг биринчи Республика форуми Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Адлия вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида ўтказилди¹.

Ёшлар парламенти аъзоларининг биринчи Республика форуми якунлари бўйича қуйидаги натижаларга эришилди. Жумладан:

а) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти фаолиятига доир ташкилий масалалар, ички норматив ҳужжатлар қўриб чиқилди ҳамда тасдиқланди;

б) Ёшлар парламентининг 2021 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси қўриб чиқилиб, муҳокамага қўйилди;

в) Ёшлар парламенти аъзоларининг билим, қўника ва маҳоратлари мустаҳкамланди ҳамда профессионал депутатлар иштирокида маҳорат дарслари ташкил қилинди;

г) Форум доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат арбоблари иштирокида турли хил мавзуларда туркум учрашувлар, Ёшлар парламенти аъзоларининг ялпи мажлиси ҳамда истиқболдаги режаларга бағишланган муҳокамалар ташкил этилди.

¹ <https://www.adolat.uz/yoshlar-kanoti/yoshlar-uchinchi-renessans-drajverlari>

Форумда Ёшлар парламенти аъзоларининг 200 нафари Тошкент шаҳрида, шунингдек 50 нафари эса ҳудудлардан туриб онлайн равишда иштирок этди.

Шунингдек, бу борада Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходимлари билан 2020 йилнинг 10 декабрь санасида Ёшлар парламенти аъзоларининг жонли савол-жавоби бўлиб ўтди ва унда Агентлик билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ёшлар парламентининг юқоридаги масалалар бўйича фаоллигини янада ошириш, унинг фаолиятини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилди:

1. Ёшлар парламенти аъзоларини Қонунчилик палатаси депутатларига бириктириш орқали уларда “ҳақиқий халқ ноиби” фазилатларини шакллантириш, шунингдек депутатлар билан биргаликда округларда аҳоли муаммоларини ўрганиш амалиётини жорий қилиш.

2. Олий Мажлис палаталари мажлисларида Ёшлар парламенти томонидан муайян қонун лойиҳаси бўйича ишлаб чиқилган таклифларни кўриб чиқиш амалиётини жорий қилиш.

3. Юртимиз ёшларидан қонунчиликка таклифлар олиш имкониятларини янада кенгайтириш ва Ёшлар парламентининг мамлакатимиз ёшлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг фикр ва таклифларини қонун ижодкорлиги жараёнида муҳокама қилинишини таъминлаш мақсадида Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг мобиль иловасини ишга тушириш.

4. 2021 йил куз ойига келиб Марказий Осиё Республикаларидаги ёшларни янада бирлаштириш ва ёшлар орасида ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Ёшлар парламенти аъзоларининг Марказий Осиё форумини ўтказиш.

Хулоса қилиб айтганда, ташкил этилган Ёшлар парламенти фаолиятини қўллаб-қувватлашни давом эттириш давлатнинг ёшларга оид сиёсатининг мантиқий давоми сифатида тушунишимиз мумкин. Юқорида келтирилган таклифларнинг амалиётга жорий этилиши қонун ижодкорлиги жараёнида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлашга, ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг ёшлар манфаатлари нуқтаи назаридан такомиллаштирилишига, Олий Мажлис палаталари фаолияти учун муҳим кадрлар захирасини етишиб чиқишига, шунингдек ёшларнинг соҳа бўйича ахборот-таҳлилий кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ёшларнинг гендер тенглигини таъминлаш ва Барқарор ривожланиш мақсадлари

Аннотация. Мақолада Барқарор ривожланиш мақсадлари, Ўзбекистонда амалга оширилаётган гендер ислохотлари ва уларнинг истиқболлари, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг аҳамияти ёритиб ўтилган, ечимини кутаётган муаммолар таҳлил қилинган ва уларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинган.

Калим сўз: Барқарор ривожланиш мақсадлари, ҳуқуқ, гендер, тенг ҳуқуқлилик, хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар.

Abstract. The article focuses on the Sustainable Development Goals, highlights gender reforms in Uzbekistan and their perspectives, adopted legal acts and their essence, analyses existing problems and suggests options to solve them.

Key words: Sustainable Development Goals, law, gender, equality, equal rights and opportunities for women and men

Аннотация. В статье рассматриваются Цели устойчивого развития, освещены гендерные реформы в Узбекистане и их перспективы, принятые нормативно-правовые акты и их значение, проанализированы проблемы, ожидающие свое решение и предложены пути их решения.

Ключевые слова: Цели в области устойчивого развития, право, гендер, равноправие, равные права и возможности для женщин и мужчин.

Жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий барқарорлиги ёшларга ва оилага бўлган муносабат ва эътиборга узвий боғлиқ. Юртимизда ёш хотин-қизларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, уларни замонавий билим, соғлом ва мустаҳкам оила қуришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, гендер тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тенг ҳимоя қилиш, ёш оналар соғлиғини мустаҳкамлаш ҳамда уларга муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашда тенг имконият яратиш, сиёсий майдонда тенг иштирокини таъминлаш каби масалалар давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган ва бу масалаларда кенг қўллади комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кундаги ислохотлар демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг тамал тошини қўйган, кучли фукаролик жамияти такомиллаштиришни мақсад қилган. Асл демократиянинг моҳияти ҳам шундаки, у барча инсонларга, шу билан бирга, ҳар бир шахсга унинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, давлат томонидан тенг ҳуқуқлар ва эркинликлар билан бирга тенг имкониятларни тақдим этади, ҳуқуқлар тенглиги ҳимояси кафолатланади. Демократиянинг асосини ҳам аслида тенглик ташкил қилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 2015 йил сентябрдаги 70-сон резолюциясига асосан ишлаб чиқилган дастур – БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадлари бу – ҳар бир инсон учун фаровон турмуш тарзини яратишга хизмат қилувчи иқтисодий, ижтимоий, экологик кўрсаткичларни ўз ичига олади. Мазкур мақсадлар БМТга аъзо барча давлатлар томонидан 2015–2030 йилларда амалга оширилиши кун тартибига киритилган.

БМТ дастури 17 йўналишдаги глобал мақсадни ишлаб чиқди ҳамда улар билан боғлиқ 169 та вазифани ўз ичига олди. Булар: 1) қашшоқликни йўқотиш;

2) очликни тугатиш; 3) соғлик ва фаровонлик; 4) сифатли таълим; 5) гендер тенглиги; 6) тоза сув ва санитария; 7) арзон ва тоза энергия; 8) муносиб иш ўринлари яратиш ва иктисодий ўсиш; 9) саноатлаштириш, инновациялар, инфратузилма; 10) тенгсизликни камайтириш; 11) барқарор шаҳарлар ва қулай яшаш жойларини яратиш; 12) масъулиятли истеъмол ва ишлаб чиқариш; 13) иқлим ўзгаришига қарши курашиш; 14) денгиз экотизимларини асраш; 15) қуруқликдаги экотизимларни асраш; 16) тинчлик, адолат ва самарали бошқарув; 17) барқарор ривожланиш йўлида ҳамкорлик.

Ўзбекистон мазкур мақсадлардан 16 тасини миллийлаштириш ва амалга ошириш вазифасини ўз олдига қўйган. Республика ҳудудида денгиз ҳавзалари мавжуд бўлмагани боис, 14-мақсад (денгиз экотизимларини асраш) Ўзбекистон томонидан миллийлаштирилмаган¹.

Ўзбекистонда БРМ ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасида миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди². Қарорга асосан миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолият олиб бормоқда. Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди. Ҳозирда камбағалликни камайтириш, даромад тенгсизлигини бартараф этиш, самарали бандликни ошириш ҳамда эркак ва хотин-кизларни муносиб иш билан таъминлаш учун қонуний асосларни яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш долзарб вазифаларимиздан бўлиб турибди. Бунинг учун назаримизда “Яшаш минимуми тўғрисида”ги, “Минимал ижтимоий стандартлар тўғрисида”ги қонунларни қабул қилишимиз лозим. Сабаби БРМ мақсадлари бизнинг миллий манфаатларимизга, мамлакатимизнинг стратегик вазифаларига тўлиқ ҳамохангдир.

“Ўзбекистон БМТнинг Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро шартномаларнинг мақсад ва тамойилларига содиқ ҳамда ўз зиммализга олган мажбуриятларимизни оғишмасдан бажариб келмоқдамиз. Бу биз амалга ошираётган, 2017–2021 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар стратегиясининг энг муҳим йўналишларидан биридир”, дея таъкидлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон ва БМТ: Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги ҳамкорлик” деб номланган “БМТ 75 ёшда: келажакка нигоҳ” мавзuidaги туркум глобал мунозаралар доирасидаги анжуманда³.

Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича Миллий индикаторлар ҳаётга самарали тадбиқ этилмоқда. Мамлакатимиз Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича ўзининг илк Ихтиёрий миллий шарҳини кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиб, БМТ Иктисодий ва Ижтимоий кенгашига тақдим этди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Жамиятимизда тинчлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва

¹ Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича илк марта кенг миқёсли таҳлил ўтказди // http://daryo-uz.com/crp/UzbekistonBarqarorrivojlanismaksadlaribujicaiklmartakengmikeslitahlilutkazadi_crp.

² “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасида миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ЎР ВМ 841-сон қарори 20.10.2018. <https://lex.uz/docs/4013356>.

³ Ўзбекистон ва БМТ: Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида ҳамкорлик // <http://uzbekistan-geneva.ch/v-zbekiston-va-bmt-bar%D2%9Baror-rivozhlanish-ma%D2%9Bsadlariga-erishish-jv.html>.

баркамол этиб вояга етказишда бекиёс ўрин тутадиган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги нуфузини янада оширишимиз зарур. Улар учун муносиб шарт-шароитлар, янги иш ўринлари яратиш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш бундан кейин ҳам муҳим вазифа ҳисобланади”¹ деб таъкидлаганларини айтиб ўтиш ўринлидир.

Кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижаси Ўзбекистон Республикасида гендер тенглик борасида ижобий натижаларга эришилаётганини эътироф этиш лозим. Айниқса парламентдаги аёллар ўрни борасида эришилган ютуқларга нафакат юртимизда балки, жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам юқори баҳо берилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Зеро, БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш таъкидлаганидек, “Қаердаки сиёсий ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаол иштирок этаётган бўлса, ўша жойда иқтисодиёт ўсмоқда, барқарорлик мустаҳкамланмоқда ва фуқароларнинг фаровонлиги юксалмоқда”.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан яқка тартибда иш олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш масалаларини тизимли, босқичма-босқич ечиш тенденцияси БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари²нинг асосий принципи бўлган “Ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги керак” принципини Ўзбекистонда амалда ижросини таъминланаётганлигини кўрсатади.

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалардан барча жойларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш ва қашшоқликни йўқотиш, умумқамровли ва адолатли, сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш ва гендер тенглиги масалаларига эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони (18 февраль ҳолатига кўра) 34 002 873 кишини ташкил этди. Ўзбекистон аҳолисининг 17 093 244 нафарини эркаклар, 16 909 626 нафарини эса аёллар ташкил қилади³. Бу ички резерв, катта куч ва инсон капитали демакдир.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 83.

² БМТ Барқарор Ривожланиш Мақсадлари. // <https://www.un.org/ru>.

³ Ўзбекистон аҳолиси: аёллар кўпроқми ёки эркаклар? // <https://sof.uz/post/ozbekiston-aholisi-ayollar-koproqmi-yoki-erkaklar>.

Биз бугунги кунда, назаримизда хотин-қизларимизни олий таълимдаги улушни оширишга эътиборимизни кучайтиришимиз лозим. 2019–2020 ўқув йили бошига ОТМнинг талабалар тўғрисидаги маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу соҳада ижобий кўрсаткичлар қайд этилганини кузатишимиз мумкин. Республика бўйича олий таълимдаги талабаларнинг умумий сони 440991 нафарни ташкил этган бўлиб, шундан 202537 нафарини (46 %) хотин-қизлар ташкил этди. Ваҳоланки, 2014–2015 ўқув йилида эса бу кўрсаткич 38% ташкил этган эди. Вилоятлар кесимида кузатадиган бўлсак, хотин-қизлар улуши Навоий вилоятида – 60% дан, Сирдарё вилоятида – 56%дан, Сурхондарё вилоятида – 55% ортиқни, Хоразм ва Фарғона вилоятларида эса 54% ни ташкил этмоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски, хотин-қизлар эркакларга нисбатан кам ҳақ тўланадиган касб ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритади. Уларнинг моддий ва маънавий қарамлиги, даромаддаги тенгсизлик тегишли равишда кам таъминланганлик билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Хотин-қизлар томонидан танланган касбларини барча ўринларда ҳам ихтиёрий деб бўлмайди. Олий таълимда хотин-қизлар улушининг ошгани кузатилсада, меҳнат бозорида ҳозирги кунгача сақланиб қолаётган “аёлларга хос” ва “эркакларга хос касб” мутахассисликларда аниқ гендер асимметрияси сақланиб қолмоқда, яъни аёлларнинг таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар, санъат ва маданиятда, эркакларнинг эса қурилиш, молия, транспорт, алоқа, ҳуқуқшунослик, саноатда баланд ҳақ тўланадиган секторларда кўпчилиқни ташкил этаётганлигини кузатамиз.

Назаримизда, кўшимча тадбирларни амалга оширишни айнан ушбу йўналишлардаги ОТМда хотин-қизлар улушини ошириш; сиртки, кечки ва масофавий таълим олишга кенг йўл очиш; ногирон, ижтимоий қўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оила қизларига аҳолида турдаги кўшимча квота ажратиш; хотин-қизлар кам таълим олаётган ОТМга жалб этишда ОАВдан фойдаланиб тарғибот ишларини амалга ошириш; истеъдодли қизларни давлат гранти асосида ўқишни амалга оширишда кўшимча квоталар ажратишни ташкиллаштириш; ўқишни имтиёзли тамомлаган хотин-қизларни иш билан таъминлашни ОТМ томонидан таъминлаш; ўрта махсус, касб-хунар ҳамда кўшимча таълимда янги касб ва мутахассисликни эгаллашда, хунар ўргатишда давлат гранти улушини кўпайтириш, хусусий секторда текин ёки арзон ҳамда сифатли (ҳақ эвазига касбга ўргатиш ҳозирги кунда асосан МЧЖлар ҳиссасига тўғри келмоқда) касб эгаллашга қўмаклашиш; ногирон, ижтимоий қўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларга квота ажраш; ушбу амалиётни қўллаган МЧЖга солиқни камайтириш ёки бошқа турдаги имтиёзларни тақдим этиш имкониятларини ҳисобга олиб, масофавий, таълимдан ёки асосий ишдан ажралмаган ҳолда меҳнат қилиш билан бир каторда, касб ўрганиш, янги соҳаларни ўзлаштиришга имконият яратиш лозим.

Дарҳақиқат, олий таълимда ўқиш хотин-қизларнинг эркаклар билан меҳнат бозорида рақобатга кириша олишига имкон беради, оила бюджетига ўз ҳиссасини қўшишига хизмат қилади, бу эса аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пайсантириш ҳамда қашшоқликни йўқотишга хизмат қилади.

Инсониятнинг жамиятда тенглиқни таъминлашга бўлган интилиши билан мутлақ тенгликка эришиш имкони йўқ. “Шунга қарамай, идеал жамият яратиш йўлидаги кўплаб уринишлар воқеликка жорий этилмай қолди. Жамиятнинг муқаррар равишда табақаланиш жараёни барча фуқароларнинг тенглигига доир ҳолатларнинг ва

уринишларнинг барбод бўлишига олиб келган. Барча замонавий демократик давлатларнинг конституцияларида “барча одамларнинг тенглиги” ҳақида модда мавжуд бўлгани ҳолда амалда тенгликка эришиш йўли мураккаб ва давомлидир. Одамларнинг ҳар қандай замонавий фаолияти иерархия, расмий ва норасмий гуруҳлар, мавкелар, етакчиларнинг табиий равишда пайдо бўлиши билан бирга давом этади, оқибат натижада тенгсизлик вужудга келиши учун қулай шарт-шароитлар пайдо бўлади”¹.

Хотин-кизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги – ҳуқуқларнинг тенглиги ва амалда ҳуқуқларни рўёбга оширишда жамият ва давлатнинг барча соҳаларида уларга тенг имкониятлар яратилиши билан изоҳланади. Хотин-кизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги – инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг тенглиги тамойилларига асосланиши лозим.

Кейинги йилларда хотин-кизларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, қонунчилик ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини кучайтириш, қарорлар қабул қилиш даражасидаги мавкеини эгаллашига қаратилган қўллаб-қувватлаш масалаларида сезиларли амалий ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда хотин-кизлар ва эркаклар ўртасида тенгликни мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда, қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда, мавжудларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Юқоридагилардан ҳулоса қилиш мумкинки, юртимизда хотин-кизлар ва эркаклар тенглигини таъминлаш борасидаги муаммоларнинг ҳуқуқий ечимлари ишлаб чиқилган. Бу борада жами 26 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Аммо хотин-кизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш борасида қанчалик катта қийинчиликлар бўлиши ҳақида аниқроқ ахборот бериш лозим. Бу борада хотин-кизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш борасида қанчалик катта қийинчиликлар бўлиши ҳақида аниқроқ ахборот бериш лозим. Бу борада хотин-кизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш борасида қанчалик катта қийинчиликлар бўлиши ҳақида аниқроқ ахборот бериш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан аёлнинг жамиятдаги роли ва ҳолатини оширишга қаратилган асосий вазифалар белгиланди. Биринчидан, хотин-кизларни парламент ва ҳудудий вакиллик органларида иштирокини таъминлаш, қонун лойиҳаларини тайёрлашда ва давлат бюджетини шакллантиришда уларнинг фикрларини инобатга олиш; иккинчидан, парламентнинг юқори палатасида гендер тенглик масалалари бўйича ишчи орган ташкил этиш; учинчидан, гендер тенглик бўйича қонунчиликни такомиллаштириш; тўртинчидан, хотин-кизлар ҳуқуқларини таъминлашда аёллар ННТларининг ролини ошириш².

Гендер муносабатларнинг самарали ҳал этилиши мамлакат тараққиётини таъминлашда, унинг халқаро муносабатларида обрўсини янада юқори бўлишига хизмат қилади. Ёш хотин-кизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий қамқовлиги ижтимоий тенгсизлик ва зўравонликларнинг қурбонига айланишига сабаб бўлади.

¹ Алимжонов Д. Инсон ривожланиши концепциясининг вужудга келиши ва моҳияти // Гендер муносабатлари назарияси ва амалиётига кириш. Т., 2007. Б. 13.

² CEDAW/C/UZB/6 // <https://undocs.org>.

Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни демократлаштириш, давлат ва жамият бошқарувида аёлларга муносиб ўрин ажратиш жараёнлари янгича ёндашувларни талаб қилади.

Олий таълим муассасаларида Гендер тенгликни таъминлаш бўйича жаҳон тажрибаси, натижалари унинг афзалликлари ва камчиликлари, аҳамияти тўғрисида курслар ташкил қилиш лозим.

Давлат ва жамият бошқарувининг барча соҳаларида гендер сиёсатни таъминлаш ва унинг афзалликларини кенг тарғиб қилиш гендер тенгликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Гендер мувозанатни таъминлаш орқали фаровонликка эришиш мумкин. Жамоатчиликнинг аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари, давлатнинг қўллаб-қувватлаши гендер тенгликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Давлат бошқаруви соҳасида олиб борилаётган демократик ислохотлар жараёнида хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида тенгликни таъминлашга қаратилган меъёр ва нормаларга эътибор қаратиш, хотин-қизлар мақомини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ислохотларнинг ажралмас қисми бўлиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Гендер муносабатлардаги муаммоларни ҳал этиш давлат ва жамиятнинг демократик талаблар асосида ривожланишига хизмат қилади. Жамиятда гендер муносабатларни шакллантириш жараёнларида мамлакатнинг ижтимоий, тарихий тажрибасига таяниш ҳамда давлат бошқарувининг демократик талабларига асосланиш лозим.

Реализация политических прав и свобод молодежи в Республике Узбекистан

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда ёшларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалга оширилиши борасидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш мақсадида давлат томонидан қўйилаётган қадамлар келтирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси сиёсий ҳаётидаги ёшлар иштирокининг аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: ёшлар сиёсати, сиёсий ҳуқуқлар, дискриминация, инсон ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқлари Конвенцияси, ижтимоий иштирок.

Annotation. This article describes the problems in the implementation of the political rights and freedoms of youth in Uzbekistan and the measures taken by the state to eliminate them. The importance of youth participation in the political system of the Republic of Uzbekistan is also highlighted.

Keywords: youth policy, political rights, discrimination, human rights, Human Rights Convention, social participation.

Аннотация. В статье приведены проблемы реализации политических прав и свобод молодежи в Узбекистане и меры, предпринимаемые государством для их устранения. Также освещено значение участия молодежи в политическом устройстве Республики Узбекистан.

Ключевые слова: молодежная политика, политические права, дискриминация, права человека, Конвенция прав человека, социальное участие.

На сегодняшний день регулирование молодежной политики обусловлено требованием времени. Устойчивое социально-экономическое развитие любого государства, обеспечение мира и спокойствия, устранения насилия и конфликтов в нем, всецело зависит от соблюдения политических прав и свобод молодежи, ибо будущее каждой страны в руках сегодняшней молодежи.

Молодые люди сталкиваются с дискриминацией и препятствиями в пользовании правами по причине своего возраста, что ограничивает их возможности. Таким образом, права молодежи подразумевают то, что молодые люди должны иметь возможность полностью осуществлять свои основные права и свободы. Поощрение этих прав помогает устранять конкретные трудности и препятствия, с которыми они сталкиваются¹.

Нынешнее поколение молодежи – самое многочисленное в истории человечества². В настоящее время среди населения мира насчитывается 1,8 млрд юношей и девушек, что является рекордным показателем численности молодежи за всю историю человечества. Такая демографическая ситуация открывает беспрецедентные возможности для социально-экономического прогресса. В то же время потенциал многих представителей молодежи подрывается вследствие нарушений их основных прав.

¹ <https://www.ohchr.org/RU/Issues/Youth/Pages/YouthandHR.aspx>.

² Согласованного определения термина «молодежь» не существует. Организация Объединенных Наций традиционно использует возрастной диапазон от 15 до 24 лет, однако в его использовании нет последовательности. Например, Совет Безопасности определяет «молодежь» в пределах 18–29 лет, другие органы используют возрастной диапазон от 10 до 24 или от 15 до 32 лет. Отсутствие единообразия может стать источником проблем, тем более что вызовы, стоящие перед лицами десятилетнего возраста, отличны от тех, с которыми сталкиваются лица в возрасте 29 лет.

Большая доля численности в Республике Узбекистан приходится на молодых людей в возрасте до 30 лет, которые составляют 60 % населения. В связи с этим, молодежная политика является приоритетным направлением государственной деятельности Республики Узбекистан в целях создания социально-экономических, правовых, организационных условий и гарантий для социального становления и развития молодежи, раскрытия ее творческого потенциала в интересах всего общества.

Учитывая, что сейчас как в Узбекистане, так и во всем мире, молодежь имеет более глобальные возможности, чем когда-либо было, благодаря современным технологиям и средствам связи, следует отметить, что некоторые из них на сегодняшний день являются лидерами мнений, примером, и своего рода, катализатором общественного настроения. Следовательно, у молодежи должна быть возможность влиять на формирование политики, принятие государственных решений особенно в таких ключевых областях, как: социальная защита, образование, культура, спорт, развитие предпринимательства и создание новых рабочих мест.

Хотя с развитием онлайн ресурсов и социальных сетей, молодежь все чаще стала проявлять политическую инициативу, гражданскую позицию и свою точку зрения на тот или иной вопрос, но официального участия в социально – экономическом и политическом строе страны, таких как партии или парламент, не наблюдается. Также следует отметить, что на сегодняшний день очень редко можно встретить политического лидера моложе 35 лет.

Участие молодежи и ее представленность в институциональных политических процессах и политике находятся на более низком уровне по сравнению с другими слоями населения. Разрыв между молодежью и избирательной политикой может приводить к тому, что ее проблемы оказываются отодвинуты политическими организациями и директивными органами на задний план, в том числе в области трудовых отношений, что может еще более усугубить неудовлетворенность и разочарование молодых людей. Кроме того, недопредставленность этой группы в институциональных политических органах, например в парламенте, ослабляет легитимность таких демократических институтов¹.

За последние несколько лет Узбекистану удалось сделать шаги для обеспечения участия молодежи в жизни страны, расширения их социально-экономических возможностей.

12–13 августа 2020 года состоялся Самаркандский веб-форум по правам человека, на котором была принята резолюция «Молодежь 2020: глобальная солидарность, устойчивое развитие и права человека». Данный документ подчеркивает важную роль, которую молодежь может играть в продвижении мира и безопасности, устойчивого развития, прав человека, а также важность активного, содержательного и инклюзивного участия молодежи в процессе принятия решений.

Самаркандская резолюция также содержит ряд рекомендаций на международном уровне, в том числе: работать совместно по решению конкретных проблем, с которыми сталкиваются молодые люди, путем формулирования и поощрения их прав в рамках Международной конвенции о правах молодежи.

¹ <https://www.ohchr.org/RU/Issues/Youth/Pages/YouthRightToWork.aspx>.

В итоговом документе Самаркандского форума также содержится ряд призывов к государствам, в том числе:

- признать, что участие и представленность молодежи в институциональных политических процессах и разработке политики являются низкими по сравнению с другими возрастными группами и что **молодежь непропорционально представлена в политических институтах**, таких как парламент, политические партии и государственные администрации;
- обеспечить доступ молодежи к надежным и информационно-коммуникационным технологиям для преодоления цифрового разрыва, а также содействовать сотрудничеству в разработке инновационных и устойчивых решений в области науки, техники и государственной политики;
- принять к сведению **инициативу Узбекистана по принятию Генеральной ассамблеей ООН новой Конвенции о правах молодежи**.

Необходимо отметить, что среди ключевых аспектов документа – обеспечение гендерного равенства, защита прав юных девушек, а также повышение уровня и качества образования, в том числе правового.

Важно подчеркнуть, что помимо активного участия в разработке международных норм по защите прав молодежи, совершенствование механизмов действия молодежной политики стало одним из ключевых направлений в нашей стране. Молодые люди проявляют интерес к участию в решении важных государственных вопросов, поощряются их инициативы, и создаются условия для самореализации и повышения уровня знаний.

С этой целью созданы Союз молодежи Узбекистана, в составе которого более 7,6 млн. участников, Агентство по делам молодежи, а также Молодежный парламент, первое заседание которого состоялось недавно.

По итогам проведения выборов 2019 года 6 процентов депутатов Законодательной палаты Олий Мажлиса представлены молодежью, из числа депутатов местных Кенгашей 10 процентов в возрасте до 30 лет, в то время как в мире этот показатель составляет порядка 2 процента.

Ҳуқуқий жамиятимиздаги мақсадли таълим натижасининг акси етук ёшларимизда

Аннотация. Мақолада эҳтимоллик назарияси ва математик статистиканинг муҳимлиги ҳамда унинг ҳуқуқда қўлланилиши таъкидланган. Муаллифлар ушбу назариянинг амалиётда қўлланилишини янада аниқроқ ўрганиш учун инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий маданият каби тушунчаларни кўриб чиқишган.

Калит сўзлар: эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, элементар ҳодиса, юридик билим, ёшларнинг ватанпарварлиги, ҳуқуқ, ҳуқуқий маданият.

Abstract. The importance of probability theory concepts such as the protection of human rights, and legal culture are considered to demonstrate the application of this theory in practice.

Keywords: probability theory and mathematical statistics, elementary phenomena, legal knowledge, youth patriotism,.

Аннотация. В статье отмечается важность теории вероятностей и математической статистики и применение ее в праве. Для более подробного изучения применения этой теории на практике авторы статьи рассмотрели такие понятия как защита прав человека и правовая культура.

Ключевые слова: Теория вероятностей и математической статистики, элементарные события, юридические знания, молодежный патриотизм, право, правовая культура.

Ўсиб келаётган ёш авлодларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашимизда буюк аждодларимизнинг бой маънавий-ахлоқий, моддий-маданий ва илмий меросини чуқур ўрганиш, уларни ёшларимиз онгига сингдириш она-Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббат, аждодларимиз билан ғурурланиш туйғусини шакллантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, давлатимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масалалари ҳар доим долзарб аҳамият касб этиб келган. Бугунги кунда катта умид, орзу-мақсадлар билан Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман, деб белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган, азму шижоатли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барчамизнинг нафакат вазифамиз, балки бурчимизга айланиши керак.

Янги авлодни тарбиялаш – халқни тарбиялаш деганидир. Бу борада ҳар бир таълим муассасасида билим олаётган, юртимизнинг эртанги қуни учун муносиб хизмат қиладиган, ақли, доно ва ҳар томонлама етук ёшларимиз онгида ватанпарварлик туйғуларини янада чуқурроқ сингдирилиши, албатта, келажакда ўз мевасини беради.

Ҳозирги замон ёшлари олдидаги талабларини бажариш изчиллик билан амалга оширилаётган даврда тингловчилар тафаккурини юқори даражада ривожлантириш, уларнинг дунёкарашини юксалтириш, ҳуқуқий фанлар каторида математика фанини чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Давлат таълим стандартларининг босқичма-босқич амалга оширилишида турли мутахассисликлар бўйича юқори ма-лакали кадрлар тайёрлашда бу фанларга катта аҳамият берилган.

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фани математиканинг тасодифий тажрибалар натижаларини қайта ишлашнинг математик усулларига бағишланган бўлиmdir. Биз тасодифий тажриба деганда натижасини олдиндан айтиб бўлмайдиган ихтиёрый ҳуқуқий ҳодиса, яъни тасодифиятга боғлиқ бўлган ҳаракатлар мажмуасини тушунамиз. Маълумки, эҳтимоллар назарияси тасодифий жараёнларнинг математик моделини ўрганади. Агар бу модел тўғри танланган бўлса, биз у ёки бу тасодифий ҳодиса эҳтимолини ҳисоблай оламиз ва эҳтимолларнинг турғунлик хоссасига асосланган ҳолда бу ҳодисаларнинг рўй бериш саноғини тақрибан айта оламиз. Математик статистика алоҳида соҳа сифатида ўрганилса-да, унинг асосий усуллари эҳтимоллар назарияси доирасида колаверади. Бунинг сабаби шундаки, математик статистика масалалари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, маълум маънода эҳтимоллар назарияси масалаларига тескаридир. Агар биз эҳтимоллар назариясида тасодифий жараёнлар модели маълум деб ҳисоблаган ҳолда, шу жараёнлар ҳақида маълум хулосалар қилсак, математик статистикада эса аксинча, қандайдир тасодифий ҳодисаларнинг сонли характерга эга бўлган статистик маълумотларига асосланган ҳолда тегишли эҳтимоллик моделини танлаймиз. Демак, математик статистика тасодифий тажрибаларни ўрганиш нуктаи назаридан қаралганда, эҳтимоллар назариясини тескари масалалари билан шуғулланар экан¹.

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика тасодифий ҳодисаларнинг асосий тушунчаларини тингловчиларга иложи борица содда ва киска қилиб етказиш, содда мисоллар ёрдамида назариянинг моҳиятини тез англаб олишга ҳамда келажак фаолиятида улардан фойдалана олиш қобилиятларини ўстиришга ёрдам беради.

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистиканинг бошқа фанлардан фарқлантирувчи хусусияти шундан иборатки, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика объектив ҳуқуқий борлиқни ўрганиш билан бир вақтда ўрганилаётган воқеа ва предметларнинг аниқ мазмунидан, моддий дунёнинг энг умумий томонларига тегишли бўлмаган, унинг миқдорий томонларига ҳамда фазовий шакл ва муносабатларига тегишли бўлмаган ҳамма нарсага нисбатан абстракцияланади. Фаннинг буюк кучи, яъни тушунчаларнинг абстрактлиги ва умумийлигидадир, бошқа ўқув фанлари билан бир томонлама қўлаб боғланишлар, муносабатлар ўрнатиш имкониятлари ана шундадир².

Бундай боғланишларни ўрнатишда умумий фактларни, яъни сон ҳақидаги, арифметик амаллар, геометрик фигуралар, миқдорлар, шакллар ҳақидаги тасаввурлар ва элементар тушунчалар, ҳар хил малака ва қўникмалар, фаолият турлари, ўқитишнинг форма ва методларини асос қилиб олиш мумкин.

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистикани ўрганиш жараёнида, энг аввало, тингловчилар назарий билимлари системасини, шунингдек уларда ҳисоблаш, ўлчаш ва график қўникмаларнинг аниқ системасини эгаллашлари керак, бошқача айтганда, бу система энг содда амалларни бажаришдан иборат бўлиб, қўп марта такрорлаш ҳисобига автоматизмга етказилади. Бу вазифани етарлича баҳоламаслик амалда тингловчилар билимларининг пасайишига олиб келади.

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фани орқали тингловчилар билимларини онгли эгаллашларини ҳамда етарлича юқори даражада умумлаштиришларини таъминлаши зарур, шунингдек тингловчилар имкони борица мустақил

¹ Воробьев О.Ю. Вероятностное множественное моделирование. – Новосибирск: Наука, 1978. – 312 с.

² Воробьев О.Ю. Эвентология. – Красноярск, 2007. – 435 с.

равишда қонуният ва муносабатларни очишни оғзаки ва ёзма хулосалар қилишни ўрганишлари керак. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фанини ўқитиш тингловчиларнинг маълум билим ва малакаларнигина ўзлаштиришни ўз вазифаси деб билмай, балки уларда идрок, хотира, тафаккур, тасаввур, нутқ каби билиш қобилиятларининг умумий ривожланишини ҳам назарда тутати. Бу йўналишдаги мақсадга мувофиқ иш уларга ақлий фаолиятнинг муҳим усулларини ўргатишга (анализ, синтез, таккослаш, умумлаштириш, абстрактлаштириш, конкретлаштириш) имкон беради. Тингловчиларда мантикий тафаккурни ривожлантириш масаласи билан узлуксиз боғлиқ равишда оғзаки ва ёзма математик нутқни – бу нутқнинг ўзига хос ихчамлик, соддалик, тушунарлилик, тўлалик каби барча сифатлари билан ривожлантиришни назарда тутати¹.

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика курсини ўрганиш жараёнида ҳар қайси тушунча ўз ривожини топади. Масалан, тасодифий миқдорларни ўрганишда, дастлаб уларнинг конкрет маъноси, сўнгра, уларнинг хоссалари, компонентлар ва амаллар натижалари орасидаги боғланишлар биргаликда очиб бериллади. Тушунчаларни ўрганишга бундай ёндашиш тингловчиларнинг барча хусусиятларига мос келади.

Бугун хорижий ҳамкорларимиз ёшларимизни кўриб уларга ҳар томонлама қўйил қолмоқда. Улар бизнинг ёшларимиз билан суҳбатлашиб, қани энди, ўз касбини пухта эгаллаган, хорижий тилларда бемалол гаплаша оладиган ёшларни бошқа мамлакатларда ҳам кўрсак ва улар билан ишласак деб орзу қилади. Бир сўз билан айтганда, улар Ўзбекистон ёшларининг салоҳиятини юксак баҳолайди.

Албатта, бундай эътироф ва мактовлардан ҳаволаниб кетмасдан шу миллат учун, шу халқ учун, она Ватаним учун яна нималар қилсам мендан мамнун, мендан хурсанд бўлади деб яшаш, бу йўлда тинимсиз ҳаракат ва изланишда бўлиш лозим. Шундан кейингина ҳар бир ёш авлодимизни кўрганда кўзимиз қувнаб, келажак ҳақида чексиз режалар тузишимиз мумкин.

Кундалик ҳаётимизда табиатдаги, жамиятдаги ҳукукий ҳодисаларни бир-бирига боғлиқлигини кўрамиз: инсон ҳуқуқларининг таъминланиши, ҳукукий маданиятнинг ўзгариши, ҳукукий билимларнинг йўқлиги сабабли истеъмолчилар ҳуқуқларини поймол этилиши ва ҳоказо. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фани бундай ҳодисаларни ўрганишни умумлаштиради ҳамда умумий хулосалар чиқаради.

Таҷрибаларнинг кўрсатишича, ўхшаш ёки ўзаро боғлиқ масалаларни таққослаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, масалалар эҳтимоллар назарияси ва математик статистикани турмуш билан боғлаб ўрганиш воситаси, математик тушунчаларнинг ҳар хил томонларини очиб берадиган турли ҳаётий-иқтисодий ва ҳукукий вазиятлар билан таъминловчи математик билимларни тадбиқ қилиш доирасидан иборатдир. Бундан ташқари, масалалар ечиш жараёнида тингловчилар турмушда зарур бўладиган амалий ўқув, малака ва кўникмаларни эгаллайдилар, фойдали фактлар билан танишадилар.

¹ Воробьев О. Ю. Вероятностное множественное моделирование. – Новосибирск: Наука, 1978. – 312 с.

Таълим ва тарбиянинг муштараклиги ёшлар учун кенг имкониятлар кўланкасидир

Аннотация. Мақолада инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришдаги, унинг ривожланиши ва жамият ҳаётига жалб этишдаги роли кўрсатиб берилган. Таълим ва тарбиянинг умумийлиги кўриб чиқилади.

Калим сўзлар: Конституция, эркин шахс, барқарорлик, ташаббускорлик, ҳуқуқ ва эркинликлар, инсон ҳуқуқлари, қонунийлик, миллий стратегия, таълим ва тарбия, миллий анъаналар устуворлиги, имплементация.

Abstract. This article discusses the role of education in the youth empowerment, their development and active participation in social life. The article notes the interconnection of education and upbringing.

Key words: Constitution, free personality, stability, initiative, rights and freedoms, human rights, legality, national strategy, education and upbringing, priority of national values and traditions, implementation of international standards.

Аннотация. В статье показана роль образования в области прав человека в расширении прав и возможностей молодежи, ее развитии и вовлечении в жизнь общества. Рассматривается общность образования и воспитания.

Ключевые слова: Конституция, свободная личность, стабильность, инициатива, права и свободы, права человека, законность, национальная стратегия, образование и воспитание, приоритет национальных ценностей и традиций, имплементация международных стандартов.

Ҳар бир шахс орзу ва истакларга эга. Ушбу орзуларни амалга ошириш ҳар доим катта синовлар демакдир. Чунки орзулар қатъиятингизни синовдан ўтказди. Баъзи орзулар ҳаёллигича қолиб кетаверишини ҳам эсингиздан чиқарманг. Орзулар кишини жунбушга келтирадиган, аммо тезгина совийдиган чизгилар эканлигини ҳам унутмайлик. Ҳар доим сиз билан бўладиган эмас, балки ўзингиз қўйиб юборишни истамайдиган орзу ва истакнигина ҳақиқийлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳақиқий орзу одамлар ҳамда муҳит қаршингизга қўядиган ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтиш учун куч ва ғайрат бериши ҳаммага маълум. Бу эса, ўз навбатида, иродали ва қатъиятли бўлишга, барча қўрқувларни енгишга, ҳеч қандай тўсиққа қарамай олдинга ҳаракатланишга имкон беради.

Хўш, бунга қандай етишиш мумкин? Қандай қилиб орзулар ва истакларни реал ҳаётга татбиқ этиш мумкин?

Фикримизча, бу масалани, биринчи навбатда, амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган барча ҳуқуқ ва эркинликлар, хусусан, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаб бериш орқали ҳал этиш мумкин.

Эътироф этиш керакки, инсониятнинг энг буюк ғояларидан бири бу дарҳақиқат, шахснинг тўлиқ эркинлиги ғоясидир. Зотан, эркин шахс, эркин халқ, эркин фикрлайдиган ёш авлодгина яратувчанлик, фаровонлик, инсонпарварлик, бунёдкорлик ишларида йўналтирилган, илму фанда, маданиятда ва замонавий ишлаб чиқариш жараёнида фаол ҳаракат қилишга ҳамда кўзланган мақсадларга эришишга қодир бўлади.

Бошқача айтганда, эркин ва ҳолис фикрлайдиган, ўз юрагида ва оламда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни теран таҳлил қила биладиган, қолипда қолган сўзларни тан олмайдиган, ташаббускор, юксак ватанпарварлик, халқпарварлик тамойилларини фаолиятининг негизига қўядиган ёш авлодгина ўз юртининг эртанги келажагини яратиш қобилиятига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари ўсиб келаётган ёш авлоднинг умумий маънавиятини, ҳуқуқий маданияти ва билимлари даражасини оширишга жуда катта эътибор бе-

риб, жонажон ватанимизнинг буюк келажаги айнан шу авлоднинг қўлида эканлигини доимо таъкидлайдилар.

Абдулла Авлоний: тарбия одамлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саводат, ё фалокат масаласидур¹.

Ушбу фикрлардан келиб чикиб, таълим-тарбия соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, миллий анъаналар ва ижобий хорижий тажрибаларга асосланган тарбия тизимини яратиш энг асосий вазифамиз эканлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Ушбу фикрлардан келиб чикиб, жамиятимизда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган тамойилга асосланган ҳолда, ёш авлодни болаликдан миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга эканлигини доимо таъкидлаб бориш керак.

Ҳар бир жамиятнинг, қолаверса, ҳар бир давлатнинг келажаги, истиқболи, унинг келгусидаги ривожланиш жараёнларининг муваффақиятли амалга оширилиши ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқлигини ҳеч ким шубҳа остига олмаса керак.

Дарҳақиқат, жамиятимизда ёш авлоднинг иқтидори, ақлий салоҳияти, маънавий етуклиги ҳамда жисмоний соғломлиги жамиятнинг изчил тараққиётини ишончли кафолатловчи асосий омиллардан эканлигини эътироф этиш жоиз.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: “мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш”², ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида белгилангани диққатга сазовор.

Сенека: бошқаларга билим бериб ўзимиз ҳам доим ўрганамиз³.

Давлатимизнинг қарийб 30 йиллик мустақил ривожланиш йўлида ёшларга оид устувор сиёсат тубдан ислоҳ этилиб, уларнинг маънавий камолотга эришиш, жумладан, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилганлигини алоҳида айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини шакллантиришда уларнинг турли тоифалари хусусиятларини инобатга олувчи, дифференциал ёндашув асосида тегишли дастурлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга ошириб келинаётганлиги ҳам ҳаммага маълум. Лекин бу йўналишда ҳали амалга ошириладиган ишлар талайгина эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Ўтган давр мобайнида ёшларга таълим-тарбия бериш, уларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий билимларини юксалтиришнинг самарали тизимини ташкил этишга, бу борада давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ижтимоий шериклигига замин бўлувчи ташкилий-ҳуқуқий база яратилди.

Ушбу замонавий конунчилик, биринчи навбатда, Ўзбекистонда амалга ошириладётган кенг қўламли ислохотларнинг самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови бўлган Конституция ва конун устуворлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган инсонлар, айниқса, ёшлар, барча фуқаролар Конституция ва конунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши, бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳитни яратиш ғоят муҳим ҳамда

¹ Саидкулов Т.С. Мовароуннаҳр сиёсий тарихидан лавҳалар. – Т., 1987. – Б. 12.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – 6-сон. – 70-модда.

³ Тафаккур ўғитлари – Кладезь мудрости. Маълумотлар банки. – Т., 2020. – Б. 23.

долзарб вазифага айланмоқда. Шундагина биз БМТ томонидан белгилаб берилган барқарор ривожланиш мақсадларини ҳам, ёшлар ҳуқуқларини ҳам, ёшлар учун инсон ҳуқуқларини ҳам бемалол таъминлаб беришимиз мумкин бўлади.

“Мамлакатимизда жадал суръатлар билан олиб борилаётган ўзгариш ва янги-ланишлар негизида, авваламбор, Конституциямизда белгиланган давлат органларининг халқ манфаатларига хизмат қилиши лозимлиги ҳақидаги қонидани амалда татбиқ этишдек эзгу мақсад мужассам эканини ҳам айнан шуни тақозо этмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун қўллаб-янгиланган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда”¹.

Конунийликни мустаҳкамлашда ёшларнинг инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликлар борасидаги билимлари, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳар бир шахсда қонунларга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни ҳамда тартибсизликларга, ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик муҳитини шакллантириш ишларида жуда қўл келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб мулоҳаза юритадиган бўлсак, ёшларнинг мактабларда, лицей ва коллежларда ўқийдиган тоифасида ҳуқуқий ва сиёсий дунёқарашни шакллантириш, ҳуқуқий ҳамда сиёсий кадриятларга, институционал тузилма ва қонун-қоидаларга тўғри муносабатни қарор топтириш ўта жиддий ва айнаиб вақтда, мураккаб вазифадир. Агар ушбу вазифани уддалай олсак ёшларимизнинг ҳуқуқий билимлари даражасини, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тегишли маълумотларини, ўзларининг кундалик фаолиятида керак ва зурур бўлган кўникмаларни тезроқ эгаллаб олишларига замин яратган бўламиз.

Шу боис ёшлар тоифасига кирувчи ўқувчиларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни юксалтириш, уларда тегишли дунёқараш ва савияни шакллантиришнинг ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-сиёсий жиҳатларини ўрганиш, ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш устувор мақсад саналади.

Бундай мақсадни амалга ошириш учун ўқитувчилар, устозлар ва мураббийлар қуйидаги вазифаларга жиддий эътибор қаратишлари лозим:

биринчидан, ёшлар билан тил топишиш учун уларнинг илмий, руҳий, маънавий ва бошқа хусусиятларини чуқур ўрганиш (ёшларнинг тили, қизиқишлари, фаолият йўналишларини иложи борида чуқур ўрганиш орқали);

иккинчидан, ёшларнинг қандай қизиқиш доираларига эга эканликларини аниқлаб олиш (улар билан дўстона ва очиқ мулоқот ўрнатиш орқали);

учинчидан, ўқувчиларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш йўллари, принциплари, усул ҳамда шаклларини таҳлил этиш, уларнинг самарадорлигини таъминлашга оид илмий тавсия ва таклифларини шакллантириш лозим (бу соҳадаги қонунчиликда мавжуд бўлган камчиликлар ва таклифларни чуқур тадқиқ этиш орқали);

тўртинчидан, ёшлар таълими ва тарбиясига эътибор ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигидан келиб чиқиб, ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини очиш, унинг амалга оширилиш ҳолатини таҳлил этиш (амалдаги қонунчиликка ёшларга тушунарли тарзда ва шаклларда шарҳлар бериш орқали);

бешинчидан, ҳуқуқий ва сиёсий тарбиянинг асосий объекти бўлган ёшларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, улар билан тил топиша олиш кўникмаларини шакллантириш (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Конституция ва қонун

¹ Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-4551 қарор. 2019 йил 13 декабрь.

устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабларини чуқур таҳлил этиб, амалиётга жорий этиш орқали¹;

олтинчидан, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш соҳасидаги касбий, ташкилий ва методик инфратузилмаларини таҳлил этиш, уларнинг самараси ва натижавийлигини ўрганиш (ёшлар орасида ўтказилаётган ижтимоий ва тахлилий сўровларнинг энг охириги натижалари билан танишиш орқали);

еттинчидан, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини шакллантириш ҳамда юксалтиришда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари имкониятларидан фойдалана олиш ҳамда ижтимоий шериклигининг аҳамиятини теран англаб олиш кўникмаларини шакллантириш (жамиятдаги учинчи сектор вакиллари билан самарали мулоқот ўрнатиш орқали);

саккизинчидан, давлат ва жамият ҳаётида шиддат билан амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда модернизациялаш жараёнлари ҳукмрон бўлган шароитда ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий фаоллигини янада оширишнинг мақбул йўлларини излаш, бу борадаги касбий тайёргарликнинг мезонлари ва талабларини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқиш (педагогик соҳага тааллуқли ишланмалар ва илмий асарлар сонини ҳамда сифатини ошириш орқали);

тўккизинчидан, ёшларнинг ҳуқуқий ва маънавий тарбиясини такомиллаштириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан таълим муассасалари ва давлат органларининг профилактик функцияси таъсирчанлигини оширишга оид тавсияларни қўрқмасдан илгари суриш (қонунчилик соҳасига тааллуқли ҳамда амалдаги қонунларга киритилиши мумкин бўлган таклиф ва мулоҳазаларни бериш орқали);

ўнинчидан, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий тарбиясини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш борасидаги хорижий тажрибани ўрганиш, халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш имкониятларини аниқлаш (ёшлар бўйича ҳаракат юритадиган халқаро ташкилотларнинг қўлқўл фаолияти билан мунтазам танишиб бориш орқали);

ўн биринчидан, ёшларни мамлакатни бошқариш ишларида катнаша олишларини уларга тушунтириб етказиш мақсадида, уларга оид давлат сиёсатини оптималлаштириш, такомиллаштириш ҳамда ўзгартиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарур (ёшлар парламенти ва шунга ўхшаш институтлар фаолияти билан яқиндан танишиш орқали).

Таъкидлаш лозимки, 2018 йил 30 июнда Ўзбекистон Республикасида биринчи маротаба “Ёшлар куни” байрам қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон ёшларига байрам табриги йўллаб, унда қуйидаги муҳим жиҳатларни таъкидлади: “Ёш авлодимизнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоён қилиш ҳамда фаоллигини кучайтириш, уни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, ёшлар билан доимий мулоқот олиб бориш, уларни жамиятнинг муносиб аъзосига айланиши ва вазифаси фаолиятимизнинг мезонига айланиб бормоқда”².

Маҳмудхўжа Бехбудий: дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир³.

Замонавий ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий савиясини юксалтиришда, уларнинг ижтимоий-сиёсий билимлари, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалти-

¹ Мазкур ҳужжат 2019 йилнинг 13 декабрида ПҚ-4551-сонли Қарор билан қўл қўйиб кирган.

² Ўзбекистон ёшларига байрам табриги // Халқ сўзи. – 2018. – 30 июнь.

³ Тафаккур ўғитлари – Кладезь мудрости. Маълумотлар банки. – Т., 2020. – Б. 23.

ришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида фармони билан “Ёшлар келажагимиз” Давлат дастурининг қабул қилинганлиги ҳам унутилмас воқеа бўлди. У ёшларнинг касб-хунар эгаллаши, эркин тадбиркорлик билан шуғулланишига мислсиз имкониятлар яратиб берди¹.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “...биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни устувор вазифа сифатида бугун давр талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Сизларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаб, ҳаётда ўз мустақкам ўрнини топишингиз, бахтли бўлишингиз учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”².

У. Черчилл: миллатни ва давлатни бошқариш тўртта болани тарбиялашга қараганда осонроқдир³.

Табиийки, юқоридаги фикрлар ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган фаолиятимизда ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қиладди. Зеро, мазкур тарбия, юксак ҳуқуқий, ахлоқий, маданий савия баркамол ёшлар маънавиятининг узвий таркибий қисми саналади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ёшлар билан ишлашга бел боғлаган мутахассислар турли таълим даргоҳларида тахсил ва тарбия олаётган ўқувчиларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини шакллантириш борасидаги ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, деб умид қиламиз. Қандай қилиб бу ишлар амалга оширилади?

Биринчидан, ўқитувчилар ёш авлод, шу жумладан, умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар, олий таълим даргоҳлари ўқувчиларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини шакллантириш жараёнларини чуқур ўрганиш ва уни янада юксалтиришнинг ҳуқуқий асосларини чуқур ўранишлари ҳамда ўзларининг кундалик амалиётларига самарали равишда татбиқ этишлари лозим.

Иккинчидан, тарбиячилар ёшларнинг ижтимоий-маънавий тарбиясига оид инсон ҳуқуқларига тааллуқли миллий анъана ва тажрибалар билан хорижий давлатларнинг ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш борасидаги тажрибасини қиёсий ўрганиб, таҳлил этишлари, айрим ижобий маълумотларни ўқитиш жараёнига қўрқмасдан жалб этишлари мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, муаллим ва ўқитувчилар мамлакатимизда рўй бераётган ислохотлар шароитида ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришда давлат ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги самарасига эришиш йўлларини чуқур англаган ҳолда ўз кундалик фаолиятларини ташкил этишлари керак бўлади.

Тўртинчидан, ёшлар онгига халқаро амалиётда қадрли тушиб бораётган “Оила – муқаддас”, “Соғлом оила – соғлом жамият”, “Оила жамият ва давлат ҳимоясида” ва “Фаровон оила – жамият равнақининг асоси” каби концептуал ғояларни сингдириб бориш.

Бешинчидан, ҳозирги пандемия, иқтисодий инқироз кўпчилик ёшларда юриспруденция эмас, эпидемиология ёки соғлиқни сақлаш соҳасидан бориш фикрини уйғотган бўлса ажаб эмас. Бу ажойиб, аммо бу дунё тараққиёти учун ҳисса қўшишнинг ягона усули эмас. Ёшлар илм-фаннинг барча соҳалари ва йўналишларини бирдек қабул қилиб, улар бўйича ҳуқуқ ва эркинликлар тизимини чуқурроқ ўрганишлари барча вужудга келаётган масалалар ечимини топишга яқиндан ёрдам беради.

¹ Ўзбекистон ёшларига байрам табриги // Халқ сўзи. – 2018. – 30 июнь.

² Ўша жойда.

³ Тафаккур ўғитлари – Кладезь мудрости. Маълумотлар банки. – Т., 2020. – Б.23.

«Жомий аҳком ас-сиғор» («Бола ҳуқуқлари кодекси»)

Аннотация. Ушбу мақолада Маждуддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшаний ҳаёти, илмий мероси ва, хусусан, унинг шоҳ асарлари, Исролда болалар ҳуқуқига оид ягона асар «Жомий аҳком ас-сиғор» хусусида сўз юритилган. Шунингдек, мақолада болаларнинг балоғат ёши белгилари, чегараси ҳақида бир неча фатволар ҳам берилган.

Калит сўзлар: болалар ҳуқуқи, Мавароуннаҳр, Уструшана, мерос, қози, манба, балоғат, фақиҳ, ўрта асрлар, фатво.

Abstract. The article examines the life and scientific heritage of Majduddin Muhammad ibn Mahmud al-Ustrushani, in particular, his main work dedicated to the rights of the child in Islam – Jami ahkam as-sigar (Code of children's rights). The work also contains a several of fatwas on the age characteristics and limits of puberty in children.

Keywords: Rights of the child, Mavaraunnahr, Ustrushana, heritage, judge, source, puberty, lawyer, middle ages, fatwa.

Аннотация. В статье рассматривается жизнь и научное наследие Маждуддина Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшани, в частности его главная работа посвященная правам детей в исламе – «Джами ахкам ас-сигар» (Кодекс по правам детей). Работа также содержит ряд фетв о возрастных признаках и пределах полового созревания детей.

Ключевые слова: права детей, Мавераннахр, Уструшана, наследие, судья, источник, половое созревание, правовед, средневековье, фетва.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Давлатимиз раҳбарининг БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ва Бош Ассамблеянинг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича бугунги кунда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг «Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш»ни таклиф этди. Шунингдек таъкидлаш жоизки, фарзандга меҳр қўйиш фақат уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилишдан иборат эмас, балки ёшлик чоғидан бошлаб уни миллий тарбия, ахлоқ-одоб ва юксак маънавият асосида вояга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу борада Президентимиз ўз нутқларида: «Сайёрамизнинг эртанги кунини, фаровонлигини фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намойён қилиши учун зарур шароитлар яратиши, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишидир», деди.

Бола ҳуқуқлари ўн саккиз ёшга тўлмаган барча шахсларга тегишли ҳуқуқ ва эркинликлардан иборат. Бола ҳуқуқлари, унинг ҳаёти, ривожланиши, таълими ва тарбияси ҳақида қайғуриш ҳозирги куннинг умуминсоний, халқаро муаммоларидан биридир. Ўзбекистон аҳолисининг 48,2 фоизини 15 ёшгача бўлган болалар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бундай эътиборнинг моҳиятини англаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бола ҳуқуқлари мустаҳкам кафолатланган. Асосий Қонунимизнинг 45-моддасида, жумладан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани белгилаб қўйилган. Бош Қонунимизнинг 65-моддасига биноан эса: «Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқа-

ролик ҳолатидан катъи назар, конун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади”.

Миллий ҳуқуқий тизимимизда бола ҳуқуқларига оид конунлар алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистонда ушбу соҳада 100 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бу ҳақда фикр юритганда, сўнгги йилларда БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларини инобатга олган ҳолда, қарийб 20 та конун қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва унинг иккита Факультатив протоколи иштирокчиси сифатида мазкур ҳужжатларнинг барча қондасига тўлиқ амал қилиб келмоқда. Ушбу Конвенция қондалари миллий қонунчилигимизга ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятига изчиллик билан имплементация қилинди.

Инсон ҳуқуқлари илмий йўналишининг пайдо бўлиши ҳақида сўз борганда, мутлақ кўпчиликнинг фикрига дастлаб Ғарб олимлари томонидан шакллантирилган концепциялар келади. Ғарб дунёсидаги инсон ҳуқуқлари масаласига бағишланган назарий концепциялар шаклланишидан тахминан тўрт юз, бола ҳуқуқларига оид илк нормалар пайдо бўлишидан эса, олти юз йил аввал яратилган. Бошқача айтганда, антик даврда кўтарилган инсоннинг табиий ҳуқуқлари ҳақидаги ғояга Ғарбда қайта мурожаат қилинишидан анчагина муқаддам Шарқда уни рўёбга чиқаришнинг мукамал механизмлари шакллантирилган эди.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида, асосан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига эътибор берилса-да, яқин-яқингача бола ҳуқуқлари муаммоларига етарли аҳамият берилмас эди. Фақат XX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб мазкур масалада халқаро ҳужжатлар қабул қилина бошланган. Жумладан, 1923 йилда англиялик Эглантайн Джебб томонидан асос солинган “Болаларни қутқаринг” Халқаро Кенгаши, кейинчалик “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация” (1959), “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция” (1989) ва бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар фикримизнинг исботи бўла олади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев яна ўз нутқларида: *“Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз”*, деб таъкидлаб ўтдилар. Шу нуқтаи назардан қаралганда, бир ҳолатни алоҳида фахр ва ифтихор билан қайд этиш лозим. Таъкидлаш жоизки, мусулмон дунёси ҳудудидаги бола ҳуқуқига оид илк илмий-назарий ва амалий-таتبикий қарашлар тизими XIII асрда айнан бизнинг юртимизда ишлаб чиқилган бўлиб, бу ҳол инсоният тараққиётидаги беназир тарихий ҳодисадир. Ислоҳда инсон ҳуқуқлари бола ҳуқуқларидан бошланади. Болалар ҳуқуқларига саккиз юз йил аввал Мовароуннаҳрда катта эътибор берилган. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича цивилизациялар тарихида жиззахлик фақиҳ Маждуддин ал-Уструшанийнинг 625/1228 йил 28 июлда ёзиб тугатган “Жомий аҳком ас-сиғор” асари мазкур йўналишдаги илк ҳуқуқий манба бўлган дейишимиз мумкин. Алломанинг тўлиқ номи Абул-Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Аҳмад Маждуддин ал-Уструшаний бўлиб, у XII асрнинг охири ва XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда яшаб, юксак илмий салоҳияти билан фикр илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшган алломалардан биридир.

“Жомий аҳком ас-сиғор”нинг илк нашри 1982 йили ироқлик профессор Абдулҳамид Абдулҳолик Байзалий ва иккинчи нашри 1994 йили Коҳирада “ал-Азҳар” университети профессори Абу Мусъаб Бадрий ҳамда ўқитувчи Маҳмуд Абдурахмон Абдулмунъим томонидан амалга оширилган.

Муфтий Усмонхон Алимов ва тарих фанлари номзоди Муслим Ризқихўжа ўғли Атаев “Жомий аҳком ас-сиғор”нинг Миср Араб Республикасида тайёрлан-

ган иккинчи нашрини Тошкентда сакланаётган бешта қўлёзма нусхалари билан ўзаро солиштириб, асарнинг араб тилидаги тузатилган ва тўлдирилган учинчи нашрини тайёрлашга муваффақ бўдилар. Асосан вояга етмаган ёш болаларнинг ҳақ-ҳуқуқларига бағишланган бу асарни ҳозирги замон исломшунос ва ислом ҳуқуқи тарихи билан шуғулланувчи барча мутахассислар учун эътиборда тутадиган манба бўлиб қолади.

Мусулмон оламида Маждуддин ал-Уструшанийдан кейин болалар ҳақ-ҳуқуқларига тааллуқли фикҳий асар деярли ёзилмади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, алломанинг “Жомий аҳком ас-сиғор” асари болаларнинг ҳуқуқлари хусусида ёзилган деярли ягона фикҳий асар, деб хулоса қилишга ҳақлимиз.

Аммо болаларга тааллуқли ҳадислар тўплами мавжуд бўлиб, у имом Шамсуддин Муҳаммад ибн Аби Бакр ибн ал-Қаййим ал-Жавзия (691–751/1292–1350 й.)нинг “Тухфат ал-мавлуд би аҳком ал-мавлуд” асаридир. Бу асар 17 бобдан иборат бўлиб, унда бола сўрашнинг мустаҳаблиги, қиз болалардан ғазабланишнинг макруҳлиги, фарзанд хушхабарини етказиш, чақалоқ қўлоғига азон ва иқомат айтиш, боланинг танглайини кўтариш, ақиқа ва унинг ҳукмлари ва у ҳақидаги ихтилофлар, бола сочини олиш ва соч оғирлигича садақа бериш, исм қўйиш вақти ва мажбурийлиги, болани хатна қилиш ва унинг ҳукмлари, қўлоқ тешиш ҳукми, болаларнинг овқат ейиш одоблари, эмизикли боланинг сўлагига доир ҳукмлар, болаларни ўпиш, уларга одоб ва илм бериш, болаларни тарбиялашдаги бошқа фойдали масалаларни ўз ичига олган мухтасар асардир.

“Жомий аҳком ас-сиғор” асарида фикҳга оид юздан ортиқ китобларда тарқоқ ҳолда берилган болаларга тааллуқли шаръий фатволар йиғиб, тизимлаштирилган ва батартиб жамланган. Бу асар дунёга келиши учун Маждуддин ал-Уструшаний ҳанафий мазҳабининг ўз давригача яшаб, ижод этган 120 дан ортиқ фақиҳларининг фикрларини мужассам қилган. Шу жиҳатлари билан бу мукаммал асар ҳозирги замон исломшунос ва ислом ҳуқуқи тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар учун муҳим манба ҳисобланиши билан бир қаторда, замонавий ҳуқуқшунослик учун ҳам тарихий аҳамият касб этади.

Ислом ҳуқуқшунослиги асосида битилган ушбу асарда болалар ҳуқуқлари бўйича келиб чиқадиган муаммолар одилонга ҳал қилиниб, ижтимоий ҳаётда болаларнинг ҳавфсизлиги ва асосий ҳуқуқларининг дахлсизлигини таъминлаш билан боғлиқ кўплаб саволлар муҳокама қилинган. Унда ушбу соҳада ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари учун жуда кўп аниқ далиллар ва кўрсатмалар берилган. Асар ислом ҳуқуқининг энг муҳим ва мукаммал тизимларини ўзида мужассам этиб, салкам саккиз асрдан бери ўзининг ҳаётийлигини исботлаб келаётган мўътабар манбалардан биридир. Уни ҳар томонлама чуқур ўрганиш бизга диёримиздаги диний ҳуқуқ тизимининг муҳим масалалари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Бугунги кунда халқаро майдонда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммолар, хусусан, ҳомиланинг қачондан бошлаб инсон ҳисобланиши кенг мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда. Асарда “Тирик мавжудотнинг ҳаёти қачон бошланади?”, “Бола қачондан бола ҳисобланади?” каби ҳозирда ҳам долзарб бўлиб қолаётган саволларга тўлиқ жавоб берилган. Асарда бола туғилмасидан аввал ҳам, туғилганидан кейин ҳам бола ҳисобланиши, болалар жисмонан, ақлан ва ижтимоий жиҳатдан вояга тўлиқ етмагунга ва мустақил бўлмагунга қадар алоҳида ғамхўрлик ва ҳимояга муҳтожлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Бугунги кунда болалар ва ўсмирларнинг жисмонан соғлом, руҳан тетик ва баркамол авлод бўлиб етишишлари учун ҳукуматимиз томонидан барча шарт-шароитлар муҳайё қилиниб, уларни ҳар томонлама мукаммал, гўзал ҳулқли, илмли, касб-ҳунарли, мустақил фикр ва дунёқарашга эга, турли иллат

ва ёт таъсирлардан холи равишда вояга етказиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Исломда бошқа ҳақ-ҳуқуқлар сингари, болаларнинг ҳимоясига ва ҳақларига ҳам эътибор қаратилган. Ислом дини болалар ҳуқуқларини туғилмасиданоқ муҳофаза қилади. Бунга мисол ажрашган ёки эри вафот этган аёлларга идда сақлаш шарт қилинганидир. Бундан мақсад, ҳомиладор аёлнинг корнидаги боланинг насаби аниқ бўлади. Эри вафот қилган аёлнинг иддаси тўрт ой ўн кун бўлса, талок қилинган аёлнинг иддаси эса уч ойдир. Боланинг насаби аниқ бўлиши унинг энг биринчи ҳаққидир. Шу билан бирга, туғилмаган болада ҳам мерос олиш ҳуқуқи бор. Бу ислом шариатида туғилмаган бола ҳам ижтимоий таъминланганига яққол мисолдир.

Агар ҳомиладор аёлнинг эрида мерос қоладиган мулки бўлмаса, туғилмаган боланинг нафақаси бобоси ё амакиси ёки амакисини ўғлининг зиммасидадир, агар боланинг ота томондан қариндошлари бўлмаса, унда боланинг нафақаси ҳукумат молидан ажратилади. Аёлнинг нафақаси эса турмушга чиққунига қадар отаси ёки ака-укалари ёхуд нафақа қилишга қодир бўлган ўғли ёки амакиси ёхуд амакисини ўғлининг зиммасидадир.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси қонунида ҳам ёлғиз оналарнинг фарзандларига ҳам нафақа ажратилади. Ёки эри тирик бўлса-да, иқтисодий аҳволи танг, фарзандларини боқишга молиявий имконияти етмайдиган oilаларга ҳам нафақа ажратилади.

Боланинг келгусидаги барча ишларига бевосита таъсир кўрсатувчи ҳаққи унинг насаби ота-онасининг аниқ бўлишидир. Никоҳнинг асл мақсадларидан бири ҳам насл-насабни сақлашдир. Никоҳсиз oilа, жамият ҳам бўлмайди. Фарзанднинг ота-онаси никоҳдан ўтган, ҳалол-поқ яшагандагина насаби аниқ ва поқ бўлади.

Барчамизга маълумки, фарзанд инсон ҳаётининг мазмуни, насл-насабини давом эттирувчиси, oilанинг мустаҳкам занжиридир. Яхши, солиҳ ва баркамол фарзанд ота-онанинг бахт-иқболи, икки дунё саодатига етиштирувчи дилбанди. Фарзандлар “Жаннат райҳонлари” деб тавсифланиши бежиз эмас. Аммо у одобли, яхши фазилатлар соҳиби бўлгандагина ота-онасига раҳмат ва бахт-хурсандчилик келтиради. Oilа қуриш ва солиҳ фарзандлар қуришни орзу қилмаган инсон бўлмаса керак.

Ёш авлод тарбияси ҳақида сўз борар экан, имом Ғаззолийнинг бу хусусдаги фикр-мулоҳазалари нақадар тўғри эканини ҳаётда кўриб турибмиз: *“Ёшлар тилла тақинчоқ ва турли зебу зийнат тақмасликлари лозим. Улар ўтириш, туриш, салом бериш одобларига риоя этишлари, ўзларидан катталар ҳузурида оёқларини чалиштириб ўтирмасликлари, серган ва сўкувчи бўлмасликлари, беҳаё сўзларни айтмасликлари, хусусан, ёмон хулқли тенгдошларига аралашишдан эҳтиёт бўлишлари лозим”*.

Фарзанд Аллоҳ таоло томонидан ато этилган улугъ неъмат ва ота-онага берилган катта омонатдир. Расулulloҳ (с.а.в.) муборак ҳадиси шарифларида ота-оналарни ёш болаларга меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатиш, тўғри ақида ва соғлом тарбия асосида вояга етказишга ундаганлар: ***“Фарзандларингиздан муқаддас динимизда буюрилган ишларни қилишни ва қайтарилган нарсалардан сақланишни талаб этинглар, шу ишларинг уларни охират азобидан сақлаганларинг бўлади”*** (Ибн Жарир ривояти).

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини ақлан ва жисмонан соғлом ҳолда улғайтириш, вояга етказишда ёш болаларга тааллуқли фикҳий масалалардан воқиф бўлишлари бугунги кунда фойдадан холи эмас. Чунки oilадаги соғлом муҳит ва тўғри тарбия фарзанднинг ўқув даргоҳида оладиган билими ва касб-ҳунарига ўз таъсирини ўтказиши табиий.

Ислом дини кишилик жамиятида ўз ўрнини топиб, унинг дунёвий ва диний ҳаётида амалий суръатда татбикини топган илк саодат асридан бошлаб болалар тарбиясига катта аҳамият бериб келади. Бу таълимот ва унинг йўл-йўриклари жамият асосининг пойдевори, уммат истикболи бўлган ёшларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишишларини талаб қилади.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) муборак ҳадиси шарифларида ота-оналарни ёш болаларга меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатиш, тўғри ақида ва соғлом тарбия асосида вояга етказишга ундаганлар: ***“Фарзандларингиздан шаръан буюрилган ишларни қилишни ва қайтарилган нарсалардан сақланишни талаб этинглар, шу ишларинг уларни дўзахдан сақлаганларинг бўлади”*** (Ибн Жарир ривояти).

Кенгрок мушоҳада юритадиган бўлсак, ёш авлодни юксак инсоний фазилатлар соҳиби қилиб тарбиялаш нафақат жамият, балки ҳар бир оила ва ҳар бир ота-онанинг ҳам асосий вазифасидир.

Динимиз барча мусулмонларга фақат ибодатни эмас, балки илм олишни ҳам фарз қилиб, илм билан машғул бўлишни ибодат даражасига кўтаради. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам муборак ҳадисларида: ***“Илм ўрганишига интилиши ҳар бир мусулмонга фарздир”***, деб марҳамат қилдилар.

Шуни ҳам таъкидлаб қўйиш лозимки, “илм” лафзидан мурод фақат диний илмлар тушунилмаслиги керак, балки ҳаётимизда асқотадиган барча илмлар тушунилади. Шунинг учун ҳам уламоларимиз: ***“Ҳар бир мамлакатда диний илмлардан ташқари турли касб-ҳунар, саноат, фан ва бошқа кўплаб соҳалар бўйича керакли илмларни ҳам шу мамлакат аҳолиси вакиллари ўрганмоғи фарзи кифоядир. Агар бирор киши ҳам мазкур керакли илмларни ўрганмаса, аҳолининг ҳаммаси гуноҳкор бўлади”***, деб таъкидлаганлар.

Имом Уструшанийнинг “Жомий аҳком ас-сиғор” асари вояга етмаган болаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари хусусида ёзилган фикҳий асарларнинг энг мукаммалидир. Асарда ҳанафий мазҳаби бўйича ёш болаларга тааллуқли фикҳга оид тарқоқ ҳолда берилган юзга яқин манбалардан олинган 1 минг 280 дан ортиқ фатво ўз мужассамини топган.

Қуйида “Жомий аҳком ас-сиғор” асарида балоғат ёшига доир бир неча фатволарни ҳукмингизга ҳавола қиламиз:

Балоғат ёши ва унинг чегараси

Ушбу масала бўйича асарда муаллиф Муҳаммад ибн Муқотил¹нинг ушбу фатвосини келтиради: Боланинг балоғатга етиши ва эҳтилом бўлиш ёши энг ками тўлиқ 12 ёшдир. Қизнинг балоғатга етиши ва ҳайз бўладиган қонини кўриш ёши 9 ёшдир. Уструшаний ушбу фатвони аксар машойихларимиз ҳам шу фикрдалар, деб тасдиқлайди. Шунингдек, балоғат ёши ва унинг чегараси ҳақида муаллиф Абу Наср ибн Салом ва Абу Али Даққоқ² фикрлари қуйидагича: 6 ёшга етган қиз қон кўрса ва қон оқиши уч кунгача чўзилса, бу қон касаллик туфайли келмаган бўлса, ҳайз ҳисобланади. Баъзилар 7 ёш деб белгилашган. Абу Али Даққоқ 12 ёш деб белгиллаган.

Эслатма: Ҳозирги кунда “бола” тушунчасини таърифлашда “юқори ёш чегараси” қилиб 14 ёшни белгилаш таклиф қилинди. Бу баъзи мамлакатларда шу ёшда мажбурий мактаб таълими тугаса, бошқасида миллий қонунлар меъёрларига му-

¹ Муҳаммад ибн Муқотил – Муҳаммад ибн Муқотил Розий. Ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан бири (Ал-Фавоид ал-баҳия. – Б. 201; ал-Аълом. – Ж. 12. – Б. 45).

² Абу Али Даққоқ – Абу Али Даққоқ Розий ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан бири (Ал-Фавоид ал-баҳия. – Б. 186).

вофик кизлар эрга чиқиши мумкинлиги билан боғлиқ эди. Айрим делегатлар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Халқаро болалар йилини ўтказиш мақсадида белгиланган (15) ёшни эътиборга олиш зарур, деб ҳисобладилар¹.

БМТнинг амалиётида ҳам, унинг меъёрий ҳужжатларида ҳам болаларга тааллуқли қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- болалар: 18 ёшга тулмаган ҳар бир тирик шахс;
- ўсмирлар: 10–19 ёшдаги шахслар (кичик, ўрта ва катта ўсмирлик ёшини ўз ичига олган ҳолда);
- ёшлар: 15–24 ёшдагилар.

Иштирокчи давлатлар кўпчилигининг (шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам) қонунлари бўйича балоғатга етиш 18 ёшга тенг. Бирок айрим мамлакатларда бу ёш юқори, масалан, Буркина-Фасо, Парагвай, Португалияда – 20 ёш, Боливия, Того, Сенегалда – 21 ёш².

Балоғат белгилари

Балоғатга етиш гоҳо ёш билан, гоҳо аломат билан бўлади. Аломат кизда хайз, эҳтилом³ ва хомиладорликдир. Энг кам муддати 9 ёш. Бу мухтор қавлдир. Аломат ўғил болада эҳтиломдир. Энг кам муддати 12 ёш. Ёш (билан балоғатни белгилаш)га келсак: бола 19 ёшга кирса ва қиз 17 ёшга кирса. Абу Юсуфдан нақл қилинган баъзи ривоятларга кўра, балоғат ёшини белгилашда туқнинг чиқиши инобатга олинади. Бу имом Молиқнинг ҳам гапидир.

Абу Юсуф ва имом Мухаммаддан шундай ривоят этилади: Агар бола ва қиз 15 ёшга етса балоғатга етган бўлади. Садрулислом Абулюср⁴. “Идда” бобида шундай дейди: бизнинг замонимизда умрнинг қисқарганлиги боис, фатво икки имом гапига кўра бўлиши керак.

Эслатма: Буюқ фиксшунос олим Абу Ҳанифа (р.а.)дан нақл қилинган бир ривоятда эса шахснинг вояга етиш ёши 25 ёш деб кўрсатилган⁵. Лекин бошқа бир манбада келтирилишича, Абу Ҳанифа вояга етишнинг энг кам ёши қиз болаларда 17, ўғил болаларда 18 ёш деб ҳисоблаганлар⁶.

Болаликдан ўсмирлик ёшига қадам қўйган ҳар бир ўғил-қиз организмда ўзига хос ўзгаришлар кузатилади. Айниқса, бу паллада қиз бола саломатлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Балоғат ёшига етгач, ўсмирнинг феъл-атвори, ташқи қўринишида сезиларли даражада ўзгаришлар юз беради.

¹ Legislative History of the Convention on the Rights of the Child (1978–1989), United National Centre for Human Rights, Human Rights. 1995, Ser.1, Article.1. – Б. .11.

² Ганибаева Ш.К. Уша манба. – Б. 25.

³ Эҳтилом – бу сўз араб тилидан олинган бўлиб, луғавий маъноси “етуклик, балоғат; бўлганиб қолиш, уйқуда эҳтиломланиб қолиш, эҳтилом. Истилоҳий маъноси, уйқудан уйғонган киши кийими ёки баданида маний қўриши. Шундай ҳолатга тушган одамнинг ҳул қилиши фарздир (Ан-наъим ул-қабир. – Б. 157).

⁴ Садрулислом Абулюср – Мухаммад ибн Мухаммад ибн Абдулқарим ибн Мўсо ибн Исо ибн Мужоҳид Абулҳасан Абулюср Баздавий 493/1100 йил Бухорода ҳаётдан қўз юмган (Ал-Фавоид ал-баҳия. – Б. 231; Тож ат-тарожим. – Б. 65-66; ал-Фавоид ал-баҳия. – Б. 161–162; Кашф аз-зунун. – Ж. 1. – Ж. 2. – Б. 1081; ал-Жавоҳир ал-музия. – Ж. 3. – Б. 322).

⁵ Вояга етиш ёши мужтахидлар томонидан турлича белгиланган. Масалан, 15, 18–30, 18–40, 18–60, 20, 30, 33 ёш. Ҳанафий мазҳаби бўйича у балоғат ёшидир. Абу Ҳанифа (р.х.)дан нақл қилинган бир ривоятда етимнинг вояга етган ёши 25 ёш деб кўрсатилган (Шайх Абдулазиз Мансур. Қўрўни қарим маъноларининг таржима ва тафсири. – Б. 149).

⁶ Балоғат масаласида замонавий уламолардан Шайх Абдулазиз Мансур ҳазратлари ўз фикрларини шундай ифода этадилар: “Балоғат ёши билан турмуш ёшининг фарқини яхши қўйишимиз даркор. Масалан, қиз бола 15 ёшда балоғат ёшига етган бўлиши мумкин. Лекин бу турмуш ёши дегани эмас. Турмуш ёши давр, шароит, жисмоний етуклик, урф-одат ва бошқа сабабларга қараб белгиланади. Қадимда ҳозирги бизнинг ҳаёт тарзимизга мос тушмайдиган шароитлар бўлгани боис қиз болани 13 ёшдан бошлаб турмушга бериб юбориш одатлари ҳам бўлган. Ҳозирги бизнинг давримиз ва шароитимизда ёшлар мажбурий таълимдан 19 ёшда озод бўлмоқдалар. Бу ёшга қиз бола фақат ўқиш, дарс тайёрлаш ва мактаб, лицей ёки коллежга қатнаш билан банд бўлиб, оила юмушлари, овқат тайёрлаш ва бошқа вазифалардан беҳабар бўлган пайтида турмушга берилса, оқибати қандай бўлиши ойдек равшан. Шунинг учун бизнинг диёримизда қиз болани 19 ёшдан кейин турмушга узатиш тавсия этилади”.

Ҳайз кўриш цикли ҳар бир қиз бола организмда турлича кечади. Баъзиларда бу 11–12 ёшдан бошланса, баъзи қизларда эса 15 ёшга етганида ҳам ҳайз кўриш кечикиши мумкин. Шундай ҳолларда дарҳол шифокор-гинеколог ҳузурига бориш лозим. Ҳайз циклининг бузилиши, эндокрин хасталиклар, анемия (камқонлик), жинсий аъзоларда турли яллиғланишлар келгусида жиддий касалликларни юзага келтириши мумкин. Ўсмир ёшдаги қиз бола организмда гормонал бузилишлар рўй бериши ҳайз кўриш давридан бошланади.

Инсон организмдаги ҳар бир гормоннинг ўз вазифаси бор. Булардан фарқли равишда, аёлларда учрайдиган гормон (эстроген) ўз навбатида фарзанд кўриш қобилиятини юзага келтиради ва аёл жинсига монанд қомат, хулқ-атвор ва нафосатни белгилайди. Эстроген гормонининг камайиб кетиши асосан, қалқонсимон без хасталиги билан боғлиқ муаммолардан биридир. Чунки ушбу аъзо орқали бутун та-на бошқарилади ва гормонлар фаолиятига ҳам масъул. Бу гормоннинг камайиб кетиши нафақат қирқ ёшдан ошган аёлларда кўп учрайди, балки балоғат ёшидаги қиз болалар организмда ҳам рўй бериши кузатилади.

Бола, йигит ва кишининг таърифи.

“Захира”нинг “Қасамлар” қисмининг 26-фаслига қаранг: Агар гўдак, бола, йигит ёки эркак билан гаплашмайман деб қасам ичса, баъзи аҳли илм 19 ёшгача бола, 19 ёшдан 34 ёшгача йигит, 34 ёшдан 51 ёшгача киши ва 51 ёшдан умрининг охиригача шайх (қария) деб аталади, дейишган. Шариатда балоғатга етмаганни бола, балоғатга етганни эса, йигит дейилади.

Изоҳ: Ибн Нуҷайм (р.а.) “ал-Ашбоҳ ва-н-назоир” асарида шундай таъриф беради: “Бола она қорнидалиқ вақтида “жанин” (ҳомила) деб аталади. Туғилгач, то балоғатга етгунча “сабий” деб номланади. “Ғулом”¹ ўн тўққиз ёшгача бўлган болаларга нисбатан қўлланилади. Ўттиз тўрт ёшгача “шобб” (йигит) деб аталади. Эллик бир ёшгача “қаҳл” (ўрта ёш) дейилади. Ундан сўнг то вафотига қадар “шайх” (қари, чол) деб аталади”². Шаръий жиҳатдан эса, инсон балоғатгача “ғулом”, ундан сўнг “шобб” ва “фата” (йигит), сўнг эллик ёшгача “қаҳл”, ундан кейин эса “шайх” деб номланади.

Хулоса қилиб айтганда, “Жомеъ аҳком ас-сиғор” асари – асрлар давомида ажодларимиз томонидан эъзозлаб келинган серқирра миллий қадриятлар ва бой ҳуқуқий мероснинг бола ҳуқуқларига оид баёнини ўзида мужассам этган бебаҳо манбалардан биридир. Бу асар мисолида Исломда болаларга шафқатсиз муомала қилинади деган иддаоларнинг асоссиз эканлиги ва ҳанафий мазҳабининг нечоғлик инсонпарварлиги яна бир қарра ўз исботини топди. Зеро, бола ҳуқуқларига бағишланган бундай тўплам фақат ҳанафий мазҳаб вакиллари томонидан яратилган. Бундай манбаларни янада чуқурроқ ўрганиш, уларнинг нафақат илмий доиралар, балки ундан-да кенгроқ жамоатчиликка етказиш мамлакатимиз раҳбари томонидан қўйилаётган ёш авлод тарбиясига оид долзарб вазифаларнинг жадал ва сифатли ҳал қилинишига хизмат қилиши шубҳасиз. Энг муҳими, ислом динининг болалар ҳуқуқлари хусусидаги қарашлари бу соҳадаги замонавий қарашлар билан ҳамоҳангдир.

¹ Ғулом – Ўспирин бола демакдир. Замахшарий (р.а.)нинг айтишича, ғулом ёш боланинг то соқол чиқиш вақтигача бўлган даврига нисбатан ишлатилади. Мазкур атама мажозан соқоли чиққан йигитга нисбатан ҳам қўлланилади (Файзул-қадир. 6/354; Фахриддин Розий. Аг-тафсир ал-кабир. 21/155).

² Ҳамавий. Ғамз уюнул-басоир – Шарҳ ал-Ашбоҳ ван-назоир. Ж.3. – Байрут: 309.

Ёшлар тарихий онгининг ривожда қадимги ёзма ёдгорликларнинг ўрни

Аннотация. Ушбу мақолада ёшларда тарихий онгининг ривожда ёзма ёдгорликларнинг ўрни, хусусан, Ҳрхун-Енисей ёзма ёдгорликларининг аҳамиятига эътибор қаратилади. Этник шаклланиш жараёнларини ўрганишда уруғ, қабиладан тортиб, миллатнинг шаклланиши ва ривожланиши босқичларга бўлиниб таҳлил этилади ҳамда ҳар бир этно-ижтимоий ва тарихий босқичларга хос бўлган характерли хусусиятларга тўхталиб ўтилади.

Калит сўзлар: Ёшлар, тарихий онг, ёзма ёдгорликлар, турк империяси, маънавият, ёзув, артефакт, тошбитик, этник шаклланиш босқичлари.

Abstract. This article is devoted to the role of written monuments in the development of the historical consciousness of young people, in particular, the importance of the Orkhon-Yenisei written monuments. The processes of ethnic formation and development of a nation, from clans and tribes to ethnic groups, are analyzed in stages, and the features of each socio-historical stage of ethnic development are discussed.

Key words: youth, historical consciousness, written monuments, Turkic empire, spirituality, writing, artifact, stone inscription, stages of ethnic formation.

Аннотация. Данная статья посвящена роли письменных памятников в развитии исторического сознания молодежи, в частности важности Орхон-Енисейских письменных памятников. Поэтапно анализируется процесс этнического формирования и развития нации, от родов и племен до этноса, обсуждаются особенности каждой социально-исторической стадии этнического развития.

Ключевые слова: молодежь, историческое сознание, письменные памятники, турецкая империя, духовность, письменность, артефакт, каменная надпись, этапы этнического формирования.

Ёзма ёдгорликлар жамиятимиз аъзолари, хусусан, ёшларда тарихий тафаккур ривожини таъминлаб, халқимизнинг ўтмишда босиб ўтган йўлини тарғиб этишда муҳим. Тарихий маълумотлар археологик ёдгорликларда, артефактларда, ўтмиш воқеа ва ҳодисалари ифодаланган қўлёзмаларда, тошларда битилган ёзувларда муҳрланган бўлиб, бу манбалар мутахассислар томонидан тилга киритилади. Яъни, соҳа олимлари ва тадқиқотчилари томонидан изланиб, шарҳланади. Тошбитик ва қўлёзмалар ўз даврининг фозил шахслари томонидан илгари сурилган тафаккур маҳсули ва ғоялар асосида битилади. Бундай тафаккур маҳсулотлари жамиятдаги ҳарбий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва маънавий жараёнларга муносабат тарзида яратилиб, жамият аъзолари дунёкараши, маънавий ва ахлокий кифёсининг юксалишини таъминлаб боради. Тошбитиклар ҳам инсоният тадрижий такомил босқичларида унинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнидаги ижтимоий-маданий таъсир омилларини ўрганувчи артефакт сифатида муҳим аҳамиятга эга. Артефакт инсон ижодининг маҳсули сифатида ҳам муайян ижтимоий-тарихий даврга хос бўлган тафаккур имконияти ва даражасини ифодалаб, табиат элементларига сунъий ёндашув орқали муайян даражага хос бўлган табиий-тадрижий жараёнлар ҳолатидан гувоҳлик беради. Шу боис, ёзма ёдгорликларнинг илк намунаси бўлган тошбитиклардаги ёзувлар тарихий жараёнлар ифодаси сифатида ҳар бир шахс, элат ва миллат вакиллари, хусусан, ёшларда ўзликни англашни юксалтириб, тарихий онгининг ривожига имкон яратади. «Ёзув – кишилиқ жамияти маданий тараққиётининг том маънодаги ибтидоси, башариятнинг узок ва мураккаб тадрижий такомил-

ли жараёнидаги омилларнинг энг асосийларидан бири»¹. Модомики, шундай экан, тошбитиклар ҳам умуминсоний маданиятнинг тадрижий босқичларини ифодаловчи артефакт сифатида маънавий жараёнларнинг тарихий моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Ёзув тилнинг ҳосиласи сифатида мулоқот ва жараёнларнинг муайян белгилардаги инъикосидир. Ёзув ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида тилнинг тарихий моҳияти ва теранлигини исботлайди. Шу боис, дастлаб тил, ундан сўнг сўзларнинг муайян белгилар асосидаги ифодаси сифатида ёзув инсониятнинг шаклланиш жараёнларини ўрганишда муҳимдир. “Тил жамият ҳаётидаги энг жумбоқли, сирли воқеалардан биридир. Инсоннинг ҳаёти тил муҳитида, сўзлар оламида ўтади. Тил бизнинг ҳар биримизни ва, умуман, жамиятни ўраб туради ҳамда айни вақтда жамият ва инсон онги орқали уларни ўз измида ушлаб туради. Шу сабабли инсон ўзини тилсиз, тилдан ташқарида фараз қилолмайди”². Модомики, шундай экан, тафаккур ва тилнинг маҳсули бўлган ҳикматлар жамиятнинг барча аъзоларига етиб бориши ҳамда келажак авлодга маънавий мерос сифатида қолиши учун ёзувнинг ҳам аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам ёшларда тарихий онгнинг ривожини таъминлашда маънавий мерос намуналари бўлган қадимги ёзувлар, уларда ифода этилган ижтимоий-тарихий жараёнлар ҳақидаги маълумотлар тарғибга эътибор қаратишимиз лозим.

Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришига кўра, Бумин ва Истами ҳоқонлар аجدодларимиз бўлган турк элининг яхлит, мустаҳкам давлатчилигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди, ушбу жиҳатлар ёшларда тарихий онгнинг ривожини таъминлашда муҳим. Бумин ҳоқон эрамининг олтинчи асрининг ўрталарида Турк ҳоқонлигининг асосчиси ва унинг биринчи ҳукмдори сифатида турк элининг бирлашишини таъминлаган тарихий сиймодир. У жужан ҳукмдорлигига тобе бўлган ашина уруғини жужанларга қарши бош кўтаришга чорлаб, ғалаба қозонади. “Бумин «элхон» унвони билан илк Турк ҳоқонлиги тахтига ўтиради”³. Гарчи, Бумин ҳоқон ажал боис ҳоқонлик тахтида кўп ўтирмаган бўлса-да, лекин илк турк давлатининг асосчиси сифатида туркий тафаккурда абадий ўрин олганлиги билан эътиборлидир. Истами ҳоқон Бумин ҳоқоннинг укаси сифатида Бумин ҳоқон вафотидан сўнг туркларнинг ғарбга қараб ҳарбий юришларига қўмондонлик қилган. “Истами ҳоқон қўшинининг сони юз минг бўлган”⁴. Албатта, юз минг қўшин йирик миқдор. Лекин, бу миқдордаги қўшинни бирлаштириб, улар фаолиятини ягона мақсад сари йўналтириш ҳам муайян ташкилий қобилият ва раҳбарлик маҳоратини талаб этадики, Истами ҳоқонда ана шундай хусусиятларнинг мавжудлиги унинг ҳоқонлик фаолиятида муваффақиятларни таъминлаб келди десак, тўғри бўлади.

Бугунги кунда аجدодларимизга хос бўлган бундай қаҳрамонлик ва эл бирлигини таъминлаш йўлида фаолиятни ўрганиб, ёшларимиз орасида тарғиб қилиш, уларда тафаккур ривожини таъминлаш билан бир қаторда ўзликни англаб, тарихий қадриятларга мансублик хислатларининг юксалишида ҳам муҳим. Бу айниқса ёшларда аجدодларимиз руҳига ҳурмат ва эҳтиром руҳини шакллантириш билан бир қаторда, ватанпарварлик ҳиссининг ривожланишида ҳам аҳамиятли.

Қадимги ёзма манбалар, хусусан, тошбитиклар ўтмишдаги воқеа-ҳодисалар шарҳи билан танишишда зарурий аҳамиятга эга. Ва бу тошбитиклар аجدодларимиз

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Том 3. – Тошкент: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», 2002. – Б. 467.

² Хоназаров Қ. Глобаллашув ва тил фалсафаси. – Тошкент, 2009. – Б. 11-12.

³ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – Москва_Ленинград, 1950. – С. 102-103.

⁴ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Том 4. – Тошкент: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», 2002. – Б. 271.

ўтмишини ўрганиш билан бир каторда, ўша ижтимоий-тарихий даврга хос бўлган гоёвий жараёнларни ўрганишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Туркий халқлар маънавий меросининг илк босқичларини ўрганишда Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларининг ўрни аҳамиятлидир. Бу белгиларга юз йилликлар давомида ҳеч кимнинг тиши ўтмасдан, ўқилмай келганлиги боис, сирли моҳият касб этиб, руник деган атамани олди. “Бу алфавит негизида туркий йирик уруғларга хос бўлган тамғалар ҳам мавжудлиги тадқиқотчиларнинг эътиборини тортади”¹. Ҳақиқатан ҳам, турк-руник ёзувларининг тамғасимон (мол энлари) шакллари, ушбу ёзувнинг яратилишида молларнинг қайси уруғга мансублигини ифодаловчи тамға (эн)лардан фойдаланганлигини пайкаш эҳтимоли устун. Ушбу жиҳатлар тарғиби ёшларимизда тарихий онгнинг ривожини таъминлашда муҳим бўлиб, ёшлар ўз кадриятларига эҳтиромона муносабатни юксалтириш билан бир каторда, жамият аъзолари орасида унинг тарғибига ҳам эътибор қаратишадики, янгиланаётган Ўзбекистон шароитида бу ўта муҳимдир.

Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари ўқилиб, унинг мазмуни талқин этила бошлаган даврдан буён, яъни бир юзу йигирма беш йил давомида, унинг текстологик тахлили, тили ҳамда лексикологик аҳамияти бўйича бир катор ишлар қилиниб келинмоқда. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, асрлар моҳиятини ўзида мутассамлаштирган ҳар қандай ёзма топилдик, даставвал, алфавит тузилиши, литографик ҳамда унли ва ундош товушларнинг сўз ясалишида катнашиш нисбатига эътибор қаратилиб, тадқиқ этилади. “Туркологияда Ўрхун-Енисей ёдгорликларининг тили бўйича илмий ишлар қилинган бўлиб, унинг фонологиялик ўзига хосликлари, лексикалик параллелликлари, сўз туркумлари ва яна бошқа масалалари тадқиқ этиб келинмоқда”². Ҳақиқатан ҳам шундай, лекин унинг тарихий моҳияти ва туркий халқлар тафаккур тараққиётидаги ўрни каби масалалар Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари доирасида тадқиқ этилмаган. Бугунги кунда ушбу масалаларни тадқиқ этиш туркий халқлар орасида маданий ҳамкорлик жараёнлари кучайиб, туркий тафаккурда ўзликни англаш жараёнлари юксалаётган бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, инсон ўз мавжудлигининг моҳиятини англашга мойил. Айниқса, ёшларимиз ўз аجدодларининг тарихий шаклланиш жараёнларига кизиқишади. Ушбу жиҳатларни ёзма ёдгорликлар талқини асосида тарғиб этиш тарихимизга бўлган ижобий муносабатни ифодалаш омилидир. Тарихий манбаларга таянган ҳолда аجدодларимизга хос бўлган ботирлик, қахрамонлик, элпарварлик ва олижанобликни ўрганиб, ижтимоий-маданий ҳаётимизда қўллаш – ўзлгимизни англашнинг маънавий негизи бўлиб ҳисобланади.

Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларининг тарихий моҳиятига эътибор қаратгудек бўлсак, унда: “Турк элининг шон-шавкати абадий бўлсин, кўк Тангри қўласин. Шу сабаб, кўк мени ҳоқон сифатида улуғлади”³, – деган ҳикматлар мавжуд. Ушбу битиклар шавкатли турк элининг абадиятга дахлдор эканлигини, самовий жисмлар туркий халқларни доимо қўллаб-қувватлаб келиши ифтихор ҳисси билан қайд этиладики, ушбу сатрлар бугунги кунда ҳам ёшларимиз орасида тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, уларда фахру ғурурни, ватан ва эл тақдири учун масъуллиқ ҳиссини юксалтиради. Ушбу жиҳатлар бугунги маънавий янгиланишлар шароитида, жамиятнинг ижтимоий-маданий юксалишида муҳим. Зеро, муайян элнинг муваффақияти

¹ Зуев Ю.А. Тамги лошадей из вассальных княжеств / Труды института истории, археологии и этнографии АН Казахской ССР. Т.8. – Алма-Ата, 1960. – С. 94.

² Жаманкулова Г. Байыркы кыргыз тили. – Бишкек, 2016. – Б. 3.

³ Радлов В.В., Мелиоранский П.М. Древне-тюркские памятники Кошо-Цайдам. – Санкт-Петербург: Типография императорской Академии Наук, 1897. – С. 23.

шахсий омил билан, яъни етакчининг маҳорати билан боғлиқ: “Фалақдай Тангри яратган Турк Билга ҳокон сўзим: отам турк доно ҳокони тахтга ўтирганда тўққиз ўғуз қаҳрамонлари, унинг машҳур беклари ва унинг халқи ҳурмат кўрсатдилар..... Ўн етти ёшимда Тангут тарафга лашкар тортдим... Ўн саккиз ёшимда Олти чўб суғдақ томонга қўшин тортдим, халқини тор-мор қилдим... Йигирма икки ёшимда Табғач томонга лашкар тортдим... Тангри ёрлақгани учун, мен муваффақиятга эришганим учун, Турк халқи ғалаба қозонди. Мен томондан давлат бундай бошқарилмаса, Турк халқи ўлажак эди, йўқ бўлажак эди”¹. Албатта, муайян халқнинг ғалабасида ҳамда зафар қучишида сиёсий-ҳарбий етакчининг ўрни бекиёс. Ушбу жиҳатлар:

1. Ушбу жиҳатлар ижтимоий-сиёсий жараёнларда муайян халқ, миллат, эл ва элат муваффақиятини таъминлаш бевосита сиёсий-ҳарбий етакчининг раҳбарлик маҳорати ва қобилияти билан ҳамбарчас боғлиқ.

2. Эл буюк бўлиши учун – унинг йўлбошчиси довурак, ботир бўлиб, ҳарбий-сиёсий иродани ўзида тўлиқ мужассамлаштириши лозим. Зеро, муайян халқ ва элнинг муваффақияти бевосита сиёсий раҳбарнинг ташкилотчилик қобилияти билан алоқадор бўлиб, бошлиқдаги ҳислат ва хусусиятларнинг аксарияти элнинг кундалик фаолиятида мужассамлашади.

3. Юкоридаги жиҳатларни ёшларимиз орасида тарғиб этиш уларнинг дунёкарашини тарихий ҳақиқатлар асосида бойитиб, ёшлар тафаккурида ўтмишга бўлган муҳаббатни юксалтирадики, ушбу жиҳат ўзликни англашда тарихий онгнинг ўрнини ифодалашга хизмат қилади.

Мутафаккир Т.Карлейл ҳақли таъкидлаганидек: “Жаҳон тарихининг ҳар бир босқичида унинг халоскори бўлган ва кишилар қалбига чўғ ташлаб уни ёндирган Буюк инсонга дуч келамиз. Дунё тарихи буюк шахсларнинг таржимаи ҳолидир”². Ҳақиқатан ҳам дунё тарихи Буюк шахслар фаолиятини ўзида мужассам этган кўзгудир. Билга, Истами ва Тўнюк ҳоконлар таркок турк элини бирлаштирган буюк сиймолар сифатида бугунги кунда ҳам туркий халқлар тарихий хотирасида мустаҳкам ўрин олганлиги эътиборлидир.

Яна Билга ҳокон эсдаликларига қайтадиган бўлсак, у: “Ўттиз икки ёшимда мен Хитойлар саксон минглик қўшинига қарши курашиб, уларни енгдим”³, – дейди. Ушбу жиҳатлар ажодимиз Билга ҳоконнинг довураклигини тасдиқлаб, эл манфаати йўлида ботирларни бирлаштиришдек ташкилотчилик қобилиятининг юксаклигини тасдиқлайди. Ушбу жиҳатлар тарғиби ҳам ёшларимизда тарихий онгнинг юксалишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ёшларимизнинг тарихий тафаккури бевосита инсониятнинг шаклланиш жараёни, демакки, туркий халқларнинг ҳам тадрижий ривожланиш босқичлари билан ҳамбарчас боғлиқ. Яъни, қадимги битиклар туркий этник бирликларининг шаклланиш босқичларини ўрганиш тарихий хотирамизни тиклашда муҳим аҳамият касб этиб, этник бирликларнинг шаклланишини тадқиқ этиш ўзликка интилиш моҳиятини ўрганишда муҳим. Туркий бирликларнинг эл сифатида шаклланиш жараёнлари моҳиятини чуқур англаш ва идрок этиш учун биз дастлаб Евроосиё кенгликларида этник бирликлар ҳамда унинг қўйи поғоналарининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини таҳлил этмоғимиз лозим. Табиийки, бугунги ижтимоий ва этномаданий цивилизациянинг узвий қисми бўлмиш туркий суперэтнос муайян тил, ўзликни англ-

¹ Отаули. Билга ҳокон достони. – Тошкент: «O'zbekuston», 2015. – Б. 136-137.

² Психология и психоанализ власти. Т. 2. – Самара: Изд-й дом «Бахрон», 1999. – С. 42.

³ Радлов В.В., Мелиоранский П.М. Древне-тюркские памятники Кошо-Цайдам. – Санкт-Петербург: Типография императорской Академии Наук, 1897. – С. 25.

лаш ва дунёқарашнинг умумийлигига асосланган этник бирликлар мажмуасидан иборат. Инсоният деганда биз, биринчи навбатда, йирик, кўп сонли, ривожланган, фан, техника, ишлаб чиқариш ва ҳаётнинг бошқа соҳаларида етакчи ўринларда бо- раётган суперэтнос, ундан сўнг эса, миллатларни кўз олдимишга келтирамиз. Ин- сониятнинг янада илғорлашида, ишлаб чиқаришни янги поғоналарга кўтаришда, жаҳонда тинчлик, барқарорлик, адолат тантанаси учун курашда, моддий ва маъна- вий бойликларни яратишда суперэтнослар ҳамда миллатлар ҳал қилувчи ўринни ишғол қилиб туради. Ушбу жиҳатлар тарғиби ёшларимизда тарихий тафаккур асо- сида ўзликни англаб, инсониятнинг бугунги тараққиётига фаол ҳисса қўшишини таъминлайди.

Маълумки, ҳар қандай онгли бирлик кишилар мажмуасидан иборат. Ибтидоий жамоа тузумида дастлаб илк одамлар ўзаро жамоа, яъни кишилар тўдаси сифатида ҳаёт кечиришган. Хайвонот дунёсидан ажралиб чиққан илк одамлар ташқи табиат- нинг стихияли кучлари олдида ўзларини ожиз сезиб, улар орасида ўзаро бирлашиш эҳтиёжи туғилган. Натижада, кишиларнинг илк ибтидоий бирлиги вужудга келиб, бу ибтидоий бирлик табиат кучларидан, ташқи хавф-хатардан ҳимояланишда, қо- лаверса, ўзларининг моддий ҳаётини таъминлашда муҳим роль ўйнаши билан бир қаторда ушбу илк жамоа олдида қулай имкониятлар очди. Шу тариқа кишилик жа- миятида дастлаб ибтидоий уруғлар вужудга келди. Ушбу жиҳатлар тарихий арте- фактлар асосида ҳамда қадимги ёзма ёдгорликларга таянган ҳолда тадқиқ этилган- ки, ушбу маълумотлар тарғиби ёшлар тарихий онгининг таъминланишида зарурий аҳамиятга эга.

Қадимги ёзма ёдгорликларга таянган ҳолда, аجدодларимизнинг элни бир- лаштириш йўлидаги қахрамонона фаолиятини ўрганиш муҳим. Шунингдек, этник ўзига хослик, уларнинг урф-одат ва анъаналарини ўрганиш этник тараққиёт учун аҳамиятли. Ижтимоий ҳаётда уруғ-аймоқчилик мавжуд экан унинг шаклланиш жа- раёнини ўрганиб, уруғчиликни ўзаро умумийликни таъминлаш сари йўналтириш ҳар қандай миллатнинг жипслигини таъминлашда етакчи омилдир. Жамиятимиз аъзолари, хусусан, ёшларнинг тарихий онгини ривожлантириб, ўзлигини англаши- да этник шаклланиш жараёнини билиши, бошқа этник гуруҳлар орасида ўз этноси- нинг ўрнини идрок этиши, этнотарихий жараёнларда яхлит илдиз сифатида барча туркий этник бирликлар ривожига асосий манба бўлган турк суперэтносининг ўр- нини ўрганиш аҳамиятли. Айниқса, бизнинг эрамининг бешинчи ва ўн еттинчи асрлари оралиғида дастлаб, Билга, Истами ва Тўнқуқ ҳоқонлар, ундан сўнг ўрта асрларда Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Темурийлар асос солган империялар та- рихий ҳамда этносиёсий майдонда турк суперэтносининг ўрнини мустаҳкамлаб, ижтимоий-маданий цивилизациялашув жараёнларида туркий омилнинг барқарор моҳиятини таъминладилар.

Умуман олганда, тарихий манбалар, жумладан, қадимги ёзувлар талқини асо- сида ёшларда тарихий онгни ривожлантириш ўзликни англашда етакчи аҳамиятга эга бўлиб, жамият маънавиятининг юксалишига хизмат қилади. Шахс, этник гуруҳ, элат ва миллатда тафаккур ҳамда дунёқарашни ўстириб, тарихий тажрибаларнинг ижобий жиҳатларидан фойдаланган ҳолда келажак тараққиётни ярата бориш, яъни аجدодларга хос бўлган эзгу хусусиятларни миллатнинг ментал моҳиятига сингди- риб, умуминсоний цивилизация ривожига ҳисса қўшишга ундайди. Инсоният яхлит бир илдиздан ибтидо олган экан, хусусий шаклланиш ва ривожланиш босқичлари- ни ўрганиб, ўзаро умумийликни таъминловчи хусусиятларга эътибор қаратиш ло- зим. Умуминсоний тараққиёт – ўзаро умумийликка урғу бериш экан, бунинг учун тарихий шаклланиш жараёнларига эътибор қаратиш муҳим.

Ёшларда бошқарув фаолиятини тарбиялашда Жон Локк либералистик қарашларининг ўрни

Аннотация. Мақолада Жон Локкнинг бошқарув ва жамиятнинг сиёсий шакли назарияси, бу либерал ғояларни тарғиб қилиш ва тарқатишда, уларни давлат ва жамоат ишларини бошқаришга жалб этишда ёшларнинг муҳим куч сифатидаги роли тўғрисидаги мулоҳазалар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Ёшлар, бошқарув, ҳуқуқий маданият, Жон Локк, эркинлик, либералистик қарашлар, маънавият, ахлоқ, тарбия.

Abstract. The article analyzes the theory of the political form of government of the state and society by John Locke, reflections on the role of youth as an important force in the promotion and dissemination of these liberal ideas, involving them in the management of state and public affairs.

Keywords: youth, management, legal culture, John Locke, freedom, liberal views, spirituality, morality, education.

Аннотация. В статье анализируется теория политической формы управления государством и обществом Джона Локка, размышления о роли молодежи как важной силы в продвижении и распространении этих либеральных идей, привлечение ее к управлению государственными и общественными делами.

Ключевые слова: молодежь, управление, правовая культура, Джон Локк, свобода, либеральные взгляды, духовность, нравственность, воспитание.

Маълумки, ёшларнинг комил инсон бўлиб етишишлари ҳамда бошқарув соҳасида ҳам етакчи мутахассис сифатида фаолият олиб боришларини таъминлаш барча даврлар ва барча миллатлар учун энг долзарб масалалардан бири ҳисобланган. Чунки оддий инсон ўз фарзандининг келажагини канчалик ўйласа, миллатлар ва давлатлар ҳам ўзлари мансуб бўлган жамият келажагини чуқур идрок этган ҳолда ўз ёшлари тарбияси ҳамда бошқарув соҳасида кўникмаларини шакллантириш ҳақида шунчалик қайғурадилар. Ва бу жиҳат жамият маънавий-интеллектуал салоҳиятининг етакчи катлами бўлган тафаккур аҳлининг қарашларида ҳам ўз ифодасини топиб бориши эътиборлидир.

Инглиз файласуфи Жон Локк (1632–1704) гарчи Англияда яшаб, илмий-фаолият олиб борган бўлса-да, унинг илмий қарашлари, хусусан, эркинлик ғоясининг тадқиқотчиси сифатида либерализм ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан, фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланаётган паллада эркинлик ҳуқуқий демократик жамиятнинг бош омили сифатида ўз долзарб моҳиятини ошириб келмоқда. Жон Локкнинг либералистик қарашларида ёшлар тарбиясига, уларнинг комил инсон бўлиб тарбияланишида, давлатни бошқаруви соҳасида ёшларга нисбатан тенглик тамойиллари асосида муносабатда бўлиб, уларда бошқарув соҳасида малака ва кўникмаларни шакллантириш муҳимлиги мутафаккир қарашларида ўзига хос ўрин эгаллайди. Жон Локкнинг “Тарбияга оид баъзи фикрлар” асарида ёшлар тарбияси борасида уларга нисбатан эркинлик тамойиллари асосида таълим ва тарбия беришга чақиради¹, – бу жиҳат ҳуқуқий демократик жамиятда ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини юксалтиришга хизмат қилиб, уларни бошқарув соҳасига жалб этиб бориш, бунда ёш мутахассислардан эркин-

¹ Джуринский А.Н. История зарубежной педагогики: Учебное пособие. – М., 1998. – С. 173.

лик ғояси тарғиботчиси сифатида фойдаланиш лозимлигини таъкидлайди. Мутафаккир ўзининг қарашларида тарбияда фарзандга доимо танлов ҳукукини бериш лозимлигини таъкидлаб, етакчилик қобилияти қуртаклари намоён бўлган болани ушбу соҳага йўналтира бориш муҳимлиги ғоясини илгари суради. Жон Локкнинг фикрича, бола онгида у яхши, бу ёмон деган фикрни мажбурий равишда сингдириш – эркинлик тамойилларини бузилишига сабаб бўлади¹. Яъни болани маълум соҳага мажбурлаш эмас, балки унинг борлиғида мавжуд қобилиятни ривожлантириш лозимлиги каби қарашларни илгари суради. Шу боис, боланинг қобилиятини инобатга олган ҳолда, унга яхши ва ёмонни образли мисоллар билан кўрсатиб берилса, бу унинг таълими ва тарбиясига ижобий таъсир этиши табиий, деган фикрни беради. Фарзанд улғаяр экан, комилликнинг пиллапояларидан юқорилаган сари, албатта, мамлакатга ўз ҳалол меҳнати билан хизмат қилиш пайида бўлиб, танлаган соҳасининг етакчи мутахассиси сифатида фаолият олиб боради.

Хусусан, ёшларнинг давлат бошқаруви соҳасида хизмат қилишларида Жон Локк ўзининг бир канча фикрларини илгари суради. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, “Давлатни бошқариш тўғрисида икки рисола” асарида Жон Локк ҳар қандай замонавий социал ҳодиса, хусусан, давлат бошқаруви каби катта ижтимоий аҳамиятга молик ҳодисани тушунишга интилиш бизни бу масаланинг табиати ва моҳиятига мурожаат қилишга ундаган ҳолда ёшларни бу масалага бир мунча жиддий тайёрлашга чақиритишни таъкидлаб ўтади².

Жамиятда юз берадиган кўпгина воқеа-ҳодисалар бошқарув масаласи билан боғлиқ. Лотинча “administratio” деган атама раҳбарлик қилишни (кимгадир, нимагадир) билдиради. Жон Локкнинг фикрича, бошқарув – бу ҳеч истисносиз барча ташкилот аъзоларининг фаолият йўналишини таъминлайдиган, бутун ташкилот ва унинг айрим қисмларини белгиланган мақсад доирасида ушлаб турадиган ушбу ташкилотнинг специфик, яъни ўзига хос хусусиятга эга бўлган идорасининг вазифаси бўлиб ҳисобланади. Масалан, давлат муассасасидаги ходимлар иш вақти, улар меҳнатининг миқдори ва сифатини, бошқа бўлимлар билан муносабатлар ҳамда бошқа ҳолатларни назорат қиладиган меъёр ва қоидаларга эга бўлгани ҳолда ёшларнинг дунёқарашларини ҳисобга олиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бу бўлим раҳбарияти, бошқарув вазифасини бажарар экан, муқофотлаш ёки жазолаш усулларини қўллаган ҳолда, амалда бу меъёр ва қоидаларга қанчалик риоя этилаётганини назорат қилади. Жон Локк фикрича, бошқарувнинг умумий хусусиятлари қуйидагилар бўлиб, улар ёшларнинг бошқарув соҳасидаги фаолиятларини ҳам мувофиқлаштиришга хизмат қилади: 1. Ҳаракат ва башоратларнинг умумий йўналишларини режалаштириш. 2. Инсоний ва моддий ресурсларни ташкил қилиш. 3. Ходимлар ҳаракатини қулай ҳолатда ушлаб туриш учун фармойиш ва кўрсатмалар бериш. 4. Умумий мақсадларга эришиш учун турли ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳамда ташкилот аъзолари хатти-ҳаракатларини мавжуд қоида ва меъёрларга мувофиқ ҳолда назорат қилишдан иборат³. Таъкидлаш лозимки, булар бошқарув бўйича ёш мутахассис амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатларнинг барчаси эмас. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бундай мутахассиснинг реклама ишлари, қўшимча маблағлар ундириш ва кўпгина бошқа фаолият турлари билан

¹ Локк Дж. Сочинения в трёх томах. Т. 3. – М.: Мысль, 1988. – С.521.

² Ўша жойда. – С. 201.

³ Заиченко Г.А. Объективность чувственного знания: Локк, Беркли и проблема «вторичных» качеств // Философские науки. – 1985. – № 4. – С. 103.

шуғулланишига тўғри келади. Ҳақиқий бошқарувчи юксак малакали ходим бўлиши ўз-ўзидан равшан. Ташкилотда бошқарув вазифаларини бажариш билан шуғулланадиганлар бюрократик маъмурият деб аталадиган алоҳида гуруҳга киради. Жон Локк, биз бошқарувга тегишли ижтимоий аҳамиятга молик максадларга эришиш йўлида амалга ошириладиган фаолиятларни бошқарув соҳасидаги ёшлар ҳам ўзида мужассам этади, деган хулосага келамиз, деган фикрни илгари суриб, инсоннинг турли ҳаёт соҳаларига таъсир кўрсатиши нуктаи назаридан, умуман, қуйидаги бошқарув турларини ажратиб кўрсатади:

1. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига зарур шаклда таъсир кўрсатиш йўлини танлаш билан боғлиқ бўлган биологик бошқарув.

2. Технологик жараёнлар, механизмлар ва шунга ўхшаш ҳолатларни бошқариш билан боғлиқ технологик бошқарув.

3. Инсоннинг инсонга таъсир қилиш воситаларини шакллантирадиган, инсоний жамият бошқарувини назарда тутадиган ижтимоий бошқарув¹. Технологик жараёнлар билан ижтимоий бошқарувда ёшлар фаолияти самарали ўринни эгаллаши мутафаккир қарашларида эътироф этилади.

Ўз навбатида, Локкнинг эътирофича, ижтимоий бошқарувнинг ўзи қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Бу бошқарув тури одамлар биргаликда яшайдиган жойда бўлади.

2. Инсонларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишни бош мақсад қилиб қўяди.

3. Асосий элементи бошқарув субъекти (бошқарадиган элемент) ва бошқарув объекти (бошқариладиган элемент) бўлган яхлит тизим сифатида намоён бўлади.

4. Бошқарув ижтимоий муносабатларнинг регулятори, яъни посангиси сифатида майдонга чиқади.

5. Бошқарув муносабатлари иштирокчилари иродасининг маълум маънода бўйсунмиш ҳолатида бўлишига асосланади (бошқарув субъекти “ўз ҳукмронлиги”ни амалга оширади, бошқарув объекти эса онгли равишда унга бўйсунди)². Ва ўз фикрини хулосалаб, модомики шундай экан, бошқарувнинг фаол субъекти сифатида ёшлар фаолиятида ушбу жиҳатлар яққолроқ намоён бўлади, деган фикрларни илгари суради.

Жон Локк қарашларида ижтимоий бошқарувнинг икки тури ажратиб кўрсатилади:

1. Давлат ишларини бошқариш (давлат бошқаруви)

2. Нодавлат бошқаруви (нодавлат тузилмалардаги бошқарув)³.

Жон Локк таъкидлашича, давлат бошқаруви, давлат ҳокимияти ва одил судловни амалга ошириш билан бирга, давлатнинг фаолият шакли ҳамдир. Давлатнинг мазкур фаолият турларидан ҳар бири давлат функцияларини амалга ошириш жараёнида ўз вазифаси, маъно-мазмунини ва хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Одатда давлат бошқаруви ҳақида гап кетганда, бу суз ҳам кенг, ҳам тор маънода ишлатилади. “Давлат бошқаруви” атамаси кенг маънода давлатнинг турли-туман жамоат алоқаларини ташкил қилиш бўйича бутун фаолиятини билдиради ҳамда барча давлат ҳокимияти идоралари – конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд хоки-

¹ Заиченко Г.А. Объективность чувственного знания: Локк, Беркли и проблема «вторичных» качеств // Философские науки. – 1985. – № 4. – С. 105.

² Смирбек Г., Гилье Н. История философии. – М., 2000. – С. 356.

³ Локк Дж. Избранные произведения. Т.2. – М., 1988. – С. 76.

мияти ишини камраб олиши таъкидланиб, бошқарув соҳасидаги ёшлар масъулияти ҳақидаги фикрларга тўхталиб ўтади.

“Давлат бошқаруви” тушунчасининг тор маънодаги мазмунини шарҳлар эканмиз, баъзи маъмурий соҳа ходимлари бу тушунчага турли маънолар юклашини кайд этмасдан бўлмайди. Айрим ҳукукшунослар давлат бошқаруви – бу, биринчи галда, барча давлат идораларининг маъмурий-ижрочилик фаолиятидан иборат, деб ҳисоблайди. Бизнинг назаримизда, давлат бошқарувини бундай талкин қилиш унинг маъно-мазмунини тўлиқ акс эттирмайди, чунки бундай қараш давлат идораларининг ташкилотчилик фаолиятини инкор этиб, либерал қарашлар ҳамда бошқарув соҳасидаги бундай фаолият моҳиятини сояда қолдиради.

Заиченко фикрича, Жон Локк давлат бошқарувининг тавсифи ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтади¹. Давлат бошқаруви – ижрочилик хусусиятига эга бўлган ягона давлат ҳокимиятини амалга ошириш фаолиятининг ягона қўриниши. Бундай бошқарув биринчи галда қонунлар, ҳукумат қарорларини ҳаётга жорий этишга қаратилган. Бундан ташқари, бу қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш учун давлат идоралари (давлат бошқаруви субъектлари) давлат ҳокимияти ваколатларига эга ва бажарилиши шарт бўлган қўрсатмалар – ҳокимият номидан буйруқлар беришга ҳақли. Давлат бошқаруви ҳўжалик, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилишга раҳбарлик қилиш жараёнида амалга оширилади.

Давлат бошқаруви қуйидаги масалаларни назарда тутати:

1. Маъмурий-ижро тизимининг юқоридан пастга, пастдан юқорига қараб ҳаракат қилиши (вертикаль тизим).
2. Давлат бошқарув субъектларининг юридик-ҳокимият ваколатларини маъмурий тартибда амалга ошириши.
3. Бошқарув субъектлари ҳукукий меъёрларни мустақил ўрната оладиган маъмурий қонун ижодқорлиги имкониятининг мавжудлиги².

Шунингдек, Локк давлатнинг ижтимоий вазифалари ва ёшлар фаолиятида давлат бошқаруви қўринишлари борасида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтади. Унинг фикрича, давлатнинг вазифалари – бу давлатнинг миллий ва умумбашарий моҳияти ва ижтимоий вазифасини акс эттирадиган асосий фаолият йўналишларидан иборат. Бу вазифалар давлат ҳудуди доирасида амалга ошириладиган ички вазифалар ва унинг сарҳадларидан ташқарида амалга ошириладиган ташқи вазифаларга бўлинади.

Фаолият давомийлигига қараб, давлат вазифалари доимий ва маълум бир вазифани бажариш билан ўз ҳаракатини тугатадиган, ғавқулдодалик хусусиятига эга бўлган муваққат (масалан, табиий офатлар, қатта ҳалокатлар, ғайриқонституциявий ҳаракатлар ва ҳоказо) вазифаларга бўлинади. Ана шундай ғайриқонуний ҳаракатларга қўпинча ёшлар мойиллигига эътибор қаратиб, уларда ҳукукий маданиятни юксалтириш лозимлиги, айниқса бошқарув соҳасида банд бўлган ёшлар ўз вазифаларини суиистеъмол қилмасликлари лозимлигига эътибор қаратади.

Шу тариқа бугунги ижтимоий-маданий моҳиятга эга бўлган давлатнинг вазифалари жамиятнинг нормал ҳаёти ва тараққиётини ташкил этиш, шу жамият фуқаролари ва халқининг ҳуқуқ, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ичкараси ва ташқарисидagi зиддият ҳамда қарама-қаршилик-

¹ Заиченко Г. А. Джон Локк. – М., 1973. – С. 97.

² Кузнецов В. Н., Мееровский Б. В., Грязнов А. Ф. Западноевропейская философия XVIII в. – М.: Просвещение, 1986. – С. 115.

ларни ҳал этишга қаратилган. Давлатнинг вазифалари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Давлатнинг ижтимоий ролининг моҳияти барча фуқароларнинг умумий хохиш-иродасини ҳеч бўлмаганда расман ифода этган ҳолда, бутун жамиятга мақсадни назарда тутувчи, ташкиллаштирувчи, мувофиқлаштирувчи таъсир ўтказишдан иборат. Шунинг учун давлат томонидан ўзининг ижтимоий вазифаларини бажаришни белгилаб берадиган икки жиҳатни кўрсатиш мумкин. Бири – давлат фуқароларининг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари ва хохиш-иродасини ўзида қанчалик мужассам этишининг кўрсаткичи; иккинчиси – давлатнинг ижтимоий жараёнларни қандай бошқараётгани, жамият тараққиётини таъминлаётгани билан боғлиқлиги таъкидланади.

Умуман олганда, давлат жамиятнинг ҳаётий фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича хилма-хил вазифаларни бажаради. Ва уларнинг барчаси муайян даражада бошқарув билан боғлиқ бўлиб, бошқарув тизими ва аппарати орқали амалга оширилади. Давлат аппарати давлат ҳокимиятини амалга ошириш воситаси бўлган асосий вазифаларни бажариш, мамлакат тараққиётининг турли босқичларида жамият олдида турган мақсадларга эришишга қўмаклашадиган давлат идоралари тизимини ўзида акс эттиради.

Аппарат ҳар қандай давлатнинг энг муҳим таркибий қисмидир. Унинг ёрдамида давлат ва қисман жамоат ишларини бошқариш амалга оширилади. Жамият ривожланиб боргани сари бу бошқарув, у билан бирга эса, давлат аппарати ҳам тинимсиз мураккаблашиб, такомиллашиб боради ва бунда ёшлар иштироки салмоғининг ошиб бориши – бошқарув соҳасида ёшлар тажрибасининг ошишини таъминлайдики, бу жиҳат ҳар қандай жамиятнинг оптимал ривожига муҳимдир.

Бошқарув давлатнинг деярли барча вазифаларини қамраб олади, шу боис, ме-нежмент нуқтаи назаридан, давлатнинг вазифалари – бу бошқарув вазифаларининг мажмуаси, деб айтиш мумкин¹.

Давлатнинг асосий бошқарувчилик вазифалари раҳбарлик, мувофиқлаштириш, ташкил этиш, назорат, социумни сақлаш ҳамда ривожлантириш мақсадида қарорлар қабул қилиш, унинг тузилиши ва фаолиятини тартибга келтириш, фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳар томонлама фаолият кўрсатиши учун қулай шароитлар яратишдан иборат. Жон Локк давлат бошқарувининг ўзига хос хусусияти бу бошқарув қамраб оладиган ижтимоий ходисаларнинг характери ва миқёсини белгилайди, деган хулосага келади. Сиёсий жиҳатдан давлат таъсирининг мазмуни умумий ишларни ҳал қилиш, жамиятни белгилаб олинган мақсадлар сари сафарбар этиш, фақат айрим фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар эмас, балки бутун жамият эҳтиёжларини қондиришни назарда тутати².

Давлатнинг таъсир воситалари ва усулларида фойдаланишнинг фарқли хусусияти – давлатнинг ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идораларининг кучи ёрдамида қонуний асосда мажбурлаш имкониятининг мавжудлигида, деган фикрни илгари суради. Давлат ўзининг таркибий тузилиши ва алоқаларига кўра мураккаб ҳамда вазифаларига кўра эса кўп фуқароли ижтимоий ходиса ўлароқ, давлат бошқарувига ҳам тизимлилик хусусиятини бағишлайди. Бу тизимда кўплаб давлат идоралари ва бошқа тузилмалар, кўпсонли мансабдор шахслар ва бошқа хизматчилар, миллионлаб кишилар ишга солинади. Давлат бошқарувида турли қимматбаҳо мод-

¹ Чичерин Б.Н. Политические мыслители древнего и нового мира. – СПб.: Лань, 1999. – С. 217.

² Локк Дж. Избранные произведения. Т.2. – М., 1988. – С. 103.

дий, молиявий ва интеллектуал ресурслар ҳамда кенг қўламли ахборотдан фойдаланилади.

Жон Локк фикрича, давлат бошқаруви қўлаб бошқарувга оид қарор ва ҳаракатлардан ташкил топади. Ўз-ўзидан аёнки, фақат давлат бошқарувининг тизимлиги унга келишув асосида, субординация, мувофиқлик, собитқадамлик, рационаллик, самаралилик каби зарур хусусиятларни бағишлайди. Давлат бошқарувини ўрганишга тизимли ёндашиш уни бир неча мураккаб тизимларнинг фаолияти сифатида англаш имконини беради, улар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Бошқарувчи тизим – давлат бошқарув субъектини белгиловчи сифатида.

2. Бошқариладиган тизим – бутун жамият ва унинг давлат таъсирига тортилган таркибий қисмлари бошқарув объектлари сифатида.

3. Ўзаро ҳамкорлик тизими – давлат ва жамиятнинг алоқаларини амалга оширадиган турли институтлари:

а) тўғри ва тескари йўналишдаги;

б) бўйлама ва ёнлама (вертикал ва горизонтал) йўналишдаги;

в) бўйсунадиган ҳамда қўлаб-қувватлайдиган ва бошқалар¹.

Субъектив ва объектив боғлиқлик давлат бошқаруви тавсифининг моҳиятини белгилайди. Субъект ахборот жўнатади (буйруқ тарзидаги ахборот), объектдан эса жавоб ахбороти (буйруққа муносабат) келади.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, ҳар қандай бошқарув субъект ва объектнинг ўзаро боғлиқлигида намоён бўлади. Тўғри ва тескари йўналишдаги алоқанинг тезкорлиги бошқарув субъекти ва объектнинг шакли ва характериға боғлиқ. Бу мезон бўйича давлат бошқарувининг демократик ва авторитар хусусиятини фарқлаш мумкин. Агар бошқарувнинг тўғри йўналишдаги алоқалари (буйруқ тарзидаги ахборот) устунлик қилиб кетса, тескари алоқа сустр ривожланган ёки деярли тўсиб қўйилган бўлса, авторитар бошқарув ҳақида гапириш мумкин. Агар тўғри йўналишдаги алоқа билан бирга тескари алоқа ҳам яхши ривожланган бўлса, демократик бошқарув ҳақида гапириш мумкин. Умуман олганда, Жон Локк қарашларида қисман ёшларга ҳам эътибор қаратилган бўлишига қарамадан, мутафаккир томонидан илгари сурилган ғояларнинг барчаси ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиясида, хусусан, уларни бошқарув ишларига жалб этиб, улар фаолиятини тараққиётнинг оптимал ривожини сари йўналтиришда муҳимдир.

¹ Борисов Л.П. История политических и правовых учений. – М.: Спутник, 2000. – С. 86.

Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази

ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Нашр учун масъул
Муҳаррирлар

Компьютерда саҳифаловчи

М. Тиллабоев
М. Пальнова, Л. Рузикулова,
Н. Сафарова
А. Жуманиязов

Босишга 2021 йил 8 октябрда рухсат этилди.

Бичими 70x100^{1/16}

«PT Serif» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табоғи 14,6. Нашр табоғи 13,4.

Адади 100 нусха. Буюртма № 58.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий марказида чоп этилди.
100029, Тошкент, Ислон Каримов кўчаси, 15.